УСМОН САНАҚУЛОВ, ЎТКИР ОСТОНОВ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ ВА УНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИК МАЙДОНИНИНГ ТАДҚИҚИ

Монография

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

УСМОН САНАҚУЛОВ, ЎТКИР ОСТОНОВ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ ВА УНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИК МАЙДОНИНИНГ ТАДҚИҚИ

САМАРҚАНД - 2018

КВК:
UO‘K:
C.

Усмон Санақулов, Ўткир Остонов **“Қутадғу билиг” асари ва ундаги ижтимоий-сиёсий лексик майдоннинг талқини.** (Монография).-Т.: “ ” нашриёти 2018 йил,172 бет.

Мазкур монографияда “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексик майдони ёритишда ва тарихий жараёнини белгилаш мақсадида Ўрхун Энасой, “Девону луғоти-турк”, “Ҳибат-ул ҳақойиқ”, “Ҳикматлар”, “Тафсир” каби бир неча асарлардаги маълумотлар ҳам асосий манба сифатида қаралади.

Монография материали ўзбек тилшунослигида, умуман, олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича тарихий лексикани ўрганишида муҳим аҳамият касб этади. Ундаги материаллардан талабаларнинг тарихий лексикани ўрганишида махсус курс ва семинарлар ташкил этишда қўшимча манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррирлар: **Эргаш Умаров-**
Ўз.ФА Лексикалогия бўлимининг бошлиғи,
профессор, филология фанлари доктори.

Тақризчилар - **Суюн Каримов**
СамДУ профессори, филология фанлари доктори,
Муродқосим Абдиев-
филология фанлари доктори,

Қайта ишланган нашр

ISBN:

© Усмон Санақулов
© Тошкент “....НАВРЎЗ.....”нашриёти ДУК, 2018.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИК МАЙДОН.....

II БОБ

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИК” АСАРИ

ҲАМДА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ ВА УНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИК МАЙДОНИНИНГ ТАЛҚИНИ

III БОБ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА ДАВЛАТ ВА ДАВЛАТЧИЛИККА ОИД ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

IV БОБ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА АДОЛАТ ВА АДОЛАТСИЗЛИККА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР

Умумий хулосалар

Шартли қисқартмалар

Фойдаланилган адабиётлар

Илова

К И Р И Ш

МОНОГРАФИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ҳозирги даврда ўзбек тили тарихини янги давр талаби асосида ёритиш, хусусан, унинг умумтуркий тиллар доирасидаги қадимий ўтмиши, тараққиёти ва шаклланишини ўзига хос миллий, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш тилшунослигимизнинг муҳим ва долзарб масалаларидан бирига айланди. Бу масала юртбошимиз таъкидлаганларидек, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазиналарида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёма манбалар, уларда мужассамлашган тарих, тил ва адабиёт, санъат, сиёсат, ақлоқ, фалсафа, тббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка каби соҳаларга оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Ана шундай ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий ёдгорликларни собиқ иттифоқ давридаги мудҳиш тузум асорати туфайли юзага чиқариш имконияти бўлмаган. Эндиликда мустақиллик шарофати билан халқимиз ўз юрти, тили ва адабиёти, маданияти, тарихини билишга, қизиқиши кучайди, ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган меросларимизни юзага чиқаришга кенг имконият яратилди[1].

---

[1] .Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, т.6.-Т.: “Ўзбекистон”,1998, 125-б.; Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: “Шарқ”, 1998, 3-4-бб.

Тўғри, қатор ҳорижий шарқшунос-туркшуносlар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қадимги ёзма ёдгорликларнинг баъзи бир лингвистик хусусиятлари ўрганилди. Лекин шунга қарамай, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган қўпгина масалалар кўп. Кутубхона ва тарихий музейларда катта сонли ўтмиш ёдгорликларимиз мавжудки, ҳали ҳам улар лингвистик жиҳатдан ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Ҳатто, тадқиқ этилган деб қаралган ёдгорликларнинг тил хусусиятлари ҳам ҳали мукаммал ўрганилмаган.

Ўзбек тилининг илк шаклланишига асос бўлган V-IX асрларига хос ёзма ёдгорликлар сифатида шу пайтгача Ўрхун-Енесей битикларига мурожаат этардик. Дарҳақиқат бу битиклар тил материаллари барча туркий, жумладан, ўзбек тилининг илк шаклланишида ҳам асос-илдиз саналади.

Ўтмишда туркий аждодлар бир-бири билан, айниқса, тил ва ёзув жиҳатдан анча умумийликка эга бўлганлиги аниқ. Шунинг учун ҳам юртбошимиз И.А.Каримов *“қадимги тарихий илдизларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз*[2]*”, деган эди*. Бу муштараклик аждодларимизнинг хотираларини акс эттирувчи ёзув маданиятида ҳам акс этганини кўрамиз. Ёзув маданияти ҳар бир халқ ва унинг тили тарихини ҳам юзага келишида асосий восита саналади. Зеро, тарихий жараён манбалари ёзувда битилади ва ҳозир ҳам бу ҳол давом этиб келмоқда. Хусусан, халқ ва тилнинг этногенезини, илк даврини, дастлабки шаклланиш жараёнларини

[2] . Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.-Т.: “Адолат” газетаси, 5 феврал ,1999.

ўрганишда ёзма ёдгорликларнинг ўрни ниҳоятда буюкдир. Археологик тадқиқотлар илк туркий ёзув ва ёзма ёдгорликларимизни Марказий Осиёда яратилганлигини маълум этмоқда. Туркий халқларнинг ўзига хос тили ва ёзув (алифбо)си борки, унинг тарихини олимларимиз 2500(2700) йиллик давр билан ўлчанишини қайд этишган. Бу ёзувлар ҳозирги пайтда илм-фанда хорасимий (хоразмий), дулбарчин (туркий-рун ёки Урхун-Енисей), туркий-уйғур (қадимий уйғур) номлари билан аталиб келинаётгани маълум. Зеро, бу ёзувда битилган ёдгорликлар намуналари бизгача етиб келган.

Узоқ ўтмиш ҳақида гувоҳлик берувчи ушбу битик ёдгорликларининг ҳар бири ўзига хос тарихга эга. Сўнгги йиллардаги археологик топилдиқлар, тарихий ёзма манбалар бўйича олимларимиз томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида уларнинг ҳар бири ҳақида маълум бир янгича фикр-мулоҳазалар ва хулосалар айтилиб келинмоқда. Жумладан, улар туркий ёзув ва ёзма ёдгорликларни милоддан аввалги даврларда шаклланган деб қарашмоқда.

Жумладан, кейинги даврларда Марказий Осиё ҳудудидан кўплаб туркий-рун (Ўрхун-Енесей) ёзувига ўхшаш битик ёдгорликлари намуналари топилдики, улар миллоддан аввалги асрларга хос деб ҳисобланмоқда. Улар орасида 1970 йилда археологик изланиш натижасида Олмаотадан 50 км. шарқда, “Иссиқ” дарёси соҳилида жойлашган “Иссиқ қўрғон” харобалари (қабр)дан топилган кумуш кўзачадаги битик, айниқса, муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидан, айниқса, Қашқадарё

(Подоёнтоғ)дан топилган хумдаги битик ва бошқа бир қанча шунга ўхшаш битиклар туркий халқларнинг милоддан аввалги даврларда ўзига хос махсус ёзувлари шаклланганлини тасдиқлайди. Хусусан, қайд этилган икки хумдаги битиклар милоддан аввалги V-III асрларга хос деб қаралмоқда[3]. Ҳозирги пайтда биргина Фарғона водийсидан ўнлаб туркий-рун ёзма ёдгорликларига ўхшаш битик намуналари топилган. Шунингдек, бу ёзув ёдгорликларнинг намуналари Ўзбекистонга қўшни бўлган Тожикисто, Қирғизистон, Авғонистон ва бошқа мамлакатлар ҳудудларидан ҳам топилган. Бу каби ёзув ёдгорликлари олимларимиз томонидан ўрганишга киришилган[4].

1970-80 йиллар давомида ушбу ёзув бўйича қилинган ахборот ва тадқиқотларда қадимги ёзув, асосан, илк бор милодий V-VIII асрларда Урхун-Енисей минтақасидаги туркий элатлар орасида шаклланиб, сўнг бошқа ерларга кенг тарқалган, деган фикрлар мавжуд эди. Сўнгги йиллардаги археологик топилдиқлар гувоҳлиги асосида эса олимларимизнинг фикрлари бир мунча ўзгарди. Улар туркий ёзувни бошқа минтақаларда, ҳатто, милоддан олдинги III-II асрларида Мовароуннаҳр, умуман, Марказий Осиё ерларида ҳам анча кенг қўлланилганлигини ва унинг шаклланиши асримизга тенгдош эканлигини қайд этишмоқда. Ҳар ҳолда сўнгги йилларда айтилган фикрларда ҳақиқат бор деб ўйлаймиз. Эндиликда, ушбу ёзув даставвал Урхун-Енисей атрофларида ёки Мўғулистон, Сибирь ерларида яшовчи туркий элатлар орасида қўлланилган

[3] .Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари.-Т.: “Фан”, 2006, 14, 24-бб.(-65 б.).

[4] .Қаранг: Раҳмонов Н., Матбобоев Б.Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари”1-65-бб.

деган фикрларга қараганда, бу ёзувни даставвал Мовароуннаҳр, Уйғуристон ерларида яратилган, деган янгича фикрлар айтилмоқда. Афсуски, ҳали бу ёзув матнлари тилини туркийда бўлганлиги аниқланган бўлса-да, ҳали улар Ўрхун-Енесей битиклари тарзида тартибга келтирилиб, кенг ўрганилганича йўқ. Ҳатто, Ўрхун-Енесей битикларининг ўзи ҳам ҳар томонлама мукаммал ўрганилган эмас. Худди шундай фикрни XI-XIII асрлар ёдгориликларини ўрганишлиши даражаси ҳақида ҳам айтиш мумкин. Зеро, “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”, “Ҳибат-ул ҳақойиқ”, хусусан, “Тафсир” ва “Ҳикматлар” каби бир қанча асарлар лингвистик жиҳатдан ҳали ҳам ҳар томонлама тўла таҳлил этилган деб бўлмайди.

XX асрнинг охирлари, хусусан, мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ ўзбек тилининг тарихий тараққиётини ўрганиш масаласига ҳам, хусусан, мустақилликка эришиш арафаларида алоҳида аҳамият берла бошланди. Жумладан, ўзбек тилшунослигида тилнинг асосий буюклигин белгиловчи сўз бойлиги, аниқроғи лексикасини тадқиқ этиш бўйича ангчагина ишлар амалга оширилди. Туркалогия, жумладан ўзбек тилининг турли соҳалари бўйича луғатлар, илмий тадқиқотлар яратилилди. Айниқса, кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маиший, маънавий-маданий ҳаётда катта ўзгаришлар юз бериши ва бу жараённинг тезлик билан давом этаётганлиги туфайли ўзбек тилининг турли соҳаларига хос лексикаси систем сифатида махсус тадқиқ этила бошланди. Натижада ўзбек тилининг соҳавий лексик системасига хос қатор

тадқиқотлар юзага келди. Лекин ҳозирча ўзбек тили лексик бойлиги тарихий жиҳатдан ҳали мукаммал ўрганилган эмас. Тўғри, бу соҳада ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган[5]. Аммо тадқиқ этилиши лозим бўлган кўҳна ёдгорликлар ҳали жуда кўп, улар тарихий лингвистик жиҳатдан ҳали мукаммал ўрганилган деб бўлмайди. Зеро, ҳозирги кунда ҳам ўзбек тили тарихига хос ёки ўзбек тили тарихини ўрганиш билан боғлиқ бўлган ўтмиш ёзма манбалар тил материалини қиёсий тарзда мукаммал ўрганиш муҳим масалалардан бири саналади. Ҳали ўтмиш ёзма манбаларнинг анчаси лингвистик жиҳатдан ўрганишга муҳтож.

Маълумки, бу қадриятлар ичида, “тил миллатни белгиловчи асосий белгилардан биридир. Она тили бу миллатнинг руҳидир. Ўз

---

[5] . Ганиходжаева М. Функционирование основных прилагательных цвета в исторических срезах языка// Историко-лингвистический анализ лексики старо письменных памятников.-Т:: “Фан”, 1994,43-57-с., Дадабоев Х. Насыров И, Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: “Фан”, 1990 (-214 с.,), Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс.канд. филол.наук.-Т.:1991 (-186 с.),Дадабаев Х. Обшественно-политическая и социально- экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.-Т.:“Ёзувчи”,1991(-186с.,), Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув.-Т.: “Фан”, 2007. – 105 б., Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои. Автореферат дисс. кан. фил. наук.-Т.: 1973., Насыров И. Лексика “Маджалис ан-нафаис” Алишера Навои: Автореф. дисс… канд. филол. наук.-Т.:, 1980 (-18 с.), Насыров И. Лексика “Маджалис ан-нафаис” Алишера Навои // Х.Дадабаев., И.Насыров., Н.Хусанов. Проблемы лексики староузбекского языка.-Т.: “Фан”, 1990,87-140-бб., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Т.: “Ўқитувчи”, 1995(-128 б.), Рустамов М. Лексика дивана Гадаи: Автореф. дисс. … канд. филол. наук.-Т: 1992 (-23 с.), Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Туркий сўзлар).-Т.: “Университет”, 2000 (-600 б.), Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами.-Т.: “Университет”, 2001 (-351 б.), Холманова З. “Бобурнома” лексикаси.-Т.: “Фан”, 2007 (-176 б.), Ҳамидов З. Статическая и тематическая характеристика лексики поэмы “Лисан -ат тайр” Алишера Навои // Историко-лингвистическая анализ анализ лексики старописьменных памятников.-Т.: “Фан”, 1994, Исоқов З. Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика.Филол.фан. дисс.. автореферати.-Т.: 2009 (-28 б.), Ўразбоев А.Д. Огоҳийнинг “Риёз уд-давла” асарида ижтимоий-сиёсий лексика. Филол.фан. дисс.. автореферати.-Т.: 2009 (-25 б.), Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 2012, 9-б. (-26 б.) ва бошқалар.

тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлади”[6]. Дарҳаиқиқат, ўз тилига ва унинг тараққиётига эътиборсизлик билан қараган халқнинг на миллий ғурури ва на миллати мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам бу қадриятлар ичида энг муҳими ва асосийси ҳисобланган тилга алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Шу боис, у ҳамма даврларда эъзозланиб келинган. Инсонга хос қадриятлардан энг муҳими саналган она тилимизга бўлган ҳурмат-эъҳтиром мустақиллик даврида янада кучайди. Унга Давлат тили мақоми берилди. Ана шундай бир пайтда миллий тил ва унинг тарихини ва унда яратилган ёзма ёдгорликларни мукаммал ўрганишгга талаб ошган эди. Афсуски, сўнгги йилларда бу талабга жавоб анча сусаяйиб қолмоқда, кундан-кун унга эътибор камайиб бормоқда. Айни пайтда ўзбек тили тарихини қайта кўриб чиқиш соҳасида жиддий тадқиқотлар сон жиҳатдан етарли даражада деб бўлмайди. Бу соҳада яратилаётган махсус тадқиқотлар санарли бўлиб қолмоқда. Ҳозиргача ўзбек тили тарихи бўйича яратилган қўлланма ва дарсликлар ҳам давр талабига жавоб бермайди. Чунки мумтоз ўзбек тилига доир жуда кўп ўтмиш ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятлари лингвистик жиҳатдан тўлиқ ва атрофлича ўрганилмаган.

Мавжуд бўлган ҳар бир ёдгорликнинг мукаммал матнлари, хусусан транскрипция, транслитрация, умуман илмий-қиёсий шакли ҳозиргача тўлиқ нашр этилган деб бўлмайди ҳамда уларнинг тил қурилиши махсус ўрганилиб, диалектал қатлами белгиланмаган. Ҳатто, республикамиз мустақиллигигача

[6] .Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман..-Т.: “Фидокор”, 2000 йил 8 июн.

ўрганилган мавзулар ҳам ҳозирги пайтда, янги давр талаби асосида, яна қайта талқин этиш лозим топилмоқда. Чунки, собиқ сиёсий тизимининг талаби билан ёзма ёдгорликларнинг кўп ўринлари ташлаб кетилган ёки ўзгаришлар билан чоп этилган эди. Шу боис уларнинг асл (қўлёзма) нусхалари билан нашрлари ўртасида анча фарқлар бор. Шунинг учун қўлёзма нусхалар қайта ўрганилиши ва ҳозирги давр талаби билан уларнинг барча нусхаларини имконияти борича қайта нашр эттириш лозим бўлмоқда (буни “Қутадғу билик” асари мисолида ҳам кузатиш мумкин).

Айтиш ўринлики, баъзи ёзма манбалар бир ёки икки тадқиқотчи томонидан умумий тарзда ўрганилади-да, қайтиб у манбалар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмайди. Натижада унинг тил қурилишидаги ўзига хос муҳим хусусиятлар тўлиқ ёритилмай қолади. Жумладан, “Қутадғу билиг” асари бўйича амалга оширилган лингвистик тадқиқотлар худди шу фикрни тасдиқлайди. Ушбу асарнинг грамматик (асосан фонетик, морфологик, қисман услубий) жиҳатлари ўрганилган ва транскрипция асосидаги ҳозирги ўзбек тилига мослаштирилган матни бўйича нашрлар олиб борилган. Шу билан ушбу асар тили ўрганилган ҳисобланиб келинмоқда. Ваҳоланки, ушбу асарнинг лексикаси, ҳатто грамматик жиҳати ҳам мукаммал ўрганилган эмас. Бу масала ўзбек тилшунослигида, ҳатто туркологияда ҳам ҳал этилмаган масала саналади. Зеро, асарнинг тил қурилиши, хусусан, қадимги ва эски ўзбек тили даврларга хос лексикасининг ҳали ўрганилмаган соҳалари мавжудки, буни талқин этиш тилимиз

тарихини, хусусан, тарихий лексикасини мукаммал ёритиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий-сиёсий лексика тадқиқ этиш ҳам тарихий лексикасини мукаммал ёритишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда “Қутадғу билиг”да қўлланган ижтимоий-сиёсий лексик майдонини махсус тадқиқот тарзида ўрганиш ҳозирги пайтда ўзбек тилшунослиги учун долзарб масалалардан бири саналади. Мазкур монография мавзуси юқорида ана шу долзарб масала билан боғлиқ.

Туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида тил тарихига оид тадқиқотларда “Қутадғу билиг”нинг тили ҳақида умумий тарзда баъзи бир фикрлар айтилган. Жумладан, Ж. Дени, К. Броккельман, Ю. Немет, Ш. Хаттори, В. Л. Котвич, Г.Ю. Рамстедт, Н .И.Поппе, Д. Шинор, В. Банг, А. Габен, Б. Пелльо, А. Лекок, О. Бётлинг, Н .М. Ядренцев, В. Томсен, А. Н. Бернштам, М. Рясянен, В. В. Радлов, С. Е. Малов, П. М. Мелиоранский, А. Н. Самойлович, А. Зайончковский, И. И. Зарубин, Н. И. Ильминский, Н. А. Баскаков, А. К. Боровков, Н. А. Батманов, А .К. Кононов, Э. В. Севортян, А. М. Шчербак, Э.Н Наджип, С. Г. Кляшторный, С. Н. Иванов, В. М. Насилов, Б. Аталай, Г. Айдаров, А. А.Валитова, Л. А. Евтюхова каби қатор шарқшунос-туркшунослар асарларида бу ҳақда қимматли фиклар баён қилинган. Улар ушбу ёдгорликнинг топилиши, тузилиши, нашри ва баъзи бир тил хусусиятларини аниқлаш бўйича дастлабки муҳим ишларни амалга оширдилар.

Кейинчалик “Қутадғу билиг” асари фонетик, морфологик, қисман услубий жиҳатдан ҳам ўрганишга бағишланган махсус

тадқиқотлар юзага келди. Шунингдек, ҳозирги пайтда асарнинг даставвал ўзбек тилшунослигида истеъдодли матншунос олим Қаюм Каримов томонидан транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига кирил алифбосида таснифи яратилди. Кейинроқ академик Ғани Абдураҳмониоб раҳбарлигида асарнинг лотин алифбоси асосида янгича илмий-танқидий матни ҳам нашр этилди[7].

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигидаги баъзи илмий ишларда ушбу асар лексикасининг турли соҳалари ҳақида ҳам йўл-йўлакай фикрлар юритилган. Буни С.Муталлибов, Ғ. Абдураҳмонов, А. Рустамов, Э. Фозилов, Н. Раҳмонов, Қ. Содиқов, Ҳ. Дадабоев, Ш. Шукуров, Ҳ. Неъматов, Э. Умаров, С. Ашурбоев, Қ.Каримов, Қ.Маҳмудов, У.Санақулов каби бир қатор олимларнинг тадқиқотларида кузатиш мумкин. Хусусан, ижтимоий-сиёсий-иқтисодий лексиканинг тарихий тараққиётини ўрганиш бўйича Ҳ. Дадабоевнинг тадқиқотлари муҳим ишлардан саналади[8]. Уларда қадимги туркий тилларда яратилган ёзма ёдгорликлар қатори “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексик бирликлари бўйича ҳам қисман маълумотлар келтирилган. Жумладан, ижтимоий-сиёсий лексикаси бўйича А.Ўрозбоев, З.Исоқовларнинг

---

[7] . Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Қаюм Каримов).-Т.: “Фан”, 1971 (-964 б.);Yùsùf Ḫās Hācib. Qutadğu bilig, I jild.-T.: Alisher Navoiy nomidagi O`zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010 (I j. -240 b.), 2011(II j.-252 b., III j.-200 b., IV,V tt.-2382 b.).

[8] . Дадабоев Х. Насыров И, Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: “Фан”, 1990 (-214 с.,), Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс.канд. филол.наук.-Т.:1991 (-186 с.), Дадабаев Х. Обшественно-политическая и социально- экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.-Т.:“Ёзувчи”,1991(-186с.,) ва бошқалар.

тадқиқотлари каби бир қанча ишлар ҳам мавжуд[9]. Лекин улар “Қутадғу билиг” асари лексикаси бўйича махсус тадқиқотлар саналмайди. Хусусан, “Қутадғу билиг”даги ижтимоий-сиёсий муносабатлар лексик майдони махсус тадқиқ этилмаганини қайд этган эдик. Мазкур монографияда ўзбек тилшунослигида “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексик майдони махсус монографик тарзда илк бор тадқиқ этилмокда. Ушбу мавзуни тўлақонли ёритиш ва тарихий жараёнини белгилаш мақсадида Ўрхун Энасой, “Девону луғоти-турк”, “Ҳибат-ул ҳақойиқ”, “Ҳикматлар”, “Тафсир” каби асарлардаги маълумотлар ҳам асосий манба сифатида қаралди.

“Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика майдони махсус монографик тарзда тадқиқ этишда ўзбек тилининг илк лексик илдизларини ўзида акс эттирган қайд этилган қадимги ва эски туркий ёзма ёдгорликлари тил материаллари қиёслаш учун фойдаланилди.

Монографияда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- “Қутадғу билиг”нинг умумтуркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ва янги манбалар маълумотлар асосида талқини;

- мавзуига яқин бўлган тадқиқотларга муносабат билдириш;

-ижтимоий-сиёсий лексиканининг ўзбек тили лексик системасидаги ўрнини белгилаш;

---

[9] . Исоқов З. Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика.Филол.фан. дисс.. автореферати.-Т.: 2009 (-28 б.), Ўразбоев А.Д. Огоҳийнинг “Риёз уд-давла” асарида ижтимоий-сиёсий лексика. Филол.фан. дисс.. автореферати.-Т.: 2009 (-25 б.),

-лексикани система сифатида ўрганишда сўзларни маълум гуруҳларга ажратиш учун қўлланган атамалар талқини.

-ижтимоий ва сиёсий тушунчалар ва улар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар талқини.

-ижтимоий-сиёсий лексикани ўрганишда майдон тушунчаси ва унинг тавсифи;

- “Қутадғу билиг”даги ижтимоий-сиёсий лексик майдоннинг ўзбек ёзма адабий тили лексикаси тараққиётига ўрнини белгилаш;

- “Қутадғу билиг” нинг лексик майдони ва микрогуруҳлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш;

- “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар лексик майдонини қадимги ва эски туркий ёзма ёдгорликлари билан қиёслаб, тарихий тараққиёт жараёнини тадқиқ этиш

Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Призиденти И.А.Каримовнинг миллий ғоя, маънавий қадриятларига муносабати, Давлат тили ва тарих билан боғлиқ қарашлари ва кўрсатмалари ҳамда тил ҳодисалари хос бўлган диалектик таълимот ташкил этади. Шунингдек қиёсий-тарихий, қиёсий-тавсифий, статистик методларидан фойдаланилди. Тадқиқот, асосан, синхрон, зарур ўринларда диахрон аспектда олиб борилади.

I БОБ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ ВА УНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИК МАЙДОН

“Қутадғу билиг” тилининг лексикаси ранг баранг бўлиб, унда қадимги ва эски ўзбек тилига хос турли хил соҳага хос луғавий бирликлар мавжуд. Жумладан, унда ижтимоий-сиёсий лексикага хос луғавий биликлар ва лексик-семантик гуруҳлар мавжудки, уларни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилса ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий лексикаси тарихий тараққиётини белгилашда ўзига хос ўрин эгалаши табиий.

“Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика мавзуси ҳақида фикр юритишдан аввал ижтимоий ва сиёсий тушунчалар ва бу соҳанинг ўрганилиши, лексик система сифатида қаралишида сўзларни маълум гуруҳларга ажратиш учун қўлланган атамалар (қатлам, майдон каби терминлар) талқини каби масалаларни ҳам ёритиш муҳимдир. Ҳозирги даврда замонавий тилшуносликда ижтимоий-сиёсий луғавий системани таҳлил этишда, “ижтимоий” ва “сиёсий” лексемаларнинг термин сифатида қўлланиши ҳамда лексик бирликларни ўрганиш ва белгилашда турлича қарашлар мавжуд. Бу соҳадаги фикр-мулоҳазаларни талқин этиб, бизга мақол бўлган йўналиш асосида“ Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика ва лексик бирликларни таҳлил этамиз.

1.1. Ижтимоий ва сиёсий терминлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар талқини. Ижтимоий термини лексикага оид, умуман, барча луғатларда, жумладан, Х.К.Барановнинг “Арабча-русча”

луғатида ҳам қуйидагича изоҳланган: Араб тилидаги “тўплади”, “қўшди” тушунчаларини англатувчи “жамаъа” феълидан ҳосил бўлган ижтимоий сўзи бугунги кунда инсон ва жамият тушунчаларни англатишга хизмат қилмоқда. Умуман, ижтимоий терминининг луғавий жиҳатдан хизмат доираси қуйидаги муносабатлар билан белгиланган.

1. Синфлар орасидаги асосий фарқ, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни ва ишлаб чиқариш воситаларига муносабати;

2. Инсонларнинг жамиятдаги фаолияти, ижтимоий ҳаракат, ижтимоий фикрнинг ривожланиши, ижтимоий фикр, ижтимоий қараш, ижтимоий ҳаёт, сиёсий, касбий, маданий каби жамоавий хизматлар билан боғлиқ бўлган ;

3. Умумий, умумга тегишли бўлган соҳалар боғлиқ муносабатлар;

4. Индивидуал бўлмаган, ҳаммага тегишли бўлган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган муассасалардаги муносабатлар;

5. Коллектив томонидан ташкиллаштирилган, шахсий бўлмаган маънолар боғлиқ масалалар[10] ижтимоийликка хос деб қаралган.

Лекин тадқиқотларни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, “ижтимоий” ва “сиёсий” терминлар, жумладан, ижтимоий-сиёсий лексика бўйича аниқ бир фикр мавжуд эмас, улар олимлар томонидан турлича изоҳланган. Баъзи манбалардаги маълумотларга кўра “ижтимоий” ва “сиёсий” терминлар куйидагича изоҳланали.

[10] . Баранов Х.К. Арабско руский словарь. –М.:, Русский язык, 1976.-стр. 137-138.

1. “Ижтимоий” ва “сиёсий терминлари ижтимойишуносликда бир-бирига яқин турдош соҳаларнинг мажмуаси, унинг ўрганиш обьекти, ижтимоий ҳаётнинг ҳар хил соҳалари ҳисобланади;

2. Ўқув фани сифатида фалсафа, социология, ижтимоий психология, ҳуқуқшунослик, иқтисод, сиёсатшунослик кабилар ижтимоий фанлар саналади;

3. Ижтимоийлик махсус билимларга таяниб, ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний жабҳаларини ўрганади;

Тилшуносликда эса ижтимоий-сиёсий лексика бўйича ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Бу қарашларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тасвирий-синхроник йўналишдаги ижтимоий-сиёсий лексика;
2. Тарихий-диахроник йўналишдаги ижтимоий-сиёсий лексика;
3. Қиёсий-типологик йўналишдаги ижтимоий-сиёсий лексика каби.

Кўпгина тадқиқотлар биринчи йўналишда бажарилган.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий лексемасини тарихий-диахроник йўналишда ўрганилиши тилшуносларимиз назаридан четга қолиб келмоқда. Бу соҳадаги махсус ишлар деярли йўқ даражада. Мавжуд ишларда эса, айрим сўзларнинг тарихини талқин қилиш билан чегараланган, холос.

Тадқиқотларни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ижтимоий-сиёсий лексика ҳамда “ижтимоий” ва “сиёсий” терминлар бўйича олимларнинг фикр-мулоҳазаларида бирлик йўқ, бу масалада аниқ бир хулосага келинмаган. Лекин айтилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Ижтимоий лексика сиёсий тузилиш ва жамиятнинг сиёсий ҳаётини намоён этувчи лексик системадир.[15]

Шунга ўхшаш фикр-мулоҳазалар А.Х.Тўрахўжаева каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам талқин этилган[16]. У ижтимоий-сиёсий лексика тушунчасини таърифлашда, аввало "сиёсат" тушунчасининг ижтимоий моҳияти, мазмуни ва хусусиятларига мурожаат этади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "сиёсат" сўзининг луғавий маъноси "Давлат ҳокимияти шаклларини амалга ошириш ва бошқариш; давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқаришда ва халқаро муносабатларда тутган йўли"[17] деб изоҳланади. Чунончи, "сиёсат" тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода жамият ҳаётининг алоҳида бир соҳасида, яъни унинг сиёсий соҳасида рўй берадиган ўзгаришларни ифодалайди ва шу соҳанинг ўзига нисбатан қўлланилади. Кенг маънода у жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни акс эттиради"[18].

А.Х.Тўрахўжаева шу асосда қуйидагича фикр-мулоҳазаларни баён этади: "Аслида, айрим тилшунос олимлар (В.Бахнер, Ж.Марселлези, Х.Милиц)нинг ижтимоий-сиёсий лексикага берган таърифларидаги[19] хилма-хиллик ҳам, "ижтимоий-

---

[15] . Жданова Л. А. Политическая лексика и фразеология русского языка.-М.: Автореферат дисс...канд. филол. наук,1996, стр.19.

[16] . Исоқова З. Алишер Навоийнинг "Мажолисун-нафоис" асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 2010 (-28 б.), Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 2012 (-26 б.).

[17] . Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилтли (А.Матвалиев таҳрири остида).-Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 3-жилд, Н-Тартибли . 495 б.

[18] . Одилқораев Х.Т., Раззоқов Х.Д. Сиёсатшунослик.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009, 101-б.

[19] . Крочкова Т.Б. Особенности формирования общественно-политической лексики и

сиёсий характердаги воқеалар”[20] тушунчасисининг моҳиятини ҳам, тематик таснифларидаги ҳар хилликни ҳам “сиёсат” атамасинининг юқорида қайд этилган маънолари орқали изоҳлаш мумкин. Жумладан, турли тадқиқотларда иқтисодий жараёнга оид лексемаларнинг ижтимоий-сиёсий лексика таркибига киритилиши[21] ҳам, ҳеч истисносиз, сиёсат атамасининг кенг маъноси билан боғликдир. Лекин ҳозирда муайян соҳа ёки фан доирасида юзлаб тармоқларнинг ривожланаётгани, кўплаб янги тушунча ва воқеаларнинг ҳар бирини айни вақтда мустақил соҳалар сифатида кенг фаолият кўрсатаётгани ижтимоий-сиёсий лексиканинг йиғиндисини, чегарасини белгилашда “сиёсат” атамасинининг тор маъносига асосланиш энг тўғри хулосаларга олиб келишидан далолат беради. У ҳолда лексикага нисбатан қўлланувчи “ижтимоий-сиёсий” атамаси таркибидаги ижтимоий сўзининг моҳиятини сиёсатнинг ижтимоий феноменлик хусусияти билан боғлаш ўринлидир. Шунинг учун З.Исоқова “ижтимоий-сиёсий соҳага оид луғавий бирликларни алоҳида, яъни ижтимоий ва сиёсий лексикага ажратган ҳолда тадқиқ этишнинг имконияти йўқ” деб эътироф этади[22].

Хуллас, қайд этилан фикрларга таяниб, А.Х.Тўрахўжаева ижтмоий-сиёсий лексикага қуйидагича таърифни беради: “Ижтимоий-сиёсий лексика луғавий системанинг жамият сиёсий

терминологии.-М.: “Наука”, 1989, стр. 104.

[20] . Исоқова З. Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика, 9-б.

[21] . Яцутко Д. Новая замствованная общественно-политическая лексика в языке российских СМИ.-www. teneta. rinet.ru.

[22] . Исоқова З. Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика, 21-б.

ҳаёти ёки сиёсий тизимига бевосита алоқадор бўлган ҳодисалар, жараёнлар ва муносабатларни ифодаловчи, айни вақтда, ижтимоий-тарихий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, диний каби омиллар асосида шаклланувчи, ўзгарувчан қатламидир”[23].

Биз ҳам юқорида қайд этилган адабиётлар талқинидан шундай хулосага келдик: ижтимоий-сиёсий лексикани ижтимоий ва сиёсий шаклда алҳида-алоҳида ҳолда қараш ва таъриф бериш қийин ёки унинг таркибини аниқлаш тўғрисидаги масала ўз ечимини топмаганлиги боис, ҳалигача бу соҳадаги фикрларда мулоҳалар мавжуд. Ижтимоий ва сиёсий терминларнинг аниқ фарқланувчи (дифференция) белгиси мавжуд эмас. Шу боис, қайд этилган фикр-мулоҳазаларнинг аксариятда ижтимоий-сиёсий лексиканинг бири-бири билан боғлиқлиги аниқ қилиб айтилган, Л.А.Жданова айтганидек, ижтимоий лексика сиёсий тузилиш ва жамиятнинг сиёсий ҳаётини намоён этувчи лексик системадир. Демак, ижтимоий-сиёсий лексикани бир бутун ҳолда талқин этиш лозим бўлади.

2.2. Лексикани система сифатида ўрганишда сўзларни маълум гуруҳларга ажратиш учун қўлланган атамалар талқини. Лексикани система сифатида ўрганишнинг тўғри йўли сўзларни маълум **гуруҳларга** ажратиб таҳлил этиш ҳисобланади[24]. Бунда лингвистика фанига систем тилшуносликнинг кириб келиши муҳим роль ўйнаганидек, лексикология соҳасининг фан сифатида шаклланиши ва тараққиёти систем-структур тилшуносликнинг ривожи учун пойдевор яратди.

---

[23] .Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти, 8-9-бб.

[24] . Бегматоа Э.Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.-Т.: Фан, 1985.34-б.

Тил бирликлари, жумладан, унинг лексик гуруҳлари ҳам система, структура ва меъёр ёки нормаларининг диалектик муносабати асосида юзага келди. Бунда система элементларининг яхлит мажмуидан, структура эса шу мажмуанинг ички тузилишидан иборат бўлади. Бинобарин, тил ҳодисаларини систем-структур аклоқасида ўрганиш, биринчидан, система ташкил қилувчи элементлар йиғиндисини белгилаш ва, иккинчидан, мазкур элементлар орасидаги ички муносабат ва алоқаларни белгилаш, уларнинг ўзаро пағонали (иерархик) жойлашиши ҳамда бир элементнинг иккинчи элементдан ҳосил бўлиш йўлларини очиб беришни тақозо этади[25]. Буни тил лексикасидаги сўзларни маълум гуруҳларга ажратиб ўрганишда кузатиш мумкин.

Айтиш жоизки, тил лексикасида сўзларни маълум гуруҳларга ажратиб ўрганишда тилшуносликда турли хил тушунча ва атамалар қўлланилиб келинмоқда. Булар орасида кенг қўлланилаётгани **лексик қатлам** ва **лексик майдон** терминларидир. Шунингдек, бу терминлар ўрнида ҳар хил атамалар қўлланиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шунинг учун бу масалада баъзи бир фикр-мулоҳазаларни баён этиш ўринли.

Тилшуноликда сўзларни маълум гуруҳларга ажратишда **лексик қатлам** тушунчаси ва термини кенг ўрин олган. Ўзбек тилшунослигида луғавий қатлам, шу жумладан, терминалогик тизимлар ҳам нафақат маънавий-мазмуний, шунингдек мавзуий гуруҳларга ажратиш нуқтаи назардан ҳам ўрганилади. Шунингдек, айрим соҳавий терминалогик тизимлар тадқиқ этилади. Аммо тилшуносликда бир томондан қатлам ҳодисасини аниқ ва изчил тушиниш борасида, иккинчидан бу тушунчани ифода қилувчи қатлам терминини системали қўллашда бир хиллик йўқ.

[25] . Гак В.Г. Француз тили назарий терминалогияси (Ибодулла Мирзаев таржимаси).- Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2002, 15-б.

Тилшунос Э.Бегматов ўз ишида тилининг лексик қатламлари ҳақида маҳсус фикр юритиб, кўпгина тадқиқотларда қатлам ҳодисасига муносабат ва қатлам терминини қўллаш борасида муҳим фикрлар баён этган. Масалан:

1. Баъзи олимлар тилшуносликда **лексик қатлам** деб луғавий ҳодисаларни таҳлил қиладилар, аммо уни фақат **қатлам** ёки **луғавий қатлам** деб атамайдилар, балки бир қатор ишларда бошқа бир терминни ҳам қўллайдилар. Бундай ҳолат, яъни сўзларни маълум **гуруҳларга** ажратиб таҳлил қилишда луғавий қатлам термини ўрнида турлича атамалар қўлланганиши нафақт ўзбек тилидагина эмас, балки, умумумтилшунослик доирасидаги ишларда ҳам мавжуд.

2. Кўпгина тилшунослар лексик қатлам ёки луғавий қатлам тушунчаси ва терминидан кенг фойдаланадилар. Аммо бу термин билан бир вақтнинг ўзида турли ҳодисалар номланади [26].

Луғавий қатламлар ҳақидаги илмий тушунчанинг ўзбек тилшунослигида юзага келишида рус тилшуносларининг бу масалага оид қарашлари муҳим роль ўйнади. Тилшуносликда қатлам тушунчаси ва терминидан фойдаланиш бўйича юқорида қайд этилган ҳоллар рус тилшунослигида ҳам мавжуд. Рус тилшунослигида (туркологияда ҳам) қатлам деб юритилувчи тушунчалар ҳақида фикр юритилганда турлича атамалардан фойдаланилган. М.И.Фомина турли луғавий қатламларга мансуб тушунчаларни “**сўзларнинг генетик группаси**” деб номлайди. Рус тилидаги қатлам тушунчаси туркий, умуман, бошқа тиллар лексикасидаги сўзларни гуруҳларга ажратишда қўлланганини

[26] . Бегматөв Э. Кўрсатилган асар, 34-47-бб.

кузатиш мумкин. Рус тилида ёзилган ишларнинг кўпида ўзлашма сўзи турли терминлар билан юритилади[27]. **Пласт (қатлам), слой (қават)[28], тюркская лексика, тюркизм, тюркские названия [29] слова[30], элемент[31], тюркские лексические элементы, тюркский элемент, турецкие заимствования[32], фонд (қадимий фонд, ижтимоий фонд)[33]** кабилар. Бу терминларни қўллашда ҳар бир муаллиф ўз нуқтаи назаридан иш тутган.

Умуман, қатлам тушунчасини турли маънода тушуниш ва ноизчил қўллаш рус тилшунослигида кенг тарқалган. Баъзи ишларда қатлам термини тушунчаси **разряд, группа, актив запас** терминлари билан ҳам қўлланган[34]. Баъзан рус тили лексикасини стилистик нуқтаи назардан тахлил қилинишида ҳам қатлам термини қўлланган ва қатлам тушунчасига атрофлича таъриф беришга ҳаракат қилингани ҳам диққатга молик[35].

---

[27] . Бегматов Э. Кўрсатилган асар

[28] . Шанский Н.М. Лексикалогия современного русского языка.-М.: 1972, стр.70, 129, 131; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои.-Т.: Автореферат дисс. канд. наук. 1973, стр.7 (-33 с.); Алиева Г.У. Общественно политическая лексика татарского языка.-Казань: Автореферат дисс. канд. наук, 2009 (-28).

[29] . Султонов Б.Х. Арабское персидские заимствования в “Кутадгу билиг” Юсуфа Баласагуна. // Сов.тюркология. 1991.№ 4, стр.14.

[30] . Ахмедов Т.М. Некоторие древнетюркские слова в татском языке.// Сов.тюркология, 1970.№ 6, стр.69-79.

[31] . Исахакова С.М. Узбекский элемент в языке сибирских татаров. .// Сов.тюркология, 1970.№ 6, стр.118.

[32] .Чумбалова Г.М. О тюркских лексических элементах в современном болгарском языке. .// Сов.тюркология, 1979.№ 3, стр.12., Чобанов М.Н. Лексика азербайжанских говоров Волнисского района гуризинской ССР.-Т.: Автореферат дисс. кад. наук.1973., стр.6.

[33] . Шмелев Д.Н. Современны русский язык.-М.: 1977, стр. 234-236.

[34] . Шанский Н.М. Лексикалогия современного русского языка.-М.: 1972, стр. 70, 129,131; Данилова Л.В. Метрологическая лексика тюрских языков.-Т.: Автореферат дисс. канд. наук. 1972, стр.15.

[35] . Березин Ф.М., Головин Б.Н. Обшее языкознание.-М.: 1979, стр. 229, 233, 238; Филин В.П.Истоки и судьбы русского литературного языка.-М.: 1981, стр.154-155, 197.

Ўзбек тилшунослигида илк бор қатлам тушунчаси В.В. Решетов ва А. К Боровковларнинг тадқиқотларида қўлланган[36]. .

Ўзбек тилшунослигидаги ишларда, масалан, Фахри Камолнинг ўзбек тили лексикасига бағишланган ишларида тил луғавий бойлиги ҳисобланган сўзларни гуруҳларга **луғавий қатлам** терминидан фойдаланишдан қочиб, дастлаб маълум бир тилдан ўзлашган, аниқроғи **тожикча-форсча сўзлар, арабча сўзлар** терминларидан фойдаланган.[37] Баъзан эса лексик элемент термини қўллаган.[38] Лекин, у ўз тадқиқотларида **лексик қатламлар, форсий ва арабий сўзлар қатлами, арабча сўзлар қатлами, интернационал сўзлар қатлами, асосий лексик қатламларда юз берган ўзгаришлар** ҳақида фикр юритиб, қатлам термининидан ҳам фойдаланганини кўзатиш мумкин[39].

Кўзатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигида қатлам, лексик қатлам термини кенг ишлатила бошланган. Аммо қатлам тушунчаси сўзларнинг маълум бир ижтимоий ёки нутқий гуруҳларига хос маъноларда ҳам қўлланилади. Я.Пинхасов **қатлам** термини билан сўзларнинг социал-диалектал гуруҳларини тавсифласа,[40] Ш.Раҳматуллаев қатлам терминини **сўзларнинг ижтимоий тармоқларига хос гуруҳларини** аташ учун қўллаган[41]. Шунингдек, сўзлар услубий тармоқланиш хусусиятларига кўра ҳам

---

[36] . Решетов В.В. Лексических состав узбекской прессы.-Проблемы языка. Вып.1.-Т.: 1934, стр. 41-51; Боровков А.К.Измения узбекской лексике и новы алфавит.-Т.: 1940.

[37] . Фахри Камол. Ҳозирги замон ўзбек тили, -Т.:,1953. 21-45 бет; Ҳозирги замон ўзбек тили.-Т.: “Фан”, 1957, 89, 96-99-б.

[38] .Ҳозирги ўзбек адабий тили.1.-Т.: 1966.164-188-б.

[39] . Ҳозирги ўзбек адабий тили, 186-188-бб.

[40] . Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Т.: 1960, 50-б.

[41] .Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Т.: 1975, 47-50-бб.

маълум қатламларга ажратилган. Бунда луғавий бирликлар муайян нутқ кўринишларига хосланганлигига кўра икки қатламга бўлинган: **умумнутқ қатлами** ва **хосланган қатлам**[42]**.** Х.Дониёров қатлам терминини услублар тавсифида қўллайди. Унда лексик-стилистик қатламлар таҳлил этилади.[43] Академик А. Хожиев ўзбек тили лексикасидаги ўз қатлам ва ўзлашган қатламлар ва ўзбек тилининг ўзига хос лексик қатламилари ҳақида фикр юритганда қатлам терминидан фойдаланган ҳамда бу терминдан сўзларнинг тарихий-функционал гуруҳларга ажратиш учун ҳам фойдаланади.[44]

Ш.Шоабдураҳмоновнинг ишларида қатлам термини сўзларнинг активлик ва пассивлик гуруҳларга ажратиш учун қўлланган.[45] Умуман, Ш.Шоабдураҳмонов ўз тадқиқотида ўзбек тилидаги сўзларни уч қатламга ажратган: 1) адабий тил билан шевалар учун умумий бўлган лексик қатлам; 2) бир шеванинг ўзигагина хос бўлган лексик қатлам; 3) ўзбек тилидаги традицион лексик қатлам.

Баъзи ишларда қатлам термини ҳарбий соҳада ва касб-ҳунарнинг турли тармоқларига оид сўзларни тавсифлашда қўлланилган. И.Расулов қатлам терминини ҳарбий соҳага хос сўзлар маъносида ишлатса[46], Н. Мирзаев ва Т. Турсуноваларнинг ишларида **этнографик лексика қатлами, этнографик лексиканинг қадимий традицион қатламилари** таҳлилида қўллайдилар[47].

---

42 . Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 63-бет.

43 . Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.-Т.: 1979. 78-б.

44 . Хозирги ўзбек адабий тили. -Т.:1980.120, 121,124, 127-бб.

45 . Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари.-Т.: 1962. 206-б.

46 . Расулов И. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикас.-Т.: 1977, 7-б.

47 . Мирзаев Н. Этнографическая лексика узбекского языка. –Т.: Автореферат канд. дисс... 1971, стр.5-8.; Турсунова Т.Ўзбек тили амалий санъати лексикаси.-Т.: 1978. 5-6-бб.

А.Д. Ўразбоев “Огоҳийнинг “Риёз уд-давла”асарида ижтимоий-сиёсий лексика” номли номзодлик диссертациясида асардаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг мавзуий-семантик гуруғларини белгилашда луғавий **қатлам** терминидан фойдаланган. Тадқиқотнинг учинчи боби “Асардаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг таркибий таҳлили” деб номланган ва у “Туркий луғавий қатламга хос ижтимоий-сиёсий лексиканинг таркибий таҳлили” ва “Эроний луғавий қатламга хос ижтимоий-сиёсий лексиканинг таркибий таҳлили” ва “Араб луғавий қатламига хос ижтимоий-сиёсий лексиканинг таркибий таҳлили” каби уч бўлимга ажратилган.

Г.Муҳаммаджонова ўз ишида **қатлам** терминидан изчил фойдаланмаган бўлса-да ҳамда қатлам тушунчаси ва уни ифода этувчи қатлам терминининг моҳиятига тўхталмаса-да, умумтуркий лексик қатлам ва бошқа қатламлар ҳақида фикр юритган[48]. Баъзи ишларда қатлам тушунчаси сарлавҳаларда ҳам чиқарилган[49].

К.Юсупов “Ўзбек адабий тилининг лексик, семантик ва стилистик хусусиятлари” номли китобида ҳам **қатлам** терминини қўлланган, аммо сўзларнинг тил луғат составидаги тарихий-этимологик гуруҳлардан баъзилари “озарбайжонча-туркча сўзлар”, “арабизмлар”, “форсча-тожикча сўзлар” шаклларда гуруҳларга ажратилган[50].

---

[48] . Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари.-Т.: 1982. 20-б.

[49] . Бегматов Э. Кўрсатилган асар, 6-126-бб.

[50] . Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари.-Т.: “Фан”,1986, 29-30, 33 ,36, 39-б.

А.Х.Тўрахожаева номзодлик диссертациясининг биринчи бобида **қатлам** терминини ҳам қўллаш билан бирликда (“Ижтимоий-сиёсий қатламга мансуб янги ясамаларнинг вужудга келиши” каби), **майдон** атамасидан кенг фойдаланган[51].

Демак, тилшуносликда қатлам тушунчаси турлича талқин этилган ва шунга кўра қатлам термини турли маъноларда қўлланилган. Бу ҳолни Э. Бегматов қуйидагича ҳулосалайди:

“1. Сўзларнинг ижтимоий дифференциал гуруҳлари қатлам деб юритилади: **ижтимоий-диалектал қатламлар, диалектал сўзлар қатлами** каби.

2. Сўзларнинг диахроник ва синхроник жиҳатдан функционал гуруҳлари қатлам деб юритилади: **замонавий қатлам; эски ва замонавий қатлам; эски сўзлар қатлами ва янги сўзлар қатлами** каби.

3. Сўзларнинг қўлланишига кўра актив ёки пассив бўлган гуруҳлари ҳам қатлам деб номланади: **актив сўзлар қатлами, пассив сўзлар қатлами** каби.

4. Сўзларнинг услубий дифференциал гуруҳлари ҳам **қатлам** деб аталади: **умумнутқ қатлами** ва **хосланган қатлам** каби.

5. Сўзларнинг адабий тил ва шевалар доирасидаги гуруҳлари, шунингдек шевалараро ёки бир шева учунгина хос гуруҳлари ҳам қатлам деб юритилади: **адабий тилга хос қатлам, ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий бўлган лексик қатлам, барча ўзбек шевалари учун умумий бўлган қатлам, бир шеванинг**

---

[51] .Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 2012 , 14-17-бб.(-26 б.).

ўзигагина хос бўлган лексик қатлам каби.

6. Сўзларнинг нормативлиги, яъни тарихийлигига кўра гуруҳлари ҳам қатлам деб номланади: **традицион лексик қатлам, қадимий традицион қатлам** каби.

7. Сўзларнинг муайян соҳаларга, масалан, касб-ҳунар соҳасига оид гуруҳлари ҳам қатлам деб юритилади: **ҳарбий қатлам, этнографик лексика қатлами ёки этнографик қатлам, касб-ҳунар тармоқларига оид лексик қатлам** каби.

8. Сўзларнинг маълум стиль ёки турли стилларга хосланган гуруҳлари ҳам қатлам деб номланади: **стилистик қатламлар, лексик-стилистик қатламлар, лексиканинг экспрессив-стилистик қатламлари, стилистик буёқдор қатламлар, тилнинг стилистик қатламлари** каби.

9. Сўзларнинг тил луғат составидаги тарихий-этимологик гуруҳлари ҳам қатлам деб юритилади: **форсий ва арабий сўзлар қатлами, арабча сўзлар қатлами, русча-интернационал сўзлар қатлами, туб туркий лексик қатлам, туркий лексик қатлам, ўзлаштирилган лексик қатлам, ўз қатлам, ўзлашма қатлам,** Сўзларнинг пайдо булиш даврига кўра белгиланувчи гуруҳлари ҳам қатлам деб юритилади: **энг қадимий қатлам, кейинчалик пайдо бўлган қатлам** каби.

Олимнинг фикрича, бундай луғавий ҳодисаларни ҳаммасини бирдек луғавий қатлам деб қараб бўлмайди. Чунки луғавий қатламлар ўзбек тили лексикасида муайян мавқеъга эга бўлган, ҳажм жиҳатдан салмоқли микдорни ташкил этувчи сўзлар гуруҳидир. **Луғавий қатламлар** дейилганида турли генетик

манбага мансуб, муайян миқдорга эга бўлган сўзларнинг турли тарихий даврларда тил лексик системасида қатламланиши (қаватланиши) кўзда тутилади. Ушбу хулосага қўшилиш мумкин. Лекин олим луғавий қатламни белгилашда ундаги сўзларнинг миқдорини ҳисобга олиш лозим деган фикрни айтади. Масалан, ўзбек тилида кадимий суғд, қадимий санскрит, қадимий грек тилига хос баъзи сўзлар учрайди. Аммо улар сон жихатдан унчалик кўп эмас. Бу сўзларни ҳам мустақил луғавий қатлам дейиш мумкинми? Бизнингча, бундай луғавий ҳодисаларни луғавий қатлам эмас, **лексик элементлар** деб номлаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, олим турли даврларда ўзбек тили лексикасига кириб ўзлашган сўзлар гуруҳини **шартли** равишда луғавий қатлам деб қарайди[52].

Бизнингча, ўзбек тили лексикасида мавжуд бўлган барча сўзлар лексик қатламини ташкил этади. Буни қатлам атамасининг луғавий маъносидан ҳам англаш мумкин. Чунончи, **қатлам** терминини луғавий маъносига эътиборни жалб этайлик. Аслида бу тушунча ва атама рус тилшунослигидан таржима асосида ўзбек тилига кириб келган. Масалан, ўзбек тилида лингвистик термин маъносида ишлатилаётган **қатлам** сўзи рус тилидаги **пласт** ёки **слой** сўзларининг ўзбекча таржимасидир. Дарҳақиқат “Русча ўзбеча луғат”да **пласт** сўзи ўзбек тилида асосан: 1. **қатлам, қават маъносида** таржима қилинган ва пласт почвы-тупроқ (ер) қатлами; угольный пласт-кўмир қатлами; 2. Пласт-қатлам, тўда, группа; пласт новых словарных заимствований – янги ўзлаштирма

[52] . Бегматов Э. Кўрсатилган асар. 44-47-б.

сўзлар қатлами[53] каби. **Слой** термини ҳам ўзбек тилга асосан **қатлам, қат, қават маъноларида таржима қилинган,** шу билан бирликда**;** слой глины, слой льда, толстый слой краски, верхние слои атмоферы, широкие слои населения тарзида қўлланилган шакллари эса- лой қатлами, муз қатлами, қалин бўёқ қатлами, атмосферанинг юқори қатламлари, аҳолининг кенг табақалари маъноларида ҳам изоҳланган[54].

Демақ **қатлам** термини билан маълум қатламларни, қаватларни ташкил этган ҳосилалар номланади**.** «Ўзбек совет энциклопедияси»да қатлам геология термини сифатида изоҳланади: **Қатлам** (геологияда) чўкинди тоғ жинслари жойлашиши (кетма-кет ётқизилиши)нинг асосий шакли. Қатлам таркиби бир хил бўлиб, бир-бирига деярли параллел юзалар билан чегараланади[55]. Демак, қатлам (пласт ёки слой) термини асл маъносида бирининг юзасига иккинчиси параллел равишда(устма-уст ёки қаватма-қават жойлашиш), **қават (қатлам)** ланган ҳосилаларни ифодалайди.

Демак, тил лесикасидаги сўзлар миқдоридан қатий назар барчаси параллел равишда тилнинг лексик қаватида(қатламида) жойлашиб, умумий қатламни ташкил этади, аммо улар семантик маъноларига кўра луғавий бирликларни ташкил этади. Э.Бегматов айтганидек, ўзбек тили лексикасидаги сўзларнинг тарихий-этимологик гуруҳларига татбиқ этиш мумкин. Қатлам тушунчаси асосан луғавий қатлам ҳодисаси учун хосдир. Бу тушунча ва

---

53 . Русча-ўзбекча луғат.-Т.: ЎзСЭ, 2-том, 1984.62-б.

54 . Кўрсатилган асар, 443-б.

55 . ЎзСЭ, 14-том.-Т.:1980. 43-б.

терминни тилшуносликнинг бошқа соҳаларининг асосий моҳиятини ифодаламаса-да, улар учун ҳам шартли равишда қўллаш мумкин. Умуман айтганда, ҳозиргача тилшуносликда бу термини қўллашда изчиллик йўқ. Шунинг учун ҳам тилшуносликда тил лексикаси системасидаги соҳаларни гуруҳларга ажратиб ўрганишда луғавий қатламлар билан бирликда **майдон** тушунчаси ҳам қўлланилиш ҳолларни кузатилмоқда.

1.2. Майдон тушунчаси ва унинг тавсифи. Физикадаги магнит майдони назарияси асосда XX асрга келиб тилшуносликда ҳам майдон тушунчаси кириб келди. Ф.С.Сафаровнинг тадқиқотида тилшуносликдаги майдон тушунчаси қуйидагича тарифланади: Майдон тушунчаси дастлаб физикада вужудга келган бўлиб, атама сифатида бирор физик ҳодиса рўй берадиган фазо деган маънони ифодалайди.Тилшуносликда майдон атамаси умумий (инвариант) маъно асосида бирлашиб, ўзаро муносабатга киришадиган лисоний ва нолисоний воситалар системасига нисбатан ишлатилади.

Аслида лексик майдон назарияси биринчи марта немис олими Ж.Триер томонидан 1931 йил 12 мартда маълум қилинган[56]. Триернинг айтишича сўзлар бошқа бир яъни ўша майдонга дахлдор бўлган сўзларга бўлган муносабати орқали ўз маъносини яратади. Бир майдонга тегишли бўлган сўзларнинг бирининг маъноси кенгайиши натижасида бошқа бир сўзнинг маъносини торайишига олиб келади. Агар маълум сўз семантик ўзгаришга дучор бўладиган бўлса лексик майдондаги барча сўзлар мазмуни ўзгаради

[56] . Trier Jost. Der Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes, Ph. D. diss. Бонн, 1931.

Триернинг назарияси бўйича лексик майдон бу осон аниқланадиган ёпиқ йиғинди бўлиб унга ҳеч қандай бошқа бир маъно қўшиш мумкин эмас.

Маълум тушунчани грамматик ва лексик бирликлар воситасида ифодаланишига грамматик лексик майдон дейилади. Бу категорияга биноан бирор умумий маъно бир-бири билан алоқадор бўлган лексик ва грамматик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельс кўрсатишича, кўплик майдон (поле множественности) ҳозирги немис тилида қуйидагича ифодаланади:

1) отнинг кўплик формаси билан;

2) от билан мослашувчи сифат ва сифатдошнинг формаси билан;

3) эга вазифасида келувчи от (ёки олмош) билан;

4) сон билан;

5) миқдор олмоши билан;

6) кўплик сондаги кишилик олмоши билан;

6) жамловчи отлар билан[57] каби.

Граммматик лексик майдон бошқалардан ўзининг бирмунча муккамаллиги билан фарқ қилади, аммо у ҳам бир тил системаси учун хизмат қилади. Демак, бу атама Г.Ипсон, Ж.Триер, В. Порциг, Л. Вайсбергер, А. Йоллес каби немис тилшуносларининг номи билан боғлиқ бўлиб, 60-йиллардан бошлаб рус тилшунослигида

[57] . Гулыга Е.В., Е. И.Шендельс. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке.-М.:, 1969,стр. 19.

М.М.Гухман, Е.В.Гулига, Е.И. Шендельс, А.В.Бондарко каби олимларнинг асарларида қўлланилган[58].

Ўзбек тилшунослигида тил лексик системасидаги сўзларни гуруҳларга ажратиб ўрганишда 80-йиллардан бошлаб майдон тушунчаси қўлланила бошланди. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида майдон атама кенг ўрин ола бошлади. Масалан, М.Абдувалиев синтактик тўсиқсизлик майдони, Ш. Искандарова тил системасига майдон асосида ёндошув, Ҳ.Ҳожиева ўзбек тилида ҳурмат майдони, Я.И.Авлақулов ономастик майдони ҳақида фикр юритишганда бу атамадан фойдаланганлар. Лекин майдон чегараси ҳамда унинг тузилиши тилшунослар томонидан турлича талқин қилинган.

Таъкидлаш лозимки, Я.И.Авлоқулов **майдон** тушунчасини ўз тадқиқотида маъқул кўрса-да, бу атама ўрнида **кўллам** ва **бирликлар** терминларини кенг қўллаган. Тадқиқотчи бу атамани рус тилидаги “пространство”нинг тажимаси сифатида қараган. Бизнингча, бу нотўғри таржимадир. Русча ўзбекча луғатда бу атама **жой, майдон, кенг сатҳ** шаклларида таржима қилинган[59].

А.Х.Тўрахожаеванинг диссертациясининг биринчи бобида “Майдон назарияси ва ижтимоий-сиёсий лексиканинг ўзаро муносабати” масаласида махсус фикр билдирилган ҳамда тадқиқотнинг иккинчи боби “Давлат бошқаруви” микро майдонининг лексик-семантик хусусиятлари”, учинчи бибини ҳам “Ижтимоий-сиёсий муносабатлар” микромайдонининг лексик-семантик хусусиятлари” деб номланган. Демак, диссертацияда

[58] .Сафаров Ф.С. дисс. 19-б.

[59]

ижтимоий-сиёсий лексемаларнинг семантик майдони “давлат бошқаруви” ва “ижтимоий-сиёсий муносабатлар” каби микромайдонларга ажратилган. Бу микромайдонлар ўз новбатида лексик-семантик гуруҳларга бўлиб таҳлил этилган[60].

Кузатувлар шуни тасдиқлайдики, ҳақиқатдан ҳам, сўнгги даврларда замонавий тилшуносликда, тил лексик системасидаги сўзларни гуруҳларга ажратиб ўрганишда майдон тушунчаси кенг тарқалияпти[61]. Майдон концепцияси семасиологияда пайдо бўлган бўлиб, эамонавий тилшуносликда алоҳида тил майдонлари ва бутун бир тилнинг умумий характеридаги майдони сифатида тадқиқ этилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар майдон моделининг тил тизимида самарали эканлигини кўрсатияпти. Тил тизимида бир бутун ажралмас майдонда бир қанча майдонлар мавжуд ва бу майдонлар ўзининг кўп даражали переферик зоналари орқали бири-бирига ўтади. Тилнинг майдон коцепцияси бир қатор хусусиятларга эга. Чунончи,

1.Майдон коцепцияси тушунарли кучга эга;

2. Методологик қиймат эга;

3. Майдон метод доирасида амалий тадқиқотларни тил тизимидаги уюшмаларини асослаб беради, яъни майдон принципи тил

---

[60] .Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 2012 , 14-17-бб.(-26 б.).

[61] .Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти.-Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 12-б., Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндошув.-Т.: “Фан”, 2007 (-151 б.), Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари. Филол. фан.номзоди дисс... автореф. Самарқанд: 2001 (-25 б.) ва бошқалар.

хусусиятларини ва категориларини, ўзнинг лексик маъносини таҳлил қилишда ишлатилад

Адмони (1964), Гулыга, Шенделъс (1969), Бондарко (1971, 1972, 1983), Кузнецова (1981) каби олимларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича майдон коцепциясининг асосий ҳолатлари қуйидагилар билан белгиланади.

1. Майдон бу инвентар элементларнинг бир-бири билан систем мносабатлар билан боғлайди;
2. Майдонни ташкил қилган элементлар семантик умумийликка эга бўлиб, тилда бир хил вазифани бажаради;
3. Майдон бир сўз туркумига (бир турдаги) ва турли сўз туркумларига мансуб бўлган элементларни бирлаштиради;
4. Майдон ташкилий қисмлардан - иккитадан кам бўлмаган микромайдонлардан иборат;
5. Майдон вертикал ва горизонтал уюшмага эга. Вертикал уюшма микромайдонлар структураси, горизонтал уюшма микромайдонлар нинг ўзаро муносабатидир;
6. Майдон таркибида ядро ва ундан узоқда (переферик) конституентлар (таркибий қисм)га ажралади. Ядро доминант компоненти атрофида бирлашади;
7. Ядроли конституент майдон вазифасини бир хил ҳолатда бажаради

бир неча частоталар бошқа конституентлар билан қиёсланади ва мазкур майдон учун аҳамиятли ҳисобланади

8. Ядро ва периферия (ташқи қисм) ўртасида тақсимлаш вужудга келади, майдон бажарадиган функцияларни ярми ядрога ва ярми перифериjяга тушади. Ядро ва периферия ўртасидаги чегара йўқолади

9. Майдон конституенти битта майдон ядросига тегишли бўлиши мумкин.

10. Тенг бўлган майдонлар қисман бири-бири устига қўйилади ва кейинчалик бири-бирига ўтиш учун зона ташкил қилади. Бу ҳолат тил системасида майдон қонуни ҳисобланади[62]

Шундай қилиб, майдон тилшуносларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Тил кўринишларини изоҳлаш учун майдон анча самарали усул ҳисобланади, чунки у тил тизимининг уюшмаларини аниқлашга ёрдам беради.Тил кўринишлари орасидаги алоқа, яъни майдон уюшмаси ғояси биринчи марта юқорида номлари тилга олинган немис олимлари (хусусан, Г. Ипсен, Ж. Триер, В. Порциг) ишларида учрайди. Улар ўз ишларида майдонни лексик материалларга нисбатан қўллашаган. Кейинчалик бу атама умуман тил тизимининг умумуий қонуниятига нисбатан қўлланила бошланди. Майдон назарияси лингвистикада қуйидагича талқин этиш мумкин:

Жаҳон илмий адабиётларида кўпгина майдон назариялари мавжуд.Тадқиқотчилар Потебня, Покровский, Мейер, Шперберг,

[62] . Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке.-М.:1969, Кузнецов А.М. Структурно-семантические параметры в лексике.-М.: 1989.

Ипсен тил бирликлари ва семантик майдон ўртасидаги семантик қонуниятларини фарқлашади.

Р. Мейер семантик майдонн 3 турга ажратади.

1.Табиий мавжудодга хос (дарахт, ҳайвонлар номлари, тана қисмлари, ҳиссиёт аъзолари ва бошқалар.)

2.Сунъий (ҳарбий чинлар номлари, механизмларнинг таркибий қисми)

3. Ярим сунъий (овчилар ва балиқчилар терминологияси, этика тушунчалари)

Семантик бўлиниш бу маълум ибораларнинг бирон бир семантик белгисини билдиради. Бу ҳолатни олим дифференция фактори деб атайди. Р.Мейер фикрича, семасиолигиянинг вазифаси ҳар бир сўзнинг у ёки бу тизимга тегишлилигини аниқлаш ва тизимни ташкил этувчи дифференция факторини топишдир[63].

Лексиканинг кейинги тадқиқотлари Ж.Триер билан боғлиқ, у семантик майдон терминини биринчи марта ишлатди. Кейинчалик бу термин Г.Ипсон ишларида қўлланилди. Семантик майдон-умумий маъно билдирувчи сўзлар мажмуаси деб қаралади. Ж.Триер назарияси бўйича у ёки бу тилга тегишли бўлган сўз маълум маъно ташувчиси эмас, уларни ҳар бирининг маъно касб этиши у билан бошқа сўзлардаги маънолар билан боғлиги борлигидир. Ж.Триер лексик ва майдон тушунчаларини фарқлайди. Унинг назарияси бўйича майдон элементар бирликлардан тушунча ва сўздан иборат,

63 .

сўз майдонининг таркибий компоненти тушунча майдони доирасини тўлалигича қоплайди[64]. Ж.Триернинг назарияси кўп танқидларга учрайди, лекин шунга қарамай, унинг ғоялари кейинги майдон структуралари яратилишида муҳим сабаб бўлди.

Семантик майдонни ўрганишнинг икки хил йўли пайдо бўлган. Л.Вейсберг, К.Ройнинг каби олимлар тил лексик бирликлари ўртасидаги парадигматик майдонни таҳлил қилишса, В.Порциг каби олимлар майдоннинг синтагматик муносабатини таҳлил қилишди. Шунингдек, комплекс майдонлар ҳам ўрганила бошланди, яъни парадигматик ва синтагматик муносабатлар майдони талқин қилинади.

Парадигматик майдон. Парадигматик майдонга лексик бирликларнинг турли синфлари, маънодош белгиларнинг у ёки бу ўхшашликлари сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари (ЛСГ), синонимлар, антонимлар, семантемалар, сўз ясовчилар, сўз туркумлари ва уларниг грамматик категориялари киради. Лексик семантик гуруҳ бўйича Л.Вейсгербер, Г.Ипсен, К.Ройнинг, Э.Оскар, О.Духачек, К.Хейзе, А.А.Уфимцева, В.И.Кодухов ва бошқалар фикр юритишган. Улар замонавий инглиз ва немис тилларини тадқиқ қилиб кесишадиган гуруҳлар мажудлигини айтиб ўтадилар. Улар от билан бир қаторда бошқа сўз туркумларини шу жумладан предлоглар, боғловчилар, хурсандликни ифода этувчи грамматик воситаларини ҳам тахлил қиладилар. ЛСГ назарияси Л.Вейсгербер, Ф.П.Филин ва С.Д.Канцельсон ишларида чуқур

[64] . Trier Jost. Der Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes, Ph. D. diss.-Бонн: 1931.

кузатилади. Л.Вейсгербернинг концепцияси Ж.Триернинг концепциясига яқин, у ҳам сўзнинг маъноси майдоннинг мустақил бирлиги эмас, балки структурал компоненти деб ҳисоблайди. Сўз майдони бир бутун ҳисобланади, шунинг учун унинг алоҳида бир компонентини тушунишда бутун майдонни тасаввур қилиш ва унинг тузилишида ушбу компонент ўрнини топиш керак бўлади. Ҳар бир халқ ташқи оламни ўзича англайди, борлиққа ўз қарашлари билан қарайди, шу сабабли турли тилларнинг семантик принциплари бир-бирига мос келмайди луғат таркибининг бўлинишини ўша тил майдонида излаш керак бўлади.

Синтагматик ва комплекс майдонлар. Синтагматик майдон термини (синтактик поле) тилшуносликка В.Порциг томонидан киритилган бу термин асосида сўз бирикмалари ва синтаксис комплекслар тушунилган. Синтагматик майдон икки хил гуруҳни маълум қилади.

1. Сўзлар синтагмага фақатгина ўзларининг умумий синтагматик схемалари орқалигина бирикади. Яъни семантик мослашув;

2. Сўзлар синтагмага фақатгина ўзларининг умумий норматив валентлик хусусиятларига (лексик, грамматик мослашув) кўра бирикади.

Рус лингвисти Л.М.Васильев комплекс майдон турини ҳам ажратади. Унинг фикрича синтагматик ва парадигматик мазмуний майдонларининг комплекс майдонини вужудга келтиради.[65].

Ассоциатив майдон. Тилшуносликда кенг тарқалган термин бўлиб, Ш.Балли томонидан киритилган. Бу термин психологияда семантик майдон терминига синоним сифатида қўлланилади. Бу терминга XX аср бошларига аҳамият берила бошлади. Бу билан биринчилардан бўлиб АҚШ ҳамда Германия тиббиёт ходимлари ва психологлари шуғулланишди.

Шундай қилиб олимлар классификация белгисидан келиб чиқиб, майдонни турли типларга ажратишади: лексик семантик майдон, лексик семантик гуруҳ, тематик қатор, синтагматик, комплекс, ассоциатив ва бошқалар. Ҳозирги вақтда уларни ажратишда умумий белгига эга бўлган ягона бир типология мавжуд эмас. Юқорида айтиб ўтилган барча майдонлар ҳақида умумий маълумот берилди. Ушбу ўринда **лексик семантик майдон (ЛСМ)** ҳақида қисқача бўлса-да, махсус фикр билдириш лозим бўлади.

ЛСМ термини тишуносликда умумий семантик белги билан боғланган тил бирликларининг мажмуасини билдиради. Аввал бу сўз бирликларига фақатгина сўзлар киритиларди, кейинроқ тилшунослик ишларида бу майдонга сўз бирикмалари ва гаплар киритила бошланди. Лингвист Е.И.Диброва бу терминга қуйидагича таъриф беради: “ЛСМ - тилда маълум семантик

---

65 . Васильев Л.М. Теория семантических полей. –М.: //Вопросы языкознания, -№5, 1971. 1971, стр.104.

доирани акс эттирадиган, бир турдаги мазмун касб этадиган сўзларнинг иерархик уюшмасидир. Семантик майдон тузилиши қуйидагилардан иборат.

1. Ядро майдон гиперсема (юқори тартиб) орқали кўрсатилган. **Гиперсема-** юқори тартибдаги семантик компонент ўз атрофида майдоннинг семантик кенгайишини таминлайди.
2. Майдон маркази интеграл ядро билан умумий дифференциал маънога эга бўлган бирликлардан ташкил топади.
3. Периферия майдон ядродан мазмун жиҳатдан анча узоқ бўлган бирликлардир. Периферик бирликлар контекстал маънога эга бўлиши мумкин.

Хусусан, И.И.Чумак лексик семантик майдон (СМ)нинг тўлиқроқ хусусиятларини кўрсатган:

1. СМ ҳеч бўлмаганда битта умумий компоненти (ёки умумий семантик белгиси) бўлган кўплаб маънолардан ташкил топади яъни умумий маънога эга бўлган лексемадир.

2. ЛСМ да микромайдонлар ажралади. Микромайдоннинг ташқи тузилиши битта ядро ва бир нечта бўлимлардан ташкил топади. Ҳеч бўлмаганда бу бўлимларнинг битаси ядрога яқин (периферия) бўлади, бошқа бўлимлар эса узоқ (периферия) ҳисобланади.

3. Майдонинг ички тузилиши семантик бирликлар корреляцияси тўпламидан ташкил топади.

4. Майдонга элементларнинг бир-бирини аниқлаши баъзи пайтда эса ўрнини алмашиниш хусусиятига хос бўлади.

5. ЛСМ бир-биридан изоляция қилинган. Ўзининг кўп маънолиги сабабли ҳар бир сўз кўпинча маълум ЛСМга киради.

6. Бир СМ бошқа юқори даражадаги СМ таркибига кириши мумкин[66].

Шундай қилиб ЛСМ маълум сўзлар (сўз бирикмалари) бир майдон ядросига бирлаштирилган гуруҳни ташкил қилади. ЛСМ ўзида маъно жиҳатидан ядродан турли масофада жойлашган (узоқ ва яқин периферия) бирликларни акс эттиради. Бир ЛСМ белгисига майдон асосига кўра бошқа ЛСМ таркибига кириши мумкин. Масалан, **хан** сўзи жинс белгисидан эркак ЛСМга, лавозим ва мансаб хусусиятига кўра ҳукмдор маъносини англатувчи лексемага ва ўз навбатида бу майдон давлат тизими ЛСМ таркибига киради.

Ўзбек тилшуноси А.Х.Тўрахожаева ҳам юқорида номлари қайд этилган олимлар қаторида ижтимоий-сиёсий ЛСМ ҳақида муҳим фикрларни баён этган. Унинг ёзишича, “Ижтимоий-сиёсий” архисемаси асосида бирлашган лексик бирликлар яхлит бир майдонни ташкил қилар экан, бу майдонга мансуб барча лексемалар семасида “ижтимоий-сиёсий” интеграл семаси иштирок этади. Ҳар бир майдон аъзосида такрорланувчи мазкур сема бу лексемаларни бир майдонга бирлаштириш имконини беради.

Ижтимоий-сиёсий луғавий бирликларни маълум ЛСГ (лексик семантик гуруҳлар)га ажратишда компонент таҳлилга асосланади. Гарчи компонент таҳлилида алоҳида олинган сўз эмас, балки тўлиқ таркибидаги ЛСГга эътибор қаратилса-да, бундай таҳлил “охир-оқибатда алоҳида сўзларнинг маъно ҳажмини, унинг

[66] . Чумак-Жунь И.И. Лексико-семантическое поле цвета в языке поэзии И.А. Бунина: состав и структура, функционирование // Автореферат док.филол. наук.– Киев: стр 40.

барча ҳолатларда намоён бўладиган семантик хусусиятларини аниқлаш”[67]имконини беради[68].

Хуллас, тил лексик системасидаги сўзларнинг гуруҳларга ажратиб ўрганишда юқорида қайд этилган турли атамалар қўлланилиб келинмоқда. Ўзбек тилшуносларимиз **қатлам**, **майдон, кўлам** каби атамарининг биттасини танлаб фойдалансалар маъқул бўларди. Тўғрироғи, бизнингча майдон атамаси маъқулдир. Лекин тилшуносликда бу масалага ҳали муайян хулосага келинмаган. Шунга қарамай, мазкур монографиямиздамиз “Қутадгу билиг” асаридаги ижтимоий лексик бирликларини ўрганишда майдон атамасидан фойдаланишни лозим кўрдик.

II БОБ

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИК” АСАРИ ҲАМДА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

2.1. “Қутадғу билиг” асарининг ўрганилиши. Ўзбек тилининг илк ва кейинги даврларида яратилган барча ёдгорликлар, ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги кун талаби ҳисобланади. Жумладан, ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлган XI-XIX асрлар ёдгориликларини ўрганиш жуда ҳам зарур. Ўзбек тилининг бу даврлар тили ҳали мукаммал ўрганилган деб бўлмайди. Тўғри, қатор ҳорижий шарқшунос-туркшунослар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қадимги ёзма ёдгорликларнинг

---

[67] . Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: Таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: “Фан”, 2007, 151-б.

[68] . Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти.-Т.: Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 15-б.

баъзи бир лингвистик хусусиятлари ўрганилди. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида ҳам илк даврлар (VI-X асрлар), хусусан, эски ўзбек тилига хос (XI-XIX асрлар) ёзма ёдгориликларини ўрганиш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди. Лекин шунга қарамай, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган масалалар кўп. Кутубхона ва тарихий музейларда юқорида қайд этилган жуда кўп ўтмиш ёзма ёдгорликларимиз мавжудки, улар лингвистик жиҳатдан ҳозир ҳам ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Ҳатто тадқиқ этилган деб қаралган ёдгорликларнинг тил хусусиятлари ҳам ҳали мукаммал ўрганилмаган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат-ул ҳақойиқ”, шунингдек, “Тафсир” ва шунга ўхшаш асарларнинг ҳали кўп лингвистик жиҳатдан тўла таҳлил этилмаган. Чунончи, “Қутадғу билиг” асари фонетик, морфологик, услубий жиҳатлардан қисман ўрганилган, транскрипция қилинган. Унинг матни ҳозирги ўзбек тилига чоп ҳам этилган. Синтактик ва лексик қатлами бўйича умумий характердаги фикрлар мавжуд. Бунга Г. Вамбери, В. В. Радлов, В. Томсен, С. Е. Малов, А. А. Валитова, С. Н. Иванов К. П. Содиқов, Қ. Каримов каби олимларнинг ишлари мисол бўла олади. Аммо бу тадқиқотлар етарли эмас. Асарнинг синтактик ва жиҳатлари янада мукаммал тарзда махсус ўрганишни талаб қилади. Мазкур ишимиз учун танланган мавзу, яъни “Қутадғу билиг”даги ижтимоий-сиёсий лексик майдонининг тадқиқ қилиниши бу масалада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишлардан

саналади. Ушбу иш ана шу соҳадаги бўшлиқни маълум даражада тўлдиришга қаратилган.

Унда “Қутадғу билиг”даги ижтимоий-сиёсий лексик майдонни Урхун-Энасой, “Девону луғотит турк”, “Ҳибат-ул ҳақойиқ”, “Ҳикматлар”, “Тафсир” каби асарлар билан қиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил этиш асосий мақсад қилиб олинди. Бу ўзбек тили лексикасининг шаклланиш асосини ва тарихий тараққиётини белгилашга муҳим ҳисса бўлади.

Лексик майдоннинг ўрганилиши, асарнинг диалектал асосини аниқлаш масаласига ҳам аниқлик киритади. Ёдгорликларнинг тили ва диалектал хусусиятларини аниқлашда олимлар турлича фикрдалар. Бу фикр ва мулоҳазалар ҳозиргача мукаммал деб бўлмайди. Ушбу ўринда бу борада қуйидаги далилларни келтириш мумкин Айниқса, “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”,“Ҳибат-ул ҳақойиқ”, “Ҳикматлар”, “Тафсир” асарлари, уларнинг диалектал асоси, ҳозирги туркий тилларга, жумладан ўзбек тилига муносабати каби масалаларда ҳар хил фикрлар мавжуд. Бу ҳолатни тилшунослар томонидан ўша даврларда мавжуд бўлган ёзма адабий тилнинг лаҳжавий асосига кўра бир неча адабий марказга бўлиб қаралишидан ҳам сезиш мумкин[69].

Бизнингча, ушбу асарлар тили ва унинг диалектал асосини белгилашда ҳар хил фикрлар мавжудлиги ёдгорликларнинг лексик ва грамматик хусусиятларини ўрганиш ҳали меъёрига етмаганлигидан дарак беради.

---

[69] .Санақулов У. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич). Филол.фан.докторлик дисс. –Т.: ЎзбФА, 2007.

Демак, бу масалани мукаммал ҳал этиш учун ушбу асарларни мавжуд бўлган барча қўлёзмаларини қайтадан қиёслаб, умумлаштириб ўрганиш, улар шу асосда янгича талқин этиш лозим.

Маълумки, ўтмиш ёзма ёдгорликлари ичида “Қутадғу билиг” асари ўзига хос ўрин эгаллайди. Қ. Қаримов таъкидлаганидек, ушбу асар Марказий Осиё туркий халқлари, жумладан ўзбек халқининг XI асрига хос бадиий адабиётининг бизгача етиб келган йирик ва илк намунаси саналади. Бу ёдгорлик туркий-ўзбек халқининг тарихини, ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганиш учун ашёвий далилларга ниҳоятда бой бўлиб, унда ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, илм-маърифат, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабат-муомала нормалари ҳақида муҳим фикрлар акс этган. Унда давлатни идора қилиш усуллари, ўша давр ҳаёти нормаларининг системаси баён қилинган. Қисқаси, ушбу асарда XI асрга хос ижтимоий-сиёсий масалалар бадиий тарзда ёритилган. Шу боис, асар тилида ижтимоий-сиёсий лексик қатлам ўзига хос мазмун билан ўрин эгаллайди. Бу асар бизгача уч нусхада етиб келган. Ҳозир Қоҳира, Намангон ва Вена нусхалари мавжуд.

Уйғур қўлёзмаси ҳижрий 843 (милодий 1439) йилда Ҳиротда уйғур ёзуви билан Ҳасан Қара Сайил Шамс томонидан кўчирилган. Бу нусха Туркиянинг Тугот шаҳрига, сўнг эса ҳижрий 879 (милодий 1474) йилда Абдураззоқ Шайхзода бахши учун Фанари ўғли Кади Али томонидан Истамбулга келтирилган. Кейинчалик шарқшунос олим Хаммер Пургшталл эса ушбу нусхани сотиб олиб, Вена Сарой кутубхонасига топширган. Ушбу асар илк бор 1823

йилда француз шарқшуноси Жаурбет Амадее томонидан нашр этилган.

1870 йилда эса венгер олими Х. Вамбери томонидан асарнинг асосий қисмлари “Уйғур тили обидалари” ва “Қутадғу билиг” номи билан чоп этилди ва немис тилига таржима қилинди.

1896 йилда “Қутадғу билиг”нинг араб ёзувидаги кўчирма нусхаси Қоҳирада топилган. У В.В.Радловнинг ташаббуси билан анча саводли тарзда кўчиртирилиб олинган. Ҳозир ушбу Қоҳира нусха Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида тўрт том ҳолда №6090,1097, 6092, 6093-ҳисоб рақамларида сақланмоқда. В.В.Радлов “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувида кўчирилган Вена нусхаси бўйича 1890-1891 йиллардаги қилган тадқиқотлари (нашр ва таржималари)ни Қоҳира нусхалари асосида қайта тадқиқ этишни бошлади. У бу нусхаларни (яъни уйғур ва араб ёзувидаги кўчирмаларини) солиштириб, қиёслаб, 1910 йилда асарнинг транскрипцияси ва немис тилида мукаммал таржимасини чоп эттирди.

1914 йилда эса “Қутадғу билиг”нинг Наманган нусхаси топилди. Ушбу нусха араб ёзувида кўчирилган бўлиб, наманганлик Муҳаммад Ҳожи Эшон Лоларешнинг шахсий кутубхонасида сақланган. Бу ҳақда А.З.Валидов Фарғона водийси бўйича олиб борилган экспедицияси ахборотида биринчи бўлиб маълумот берган. Наманган нусхаси 1924 йилда ўзбек олими Фитрат томонидан қўлга киритилди ва Тошкентдаги асосий кутубхонага топширилди ҳамда матбуотда хабар берилди. 1928 йилда асардан

парчалар (изоҳи билан) “Ўзбек адабиёти намуналари” китобида нашр этилди.

С.Е.Малов уйғур ёзувидаги Вена ва араб ёзувларидаги Қоҳира ҳамда Наманган нусхалари бўйича 1929, 1948 йилларда тадқиқотлар олиб борди. 1951 йилда “Қутадғу билиг” асарининг ҳар учала нусхасидан маълум бир қисмларини солиштириб, нашр эттирди. Турк олими Рашид Раҳмати Арат 1947-йили "Қутадғу билиг"нинг ҳар уч нусхаси асосида илмий-танқидий матнини яратди. 1959-йили турк тилига таржима қилди. 1979-йили асар индексини эълон қилди. Илмий-танқидий матн уч марта 1947, 1979, 1991 йилларда қайта нашр этилди.

Умуман, ушбу асар кўпгина олимларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Жумладан, ўзбек олими Қ.Каримов “Қутадғу билиг”нинг Вена, Қоҳира, Наманган нусхаларини қиёслаб, транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига мослаштирилган матнини 1971 йилда чоп эттирди. Кейинроқ, 1990 йили Б.Тўхлиев "Қутадғу билиг"нинг бобларга мўлжалланган қисқа баёнини, нашр қилди. Саъдулла Аҳмад ҳозирги ўзбек адабий тилига асардан парча чоп этди. Булар ўзбек тилида "Қутадғу билиг" асари бўйича амалга оширилган дасстлабки муҳим ишлардан саналади.

Қайд этиш лозимки, қўлёзмаларнинг бирортаси бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Уларнинг баъзи қисмлари йўқолиб қолган ҳолда етиб келган. Шу сабабли олимларимиз имконияти борича кўчирилган нусхаларини қиёслаш орқали унинг нисбатан мукаммал матнини тикладилар.Лекин “Қутадғу билиг” нашрларини асл қўлёзмага тўлиқ мос келади, деб бўлмайди. Чунончи,

Э.Наджипнинг ёзишича, К.Каримов томонидан тайёрланган нашрида ҳам Вена ва Қоҳира нусхалари ҳисобга олинган бўлса-да, яна 124 байт (Қоҳира нусхасидан) қолдирилиб кетилган. Тўғри, Наманган нусхасида 5793 байт бўлса, Қ.Каримов нашрида (қиёслаб тўлдирилиши ҳисобида) 6407 байт киритилган. Демак, Қоҳира нусхаси тўлиқ ҳисобга олинмаган. Агар Қоҳира нусхаси тўлиқ ҳисобга олинганда (яна 124 байт қўшилганда) нашрда 6531 байт бўлиши керак эди. Шунга қарамай, Э.Н.Наджип 1989 йилдаги чоп этган ишида Наманган ва Қоҳира нусхаларининг қиёсланиши ҳақида фикр юритиб, Қ.Каримов томонидан нашр этилган “Қутадғу билиг” асари бўйича махсус тўхталган. У асарнинг Қ.Каримов томонидан чоп этилган нашрига юксак баҳо берган: «Переводы К.Каримова серьезных возражений не вызывают. Они дословны, а в нужных случаях в скобках разъясняются значения, что улучшает качество перевода». Демак, ўзбек олими Қ.Каримов томонидан чоп этилган нашр ўз даврида муҳим ўринга эгаллаган.

Қ.Каримов ушбу асар тил материалини лисоний жиҳатдан ўрганиш бўйича ҳам тадқиқот ишларини ҳам олиб борди. У 1962 йилда “Қутадғу билиг” асарида келишик категорияси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Жумладан, ушбу асарнинг лисоний жиҳатдан тадқиқ этилишида С.Муталлибовнинг ҳам хизмати катта бўлди. У ўзининг қатор ишларида “Қутадғу билиг” асарини лисоний жиҳатлари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазаларини билдирган[70].

[70] . Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.-Т.: “Фан”, 1959 (-249 б.)., Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг дидактик асари “Қутадғу билиг” ҳақида), 1-том.-Т.: “Фан”, 1960, 8-26-бб.(-499 б.).

Ҳозирги даврда академик Ғ.А.Абдураҳмонов раҳбарлигида 2010-2011 йилларда "Қутадғу билиг" асарининг қўлёзма матнлари асосида қиёсий тарздаги илмий-танқидий матни лотин ёзувида тўрт томлик ҳолда қайта нашр қилинди. Бу нашр ўзбек тилшунослигида, балки туркологияда ҳам қувончли воқеа бўлди. Ушбу нашр ҳозирга пайтда барча олимларнинг, айниқса ўзбек адабиётшунос ва тилшуносларининг диққат эътиборини ўзига жалб этмоқда.

1.2. "Қутадғу билиг"нинг номланиши ва асар номидаги “қут” ва **“билиг” сўзларининг луғавий маънолари ҳақида.** "Қутадғу билиг” китобининг насрий муқаддимасида асарнинг турли мамлакатларда турлича номлаши қайд қилиб ўтилади. Чунончи, чинликлар "Адабул мулук", мочинлар "Аминул мамлакат", Шарқ эли олимлари "Зийнатул умаро", эронликлар "Шоҳномаи турки", туронликлар "Қутадғу билиг", баъзилар "Пандномаи мулук" деб номлаганлиги маълум ("Қутадғу билиг"нинг насрий муқаддимаси).

"Қутадғу билиг" устида илмий-тадқиқот олиб борган олимлар ҳам асар номини турлича таржима қилганлар. Масалан, "Қутадғу билиг"нинг замонавий нашрларида: "Бахт келтирувчи билим" (Г. Вамбери, В. В.Радлов, Р. Р.Арат, В.Томсен), "Книга счастья" ("Бахт китоби") ёки "Осчастливаюшее управление" (С. Е.Малов. “Кутадгу билиг” в факсимиле: Советское востоковедения, т.в, Москва - Ленинград, 1948, с. 327). С. Е .Малов кейинроқ: "Наука о том, как делаются счастливым" (С.Е.Малов. Памятники древнетюркской письменности, с.224), "Знание образующее царей" "Подшо қилувчи билим" (В.В.Бартольд), "Бошқарув илми"

(А.А.Валитова), "Благодатное знания" (А.Н.Кононов, С.Н.Иванов), "Бахтланиш билими" (А.Фитрат. Маорифа ва ўқитғучи, 2-сон, 1925, 70-б.), "Саодатга йўлловчи билим" (Қ.Каримов, Б.Тўхлиев), "Бахт берувчи китоб" (Ли Чи), "Саодатнома" (Н.Каримов), "Саодат берган билим"каби турлича номланган.

Шарқшунос олимларидан Ли Чи (XXR) "Қутадғу" сўзини иккига бўлиб, "қут" ва "адғу" сўзларидан иборат эканини айтади. У "қут" ни "бахт" деб изоҳлайди, "адғу"ни "бериш; адо этиш" деб талқин қилади[71].

"Қутадғу билиг" асарининг 2010 йилиги нашрининг 1жилдида "қут"ни бахт ва "эдгу"ни -эзгулик, "билиг"ни билим, яъни асарнинг номи "бахт ва эзгулик" сўзларидан ташкил топган лиги қайд этилади. Шу асосда асарни "Бахт-эзгулик" китоби деб номлаш тўғри бўлар эди дейилган[72].

Юсуф Ҳос Ҳожибга замондош бўлган Маҳмуд Кошғарий ҳам "билиг" сўзининг тўртта маъноси борлигини қайд этиб ўтади: 1) илм; 2) билим; 3) ҳикмат; 4) ақл[73] каби.

Бизнинг фикримизча "Кутадгу билиг"да қўлланган "қут" сўзини асосан "бахт" деб таржима қилинишида баъзи мулоҳазалар бор. Зеро, эски туркий тилда ҳам ҳозирги туркий диалектларда ҳам бу сўзнинг кўпгина маънолари мавжуд. **Қут** полисемантик сўз бўлиб, унда "руҳ, маънавий куч, жасорат, омадлик, бахт, билим, саодат, мол-мулк каби жуда кўп"

---

[71] Ли Чи "Қутадғу билиг" ва халқаротадқиқотлар, "Сирли олам" журнали 7-8 сон,1992.

[72] . Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг", 16 бет.

[73] . Маҳмуд Кошгарий. "Девону луғотит турк", (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов) 1-том.-Т.: "Фан", 1960, 367 б. (-499 б.).

маъноларидан ташқари “сиёсий жиҳатдан буюк бўлган қудратли салтанат, ҳукмронлик, ҳокимият, давлат бошқаруви” каби кўп маънолар ҳам мавжуд. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида **қут** сўзи “давлат” маъносида ҳам изоҳланган[74]. Қадимги турк тили луғати (ДТС)да эса бу сўзнинг “достоинство величие” деган маънолари қайд этилган[75]. Бу сўз қадимги Ўрхун-Енисей ва уйғур ёзув ёдгорликларида ҳам учрайди. Ўрхун-Енисей битикларида **қут,** уйғур, манихей ёдгорлигида **қутадмақ** феъли мавжуд.

Биз ушбу ўринда **қут** сўзининг кейинги таъкидланган маъноларига кўпроқ эътибор бердик. Юсуф Ҳос Ҳожиб ўз асарини “Кутадғу билик” деб номлар экан **қут** сўзини давлатни бошқариш маъносида ҳам қўллаган. Умуман, бизнингча, асарда **қут** сўзи орқали қудратли сиёсий кучга эга бўлган хон бошқарувидаги буюк ҳукмронлик, давлат, ҳукумат каби тушунчалари билан боғлаб кўпроқ қўллаган. Фикримизни қувватлаш мақсадида қуйидаги мулоҳазаларни билдирамиз:

Биринчидан, Марказий Осиёда ислом дини давридан олдин ҳам кўпгина туркий давлатларда **қут** сўзи ҳукмдорлар номига ёки унвонга (титулга) қўшиб айтилган. Милоддан аввалги даврларда Мўғулистондаги шарқий хунн давлатида ҳукмдорни **тенгри қут** деб аташган. Марказий Муғилистон минтақасида шад, шань деб номловчи туркий беклар милоддан аввалги 682 йилда ўз давлатларини барпо этгач, **қутлуғ** (273) деган унвонга (титулга)

---

74 . Маҳмуд Кошгарий . Кўрсатилган асар 1-том, 311-б.

75 . Древнетюркский словарь.-Л.: “Наука”, 1969, стр.471 (-676 с.).

эга бўлган. Ҳукмдорлар номларига қўшиб айтиладиган **қут** унвони **бахт** сўзидан фарқ қиладиган маънони ҳам касб этган. Яъни олий ҳукмдор сиёсий жиҳатдан устунлиги, давлатни бошқаришда қудратли кучга эга эканлиги, унда ҳар томонлама буюк салоҳият мавжудлиги англашилган. Қут сўзини француз тилидаги **Autorite de l'Etat** "давлат мавқеи, обрўйи, нуфизи (авторитети)", ёки **Souverainete** (давлат мустақиллиги ("суверенитети)", немис тилидаги **Staatsmacht** "давлат қудрати", **Staatsgevvalt** "қудратли ҳукумат", рим манбаларидаги **imperium** "олий ҳокимият ёки ҳукмрон" каби сўзлари билан қиёслаш мумкин.

Иккинчидан, Урхун ёдгорликларида **қут** сўзи бир неча марта учрайди [76]. Агар ёдгорликлардаги **қут** сўзини бахт деб таржима қилсак матндан англашиладиган маъно тўғри чиқмайди. Агар бу сўзни "сиёсий қудрат" маъносида таржима қилинса матнда аниқ маъно пайдо бўлади. Масалан: "...тäңрі jарлықазу, **қутым** бар ўчўн, ўлўгим бар ўчўн...[77]- тангри ёрлақаса қудратим бор учун, буюклигим бор учун... Ушбу ўринда **қут** сўзи сиёсий жиҳатдан қудрат деган маънони беради, чунки урушда мувафақият қозониш учун бахтни ҳис қилиш билан бирликда, сиёсий куч-қудрат бўлиши лозим. Ушбу маънони қуйидаги мисолда ҳам кузатиш мумкин. ol jęklär ěstani eligiŋ kǜěin kùsǜnin ěoʏin jalïnïn **qutïn** qïvïn körǜp

---

[76] . Малов С.Е. Памятники дренетюркский письменности.-М.-Л.: Изд.АН, 1951 (-447 с.).

Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил.-Т.: "Ўқитувчи", 1982 (-168).

[77] . Малов С.Е. Памятники дренетюркский письменности, стр.31 (29).

artuqraq qorqtilar - ул иблислар куч-қудратли улуғ хон Частанни кўриб янада қўрқдилар (Тўрт буддий афсонаси, 1, 43 $_{16}$)[78].

Бошқа бир мисол: Билге ҳоқон айтади: отам **Қутлуқ** хон (қудратли, буюк хон)нинг вафотидан сўнг Қул Тегин менинг онам Хонша **қут**нинг эри бўлди (таржимада "*менинг онам ҳазрати олиялари"* деб таржима қилинади. Яна бир мисол: *қаған **қути** тапди еринч* – қоғоннинг муносиб қудрати (устунлиги, қадр-қиммати билан ҳисоблашмадилар. (Билга ҳоғон$_{35}$)[79]. Ёки:Умаи täг ögим қатун **қутыңа** иним Кўл тигин äр ат бўлты – менинг онам Умаи хатун олий ҳазратлари...[80].

Учинчидан "Алп Билге Тенгрининг ёрлиғи Тенгридан олган қут", дейилган фикрни олайлик. Урхун ёдгорлигига тегишли ушбу гапда ҳам **қут** сўз ҳукмронлик қудрати деган маънони бериши мумкин.

Умуман, юқорида келтирилган мисоллардан сезиладики, туркий ёзма ёдгорликларда қадимдан **қут** сўзи "куч, қудрат, олий расмий мансаб, унвон (титул)" маъноларида ҳам ишлатилган. Хиристианларнинг муқуддас китоби Библиядаги Евангелиядан олинган парчанинг уйғурча таржимасига эътибор берайлик: "*Барып юкюнелим анынг улуг қутунга".* Ф. Мюллер ушбу гапни қуйидагича рус тилига таржима қилган-«Мы хотим пойти и совершить поклоны его величеству» (281), яъни "биз бориб буюк ҳазрати олийларига таъзим қилишни хоҳлаймиз". В.Банг ҳам **қут** сўзининг бахт деган маъносидан ташқари "олий, қудрат" маънолари

---

78 . Древнетюркский словарь, стр. 472.

79 . Древнетюркский словарь, стр. 471.

80 . Малов С.Е. Памятники дренетюркский письменности, стр.31 (31).

борлигини кўрсатган. Буни қадимги Енисей ва уйғур ёзма ёдгорликларида кузатиш мумкин[81].

Тўртинчидан, Париж миллий кутубхонасида сақланаётган X асрга тегишли бўлган Калянамқара ва Папамқара шахзодалари ҳақидаги уйғур ёзувидаги ёдгорликда ҳам "кут""олий ҳазратлари" маъносида келган: тегин инжа теп отунти қангим қути мени севар-му сиз - Менинг отам, Ҳазрати олийлари, Сиз мени севасиз-ми? (Калянамкара ва Папамкара, 6_5)[82].

Бешинчидан "Қутадғу билиг"да **қут** сўзини юқорида айтилганидек, қадимдан кўпгина туркий давлатларда **қут** сўзи ҳукмдорлар номига ёки унвонга (титулга) қўшиб айтилган. Унда "қудратли, кучга, давлатга" (власть)" эгалик маъносида қўлланганини ҳам аниқ кузатиш мумкин. Масалан, асарда Буғрахон шаънига айтилган фикрларда ҳам англашилади:

Ажун тутты Тавғач улуғ Буғрахон
Қутадсу аты бэрсү экки жаҳан (85).

Яъни "Тавғач улуғ Буғрахон оламни қўлга олди, оти қутли (жаҳонгир У.С.) бўлсин, икки жаҳон унга ато бўлсин". Шу ўринда Қ.Каримов изоҳида **қут** сўзи ўзгаришсиз қўлланган. Чунки ушбу ўринда "қут" сўзи "бахт" эмас, балки, "қудратли давлатга эга бўлган "**жаҳонгир**" унвони маъносини ифодалаган. Шунингдек, қуйидаги байтни кузатайлик:

Байат бэрди давлат э Түркән **қуты**
Аның шукры қылғу оқыб миң аты (106 байт).

---

[81] . Bang W. und A.von Gabain.Ein uigurisehes Fragment ùber den manichäishen Windgot, Ujb. Bd.VIII/H.3-4, 1928., Древнетюркский словарь, стр.471-472-бб.

[82] . Древнетюркский словарь, стр.471.

Яъни “Эй туркларнинг (**бахти Қ.К.) ҳукмдори** худо (сенга) давлат берди, мингта номни ёд этиб, унинг шукрини қилиш керак.

Бизнингча, ушбу байтда ҳам **қут** сўзи **бахт** эмас, балки **бошлиғ (ҳукмдор)** деб қаралса ўринли бўлади:

Китабда битинди бу ҳақан аты
Бу ат мангу қалды э Түркән **қуты** (111 байт).

Қуйидаги мисрада эса **қут** сўзи қудратли **давлат** маъносида қўлланган:

Бу Кунтуғды аты бэлгүлүг
Ажунда жаѣықмыш қуты бэлгүлүг (399 байт)

Яъни “Бу (бег) Қунтуғди эди, оти (номи У.С.) таниқли эди, оламда (жаҳонда У.С.) донг таратган **қудратли давлати** барқарор эди. Қ.Каримов эса **бахту давлати** тарзда изоҳлаган. Бизнингча, **қудратли давлати** тарзда изоҳлаш тўридир. Чунки асарда асосан Қунтуғди ҳкумронлигидаги давлати ва унинг қудратли бўлиши, барқаорлиги, адолат билан бошқаришлиши ҳақида фикр юритилади.

Юқорида қайд этилганидек, асарнинг баъзи ўринларида **қут** сўзи ҳукмдор номига унвон (титул) тарзида қўшиб қўлланган:

Тирилсүни Түркән қути миң қутун
Тирилсүни көрмәз қарақы отун (117 байт).

Яъни Қ.Каримов изоҳида “Турклар қути минг бахт(лар) билан яшасин, кўра олмайдиган(ларнинг) кўзи ўт билан тешилсин” тарзда берилган. Бизнингча, бу байтнинг “Туркон қути” бирикмасида) “қут” сўзи “ҳукмдор ёки бошлиғ” маъносида “унвон” (титул)

ўрнида қўлланган. Шу боис, таржимон кутни ўз ҳолича қолдирган. Ёки:

Бу турк бэкәриндә аты бэлгүлүг

Туға алп эр эрди **қуты** бэлгүлүг (274 байт).

Яъни “ Турк беглари орасида оти (номи У.С.) белгилик, Тунга Алп Эр эди, кути белгилик. Бу байтда ҳам **қут** унвон маъносиида қўлланган. Шу боис, изоҳда **қут** ўз ҳолича қолдирилган.

Оғдурмиш билан боғлиқ фикрлардан ташқари барча қаҳрамонлар билан боғлиқ воқеаларда уларнинг давлат бошқаруви ва ҳукмдорлик сифатлари ҳақида гапирилади. Умуман, муаллифнинг ўз асарида бахт ҳақида эмас, балки давлат ва уни бошқариш ҳақидаги фикрлари биринчи ўринда гавдаланади. Ойтўлдининг келишигача хон давлат ишларини танҳо ўзи бошқаришга қийналади. У ўзига ёрдам бера оладиган, давлатни бошқариш сифатларига эга бўлган инсонни қидираётган эди. Бу қуйидаги мисралардан сезилади:

Қылумаз озүм бу қамуз эл ишин

Мэннәр эр кэрәк бир билир иш башын

(414байт).

Яъни менинг якка ўзим бу элнинг ишларни қила олмайман, менга ишнинг кўзини биладиган (иш бошқарувчи) бир эр киши керак.

Қуйидаги ўринда қўлланган “қут”ни кузатайлик. Хон давлат ишларини бошқаришда ёрдам берувчи кишига муҳтож бўлиб турганида Ойтўлди унинг олдига келади. Ўзига бошқарувчи қидираётган хонга “мен **қут**” дейди. Бунда “қут” бахт маъносида эмас, балки ҳокимиятни бошқаришга қодир киши маъносида

қўлланилган. Чунки юқорида қайд этилган байтларда “элни, давлатни бошқариш билан боғлиқ фикрлар баён қилинган.

Қ. Каримов таржимасида Ойтўлди билан боғлиқ фикрларида “қут” сўзининг маъносига баъзи ҳолларда эътибор берилмаган:

*Элиг айды уқтум айа **қут** сэни,*

Қатығ сэвдум эрди ирәр-сэ мэни.

(701байт)

Яъни: Элиг айтди: эй **қут**, сени (яхши) тушуниб, мен сени қаттиқ севиб қолган эдим, сен мендан безиб, таъқиб қилаётирсан.

Шу ўринда Қ.Каримов изоҳида **қут** сўзи ўзгаришсиз ўз шаклида қўлланган. Агар у **қут** сўзини **бахт** шаклида қўллаганда маъно бузиларди. Шунинг учун Қ. Каримов кўп ўринларда **қут**ни ўз шаклида қолдирган. Аслида **қут**ни ҳукмронликда **давлат бошқарувга боғлиқ** маъноларининг муҳим ўрин эгаллашини ҳисобга олиш лозим эди.

Олтинчидан, Юсуф Хос Ҳожиб **қут** сўзини кўпинча давлатни бошқариш билан боғлиқ маъноларда қўллаганлиги билан бирликда асарнинг ўн учунчи, ўн тўртинчичи бобларда **қут ва давлат** сўзлари синоним сифатида қўллайди. Масалан

Кувенмә бу **қутқа** кэлир ҳам барыр

Инанма бу **давлат** бэрүр ҳам алыр

(680 байт)

Яъни бу мансабга (давлатга) қувониб ғурурланма, у келади ва яна кетади, бу давлатга ишонма, уни беради ва яна олади.

Йайығ эрмәс бу **давлат** өзи

На эдгу нең эрди бу **қут** эй қозы

(681 байт)

Яъни: Бу давлат ўзи бевафо беқарор бўлмаса эди, бу мартаба ёки мансаб (давлат) қандай эзгу нарса бўлар эди. Мисолардан сезилиб турибдики, “давлат” сўзлари “қут” маъноси бир-бирига яқиндир. Бундай мисолларни асардан кўплаб келтириш мумкин. Масалан:

Улуғлуғ улуғла көдəз ҳурматы
Сэннə кəлгə **давлат** улуғлуқ **қуты**

(4048 байт)

Яъни: Улуғ(лар)ни, улуғла, ҳурматини келтир, сенга давлат, буюклик саодати келади.

Қалы арса давлат билишсə **қутуғ**
Сэриб ирмəсə барча этлур қамуғ

(1308 байт)

Яъни: Агар давлат ҳовлиқтиргудек бўлганда қут (буюклик, ҳукмронлик) мавқеини тушунса (билса), ўзини йуқотиб қўймаса, барчаси тугал, соз бўлади.

Ҳар ҳолда, Юсуф хос Ҳожиб **кут** сўзини давлат, ҳукмронлик соҳалари билан боғлиқ бошқарувчилик маъносида ишлатса-да, китобнинг нашрида бу маънога эътиборсиз билан қаралган ва кўп ҳолларда бахт маъносида изоҳланган ёки ўз ҳолича (қут шаклида) қолдирилган.

Еттинчидан, Ойтўлди Ўгдулмишга мурожиат қилганда “Эй Элиг **қуту, эй киши қутлуғи**” деб мурожиат қилади. Бу ўринда “хонлик бахти”, кишилар бахтлиси деб изоҳланган. Аслида бу ўринда **қут** сўзи “қудратни, буюклик”ни ифодалайди.

Некү тер эшитгил ыла атлығы,

Туз этмәк кэнүт эй киши **қутлуғы.**

(2283 байт)

Яъни: Ила номдори нима дейди, эшитгин, туз, нонни мўл тут, эй кишининг буюги.

Саккизинчидан “Қутадғу билиг” да **қут** сўзини айрим жойларда бахт деб таржима қилиниши юқорида таъкидлаганимиздек, изоҳ талаб бўлганлиги сабабли таржимон **қут** сўзини асл шаклда қолдирган:

*Улуғлар **қут**-ул көр тилэсә **қут**уғ*

*Тапунғыл тапуғқа турур **қут** қамуғ*

(4077 байт)

Яъни: Улуғлар **қут**дирлар, кўр, **қут**ни тиласанг, хизмат қилгин, ҳамма **қут** хизмат эвазига келади. Ушбу ўринда **қут** “қудрат, бахт, давлат” каби кўп маъноларни англатиши мумкин.

Қ.Содиқов ҳам “қут” сўзи билан боғлиқ қуйидаги фикрларни қайд этган: қадимги туркийда **қут** бир неча маъноларда қўлланган (471) шулардан бири **қут бахт** маъносини англатади. Масалан, Юсуф Ҳос Ҳожиб достонининг оти “Қутадғу билиг” ном, “Қут (бахт) берувчи билим” дегани. **Қут** сўзи “эрк, озодлик” маъносида ҳам қўлланган. Масалан Қадимги “Ўғуз хоқон” достонида шундай жумла бор: “Мен сенга башимни, қутумни бераман” (ОД.22.6) буни русчага “Я отдаю тебе свою голову, свою душу” деб ўгирилган (ДТС.471), аслида бу жумладаги **қут** “жон (душа, жизненная сила) дух” эмас “эрк, озодлик”ни ифодалайди. Чунки бу ўринда хонга бош эгиш таслим бўлиш ҳақида сўз борада. Шунга кўра матнни “мен сенга бош эгаман, эркимни бераман” деб ўгирган маъқул. Ана

шунда сенга эркимни бераман сенга бўйсунаман деган маъно келиб чиқади. Зеро, ҳозирги ўзбек тилидаги “қутил, қутқар” сўзлари “озод бўл, озод қил” деган маъноларни ҳам англатгани каби.

Қадимги туркларнинг шундай мақоли бор: “Эр **қути** белинг, Сув **қути** теринг (Арат 1991, 274) - бу мақол русчага “достоинство мужа - в трахе, ценность воды в глубине” тарзида таржима қилинган. Ушбу қадимги турк мақолидаги “қут” лексемаси қувват, куч, қудрат маъноларини ҳам ифодалайди. Шунга кўра, ушбу мақол “Эрнинг жасурлиги қутқу чоғида (яъни куч-қуввати бор пайтида) билинади, сувнинг кути (қудрати) тубидан (чуқурлигидан) билинади” деган маънони англатади.[83]

Қисқа қилиб айтганда, давлат, бошқариш принципига, адолат , қонун, ҳуқуқ, ақл, билим, сифатларига бағишлан “Қутадғу билик”да руҳий ҳолат бўлмиш “бахт”га урғу бериш унчалик тўғри эмас. **Қут** сўзи “Қутадғу билиг”да биринчи навбатда “давлат, ҳукуматни бошқаришда куч қудратга эга бўлиш” маъносида қўлланган.

Хуллас, "Қутадғу билиг" асари яратилган даврдан бошлаб ҳозирга қадар жаҳон аҳли донишмандларини диққатини ўзига жалб этиб келди. Зеро, у ўз даврида қанчалиқ бебаҳо, ниҳоятда қимматли асар сифатида эъзозлниб келинган бўлса, даврлар ўтиши билан унинг қиймати янада ошиб нодир ёдгорлик сифатида ўнлаб тадқиқотларга мавзу сифатида ўрганилиб келинмоқда.

---

[83] .Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. -Т.: “Фан”, 2006,130-131 бб.

ИККИНЧИ БОБ

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА ДАВЛАТ ВА ДАВЛАТЧИЛИККА ОИД ЛЕКСЕМАЛАРНИГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

“Қутадғу билиг”нинг лексикаси ранг-баранг бўлиб, ижтимоий лекикага хос лексемалар катта ўрин эгаллайди. Улар ўзига хос услубий-семантик хусусиятларга эга. Шулардан бири давлат бошқаруви ва давлатчилик муносабатлари тизимига оид лексик бирликлар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда “давлат бошқаруви” тушунчаси ижроия ҳокимият идоралари томонидан давлат ҳаётининг муайян соҳаларига ва объектларига раҳбарликни амалга ошириш

фаолияти[84] маъносида тушунилади. Бироқ ҳар қандай давлатни бошқарув органлари тизими ва раҳбарлик фаолиятидан ташқари, давлатнинг суверентети (ёки унга нисбатан олиб борилаётган мустамлака сиёсати) сиёсий тузуми, маъмурий-ҳудудий тузилиши ва ҳужжат асосида иш юритиш кабилар муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун “давлат бошқаруви” ўзига хос микромайдонлари эгадир. Жумладан, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам бир қатор лексик-семантик микромайдонларига эга. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар давлатни бошқариш, халқ ҳокимиятини амалга ошириш соҳасидаги алоқаларнининг йиғиндисидир[85].

Айтиш жоизки, ҳар бир даврда “давлат бошқаруви” ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатлар ўзига хос атамалар, луғавий бирликлар мавжуд бўлган. Лекин ҳар бир давлат ижтимоий ҳодисадир. У мамалакат миқиёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянади. Ўзбек давлатчилиги бошқаруви минг йиллик тарихга эга бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида такомиллашиб борган. Ёзма ёдгорликларда бу борада кўпгина маълумотлар ўз аксини топган. Масалан, “Қутадгу билиг” да давлат бошқаруви ва давлатчилик тизимига оид кўпгина лексик бирликлар мавжуд.

“Кутадғу билик" асари Юсуф хос Ҳожиб томонидан тўрт юз олтмиш иккинчи ҳижрида ёзилган бўлса-да, унда туркий тилнинг илк (қадимги) даврларига хос лексик-семантик бирликлар учрайди.

---

[84] . Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат (Масъул муҳаррир Б.Мустафоев).-Т.: “Ўзбекистон”, 2006, 104-б.

[85] . Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти. -Филол. фан.номзоди дисс... автореф., 15-16-бб.

Айниқса, бу қорахонийлар давлатини узок сақлаб қолиш, билан боғлиқ.

Муаллиф ўз асарида ўша даврлар тилига хос бир қанча сиёсий, ижтимоий, иктисодий ва ахлоқий масалаларни оид лексик-семантик бирликларни қўллаган. Уларда давлатни идора қилиш усуллари, давлат қурилиши масалалари, жамият аъзолари орасидаги муносабат масалалари, иқтисодни тиклаш, хўжаликни ривожлантириш каби қатор муаммолар ўша даврга хос асосда изоҳланган. Юсуф хос Ҳожиб ўзининг зўр илмий қудрати туфайли бу асарни яратишга муваффақ бўлган. Асардаги маълумотлар Юсуф хос Ҳожибни бизга ёлғиз ўз замонининг улуғ адибигина эмас, шу билан бирга тарих, тиббиёт, риёзиёт, давлатчиликка хос ижтимоий билимлардан хабардор фозил инсон бўлганини кўрсатади. Асарда “давлат бошқаруви” микромайдонига хос лексик-семантик гуруҳлар хос кўплаб лексемалар қўлланилган.

2.1. Ҳукмдорликка ифодаловчи ижтимоий-сиёсий лексемалар ва уларнинг семантик хусусиятлари. Қадим даврларда олий давлат идорасини мутлақ бош ҳукмдор (монарх) бошқарган. Ўтмишда юзага келган давлатларда, жумладан, “Қутадгу билиг”да давлатнинг бош ҳукмдори қуйидаги лексик бирликлар (ёки атамалар) билан ифодаланган.

خاقان **-ҳақан** бу сўз ҳукмронларнинг унвони бўлиб, энг қадимий формаси **хақан**. Хитойда шен-ю унвони қўлланган. Кейинчалик уннинг издошлари бу сўзни **ҳакан** (Хитойда “kho khan”) яъни император маъносида ишлатишган. Хитойда императорни илоҳий даражасига кўтаришган, ҳукмдор "**tengri**

khakan" деб аталган. Кейинчалик туркий элат бошлиқлари ҳам, жумладан, Ўрта Осиё ҳукмдорлари ҳам ўзлари учун **ҳоқон** унвонини қабул қилишган. Ғарб мамлакатларида бу сўз биринчи марта VI асрда учрайди. Мусулмон тарихчилари, шоирлари **ҳоқон** сўзини татар ҳукмдорларини ифодалаш учун ҳам ишлатишган. 744 йилларда уйғурлар томонидан Текюй империяси даврида ҳам бу унвон мавжуд бўлган. Шу даврларда келиб чиқишларини туркий қавмлардан бўлган уйғур ҳукмдорлари ҳам хитой императорларига каби ўзларини илоҳий даражасига кўтаришган, яъни "**tengri khakan**" ("илоҳий ҳоқон") деб аташган. Шундан кейин **ҳоқон** унвони хитой, уйғур, мўғул, манжурлар салтанатида қўлланиилиб келинган. Мўғул тангаларида **kaan** (ҳоқон маъносида) сўзи учрайди.

Хусусан, Турк ҳоқонлиги даврида бу унвон кенг қўлланилган. Буни Ўрхун-Енисей (V-IX асрлар) битикляриги маълумотлардан ҳам сезиш мумкин. Битикларда Култигин, Буман, Истами, Элтарис, Билга каби ҳукмдорлар номларига ҳоқон (қаған) унвони қўшиб қўлланган[86]. Қадимги даврлардан ҳоқон мамлакат бошлиғи (мутлақ ҳукмдор) сифатида давлатни бошқариши билан бирликда Олий бош қумондон, сардор вазифасини бажарган, бошқача қилиб айтганда, “ҳарбий рутба ва лавозимларнинг энг чўққисида олий бош қумондон вазифасини бажарувчи **қаған,** яъни давлат бошлиғи турган. Аксар вазиятларда **қаға**ннинг шасан ўзи **су (лашкар)га** сардорлик қилган. Қўшин бошида туриб, ҳарбий юришларда

[86] . Малов С.Е. Памятники дренетюркский письменности.-М.-Л.: Изд.АН, 1951 (-447 с.)., Енисейская письменности тюрков. .-М.-Л.: Изд.АН, 1952 (-116 с.).

иштирок этган[87]. Бу ҳақда қадимги манбаларда маълумотлар кўп. Чунончи, Ўрхун-Енисей битикларида, номлари қайд этилган битиктошларда маълумотлар мавжуд[88].

Ҳоқон унвони қадимдан қўлланилиб келинса-да, ҳозирча унинг келиб чиқиши ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

حان – хан (хон). Хитой тарихчилари бу сўзнинг келиб чиқишини табатлар билан боғлайдилар. Шимолий Мўғулистонда III асрда ҳукмронлик қилган Лин-хан табатларнинг 67 ҳукмдори бўлган ва уни **хон** деб аташган. **Хон** сўзи **ҳоқон** сўзи билан бир хил маънода қўлланган.[89] XI асрда **хон** сўзи жаноб маъносида ҳам ишлатилган.

Умуман, кейинчалик қатор шарқ мамлакатларида ўрта асрга хос давлатчилигида мамлакатни бошқарувчи мутлақ ҳокимнинг унвони сифатида кенг қўлланила бошланган ва шу унвонни олган мамлакат бошлиғи хон номи билан атала бошланган. Масалан, Чингиз авлодлари ҳукмронлиги (XII-XIII асрлар), Даштиқипчоқ (Олтин Ўрда ва кўчманчи ўзбеклар ҳукмдорлари (XIII-XVI асрлар), Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари даврларида (XVII-XX аср бошлари)да ҳам давлатни мутлақ ҳукмдори (бошлиғи ва бошқарувчиси) хон унвони номи билан аталган.

“Қутадгу билиг”да **хон, ҳоқон** лексемалари нисбатан кам ўринларда ишлатилган. Лекин бу лексеманинг семантик жиҳати кенг бўлиб, асосан, мутлақ ҳукмдор маъносида қўлланилган:

---

87 .Дадабоев Ҳ. Кўк турк ҳоқонлигида ҳарбий қурилиш.// Жамият ва бошқарув, № 2.-Т.: 2000, 29-б.

88 . Малов С.Е. Памятники дренетюркский письменности.Памятник в чест Кюль-Тегина, стр. 21-33., Памятник честь Тоньюкук, стр. 61-64 ...

89 Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А.. Энциклопедический словарь,- М.: 1890, стр.568

Нэкү тэр эшитгил үч орду ханы

Ат эдгү тилэ эй өлүгли қаны

(5452байт)

Яъни уч ўрду хони нима дейди эшитгин, эй улугли, қани (энди) яхши от (қолдиришни) иста.

Китабка битинди бу ҳақан ати

(78бет)

Яъни бу ҳоқон (хон)нинг оти китобга ёзилди.

ثادشاه –**Падшаҳ** форсча сўз бўлиб, қадимий шарқда олий ҳукмдор, император тушунчаларини ифодалаган. Бу сўз **хон, ҳоқон** лексемалари билан тенг қўлланилади. Турк султонлари титул (унвон)ларини шу суз билан ҳам англатишган. Сўнгги даврларда, ҳозир ҳам ушбу лексема мутлақ ҳукмдорликка (монархияга) асосланган барча мамлакатларда ҳукмдорларига нисбатан қўлланилади.

Падшаҳ сўзи илк бор Юсуф Хос Ҳожиб асарида **ҳоқон** сўзига семантик жиҳатдан синоним ҳолда қўлланган ва мутлоқ ҳукмдор деган маъносини англатади:

Ъадлқа Күнтуғди элиг ат бериб, падшаҳ ўрнига тутмыш

(48бет)

Яъни адлга Кунтуғди номини бериб, подшоҳ лавозимига қўйибди.

تورو -Төрү лексемаси. Ҳукмдорлар давлатни маълум қонун-қоидалар асосида бошқариб фаолият юргизганлар. Қадимий туркий элатларда давлат бошқарувида **төр (төрä, төрù)** атамаси кенг ишлатилган. Қоида, қонун, тартиб ва урф-одатлар қадимий

туркийда **төрä-төрÙ** тарзда қўлланилган. Бу атаманинг маънолари кўп бўлган. Аммо унинг этник хусусияти ва маъно қирралари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. 2003 йилда Г.Сапаргалиев «Төре бітігі» асарини ёзиб, бу ҳақда баъзи фикрларни айтган. **Төр (төрä, төрÙ)** лексемасинининг ДТС (қадимги туркий тил луғати) да бир қанча маънолари қайд қилинган: **төр- фахли ўрин, фахрли вазифа (төр bašï)**; **төрä, төрÙ:** 1) тартиб, қонун, қоида; 2) урф, одат; 3) сиёсат; 4) низом ва бошқа маъноларни ифодалаган[90]. Бу атама уйғур битикларида ҳам "тартиб, қоида, қонун" маъноларида учрайди: *эл башлағу төрүсин өтүнүр сызлар айыту* - мамлакат бошқаруви тартиб-қоидасини илтифот билан сизлар сўрайсиз (Uig I 25). Маҳмуд Кошғарий ҳам "Девону луғотит турк" асарида "қонун қоида, расм, одат" маъноларида қўллаган: *күч елдин чиқса **төру** туннлүктин чиқар*, яъни "агар зўравонлик элдан (эшикдан) чиқса (кирса), қонун мўридан чиқар"[91]. Ёки: "Ël қалïр төрÿ қалмас", яъни мамлакат ташланади (ўзгаради)-ю, урф-**одат (төрÿ)** ташланмайди (йўқолмайди). Шунингдек, уйнинг, ёки яратмоқ феъли маъноларида ҳам изоҳланган: **төрä** jуқладї, яъни тўрга (чиқиб) ўлтирди; jалïнуқ төрÿдї, яъни одам яратилди[92]. Умуман, Махмуд Кошғарий "Девону луғотит турк" асарида **төр, төрä, төрÿ** шаклларда қўлланилиб, унда **бек, уй бекаси** каби бир қанча маънолар борлиги айтилган.

Төрү сўзи туркий халқларида XVI асргача ишлатилган. Масалан, ҳолдан тойган мамлакатда тартиб ўрнатишда Амир Темур қадимий-анъанавий тизимдан фойдаланиб, ўша давр учун

---

90 . Древнетюркский словар.-Л.: "Наука",1969, стр. 580-581.

91 . Древнетюркский словар, стр.581; МК-стр.120)

92 . Маҳмуд Кошғарий.Девону луғотит турк, 3-жилд.-Т.: "Фан", 1963, 240, 278-бб.

замонавий қонунлар асосида ўз “Тузукот”ини яратади. “Тузукот”да ўзи ишлаб чиққан янги қонунларни, тартибларни (тўру ва тузукотини) аста-секин жорий эта боради. Бу тўру ва тузукот, яъни қонун ва тартиблар “Темур тузуклари”да акс этган[93]). Демак, “Темур тузуклари”да ҳам ***төр***ү сўзи **тузукот** атамаси билан паралел ҳолда қонун-қоида маъносинида қўлланган.

Мумтоз адабиётимиз намояндаси Алишер Навоий ўз асарларида *тўра* - лексемасини хонзода, подшоҳзода тушунчаларини ифодолаш учун қўллаган. Шунингдек, Навоийда ҳам **تورە- тўра** шакли бир неча хил маънони ифодалаганини кузатиш мумкин: 1) қоида, қонун; 2) интизом; 3) одат. Алишер Навоийда **ياساق -ясоқ** лексемаси ҳам **تورە- тўранинг** синомими тарзда фойдалниб, уни “қарор, тартиб, қонун, жазо” маъноларида ишлатилган[94]. (Аслида **ясоқ** лексемаси мўғулча сўз бўлиб, туркий тилларда “қурмоқ, ҳосил қилмоқ, бунёд қилмоқ, ясамоқ” маънолари англатади): “*Тавочи бориб иккисини ясоққа еткурди*” (А.Н.)[95].

Төрү атамаси “Қутадгу билиг”да “сиёсат, қонун, қоида адолат, одил” маъноларида ишлатилган:

Көни бөл көнилик үзе қыл төрү
Узун турға бэглик адақын төрү
(5062байт)

---

93 . Темур тузуклари.-Т.: Ғафур Ғулом,1991 (А.Соғуний ва Х. Кароматов таржимаси).

94 . Навоий асарлари луғати Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:, 620-бет,1972.

95 . Исақова З. М. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика ф. ф. н. олиш учун тақдим этилган диссертация . –Т.: 2010, 53б-б.,

Яъни “Одил бўл, адолат узра сиёсат қил(яъни сиёсат юрит), Беглик узоқ оёқда сиёсат билан тик туради (яъни қарор топади)”.

Бэкүтмәк тиләсәң бу бэглик улы

Төрү бэргү тутғу конилик йолы

(5064байт)

Яъни “Бу беглик асосини мустаҳкамламоқни истасанг, қонун-қоида асосида, одиллик йўлини тутиш керак”.

Бу мисолларда, биринчи байтда **төрү** сўзи сиёсат маъносида келган бўлса, иккинчи байтда адолат маъносида ишлатилган. Яна бир мисол:

تور –**төр** шакли ҳам расм қоида, қонун, низом урф-одат маъноларида келган:

Төр ҳам тоқу билсэ бэрсэ йорық

Кирү ҳам чықу билсәқылса қылық

(3944байт)

“Расм қоида ва низомларни билса, йўл йўриқлар берса, кириш ҳам чиқишни билса, (яхши) хулқ (лар) кўрсатса”.

“Қутадгу билиг”да “сиёсат, қонун, қоида адолат, одил” маъноларида ишлатилган:

Көни бөл көнилик үзе қыл төрү

Узун турға бэглик адақын төрү

(5062байт)

Яъни “Одил бўл, адолат узра сиёсат қил(яъни сиёсатюрит), Беглик узоқ оёқда сиёсат билан тик туради(яъни қарор топади)”.

Бэкүтмәк тиләсәң бу бэглик улы

Төрү бэргү тутғу конилик йолы

(5064байт)

Яъни “Бу беглик асосини мустаҳкамламоқни истасанг, Қонун-қоида асосида, одиллик йулини тутиш керак”.

Бу мисолларда, биринчи байтда **төрү** сўзи сиёсат маъносида келган бўлса, иккинчи байтда адолат маъносида ишлатилган. Яна бир мисол:

تور -төр қоида, қонун, урф-одат маъноларида:

Төр ҳам тоқу билсэ бэрсэ йорық

Кирү ҳам чықу билсәқылса қылық

(3944байт)

“ Расм қоида ва низомларни билса, йўл йўриқлар берса, Кириш ҳам чиқишни билса, (яхши) хулқ (лар) кўрсатса”.

تاق-Тоқу лексемаси “низом” маъносида ишлатилган. ҳеч қайси бир этимологик луғатда қайд этилмаган. ДТСнинг 577 бетида **тоқулығ** сўзи мавжуд бўлиб “благонравный, деб рус тилига таржима қилинган. Бу сўз **тоқу** отига –лығ аффикси қўшилиши билан ясалган. “Қутадғу билиг”да “низом” маъносида қўлланилган.

Төр ҳам тоқу билсэ бэрсэ йорық

Киру ҳам чиқу ҳам билсә қылса қылық

(3944 байт)

Расм қоида низомлардан билса, йўл- йўриқлар берса,

Кириш ҳам чиқишни билса, (яхши) хулқ (лар)ўргатса.

“Қутадғу билиг” да **төрү** сўзи юқорида кўрсатиб ўтилганидек сиёсат, адолат, қонун қоида маъноларида ишлатилган бундан ташқари Юсуф Баласоғуний бу сўзни ўз асарида ҳукмдор маъносида ҳам қўллайди:

Төрү түз йурыты байуды будун,
Атын эдгү қылды ул эдгү өдүн.

(288 байт)

Яъни ҳоқон адолатли сиёсат юритди, халқ бойиди, у эзгулик даврон билан ўз номини эзгу қилди.

“Қутадғу билиг” да **ҳоқон, хон, тўру** сўзи билан бир қаторда давлат бошқарувчиси, ҳукмрон, ҳоқон хон маъноларида **бег, малик, элиг, элчи баши, элчи, хон ,султон, талу, одрум, ябғу, подшоҳ** каби сўзлар ҳам ишлатилган. Қуйида ҳар бири ҳақида бирма бир тўхталиб ўтамиз.

Туркий давлатда қадимдан бошлаб турк ҳоқонлари томонидан ўрнатилган маълум қоида қонунлар мавжуд бўлган. Ва бу қонунларга бўйсунмаслик ёмон оқибатларга олиб келган. Тахт ворисларини **шад** деб аташган, улардан кейинги ўринда **бек** турган. Кўп тармоқли давлат бошқарувида беклар асосий ўрин эгаллаган. Турк давлатлари пайдо бўлган даврдан бошлаб беклар давлат бошқарувида минг йиллар давомида асосий ўрин эгаллаган.

بيك ***-бэг*** бу сўз биринчи марта **бэглиг** шаклида (Томсен Стейннинг «Гадательная книга») учрайди. ДТСда **бег** титул (унвон) ҳукмдор, бошлиқ, жаноб; Маҳмуд Кошғарийда **бэк** уч маънода: 1. “маҳкам, пишиқ, қаттиқ; 2.бек-унвон; 3.эр-қудрат” маъноларида ишлатилган. Алишер Навоий вилоят ва шаҳар ҳокимини **бек** деб

атайди. **Бека** сўзини эса аёлларга нисбатан “хоним” маъносида ишлатади. “Қутадғу Билиг”да **бек, бег** шаклдаланган:

Уқуш бирлә аслы аталур киши

*Билиг бирле **бегләр** этәр эл иши*

(297байт)

Яъни уқув идрок туфайли киши асил аталади, беглар Эл ишини билим билан битиради.

ايلجى –**Элчи.** Урхун-Енисей битикларида **элчи** лексемаси хабарчи маъносида ишлатилган: таңри элика **элчиси** эртим мен ўзимнинг муқаддас элимда хабарчи эдим (E 1). Уйғур юридик ҳужжатларида ҳам элчи шаклида учрайди: *йана **элчига** бир бөз бертим* - яна элчига бир бўз бердим (*USp 33*). Алишер Навоийда **элчи** сўзи “вазифа-лавозим” маъноларида ишлатилган. “Қутадғу Билиг”да эса “халқ сарвари, халқни бошқарувчи, ҳукмрон” маъносида, *элчи бөгу, элчи бег* шаклида келган, муҳим мансабдор шахс, ҳукмдор, маъноларида қўлланилган:

Нэку тер эшитгил көр элчи бөгу

Бөгу сөзләри булса аш-тэг йэгү

(394байт)

Яъни кўр элчи эл бошлаган доно нима дейди эшитгин, доно сўзларини топсанг, ошдек есанг бўлади.

اليك – **элиг.** Бу сўз шимолий – ғарбий хитойдан топилган манихей ва уйғур хатида ёзилган текстларда “жаноб, ҳукмдор” маъноларида ишлатилган: *эдгу қылынчлыг* - бизнинг меҳрубон ҳукмдоримиз (Man. I 10); *ол өдүн мақайт элиг эдгү өгли тегиниг бушуғлуғ көрүп ынжа тер йарлықады*- ўшанда Макайт ҳукмдори

одобли шахзодани махзун кўриб, шундай деди. Қорахонийлар даврида элиг олий ҳукмдор ҳисобланган. Шу сабабли “Қутадғу Билиг”да олий ҳукмдорни ифодалаш учун Юсуф Баласоғуний **элиг** лексемасидан фаол фойдаланган:

Элиг ма эли эдгу султан турур
Чығай йўқ йавузқа севүгжан турур

(4883байт)

Яъни элиг ҳам жуда яхши султондир, камбағал, йўқсил(ва) ёмонларга севик(яъни карамли)дир.

اودروم - *Өдрум* Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг қуйидаги маъноларини қайд этган: “танлов, танланган”: *негү тер эшит бу киши одрүми*[96] – ўша одамлардан танланган нима дейди эшит.

“Қутадғу Билиг”да “элга бошлиқ, йўл бошловчи, сарвар” маъноларида ишлатилган:

Апа оғланы барча аслы бэдүг
Билиг бирлэ болды көр өдрум кәд өг.

(1924байт)

Барча асли улуғ одам боласи,
Билим туфайлигина сарвар бўлди кўр англа.

تالو -талу сўзи Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” асарида “сайланган, махсус” маъноларида келган: *кейим тон талуси көнилик тони*-кийимлар орасидан сайланган, махсус (Юг. А 68) Маҳмуд Қошғарий уни “танланган нарса” деб изоҳлайди.

[96] Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ. Абураҳмонов, С.Муталибовлар таҳрири остида. –Т.:, 107 бет 1967.

“Қутадғу Билиг”да бу сўз “халқ орасида сара киши, сарвар, халқ орасидан махсус танланган киши” маъноларида ишлатилган:

Айа бай болуғлы будунда талу

Қуқуз қылбу байлық муйан ал толу

(5186байт)

Яъни эй, бой бўлувчи халқ орасида сара (киши) бу бойликни қурит (ёки йўқ қил), тўла нажот ол (ёки у дунёга замин ҳозирла).

Қуйидаги байтда эса **талу** сўзи асл киши, насли тоза маъноларида қўлланилган:

Элиг айды эдгү талу нәң турур

Талу нәңни тутши талулар қулур

(884байт)

Яъни элиг айтди: Яхши (лик) бу асл нарсадир, бу асл нарсани ҳаммавақт асл кишилар истайдилар.

“Қутадғу билиг”да “билимли, заковатли, халқ орасида сараси, асл киши , олижаноб” маъноларин ифодалаш учун арабча ***аслы*** ўзлашмасидан ҳам фойдаланилган:

Эки түрлүг-ул көр бу аслы киши

Бири бэг бири билгә йаңлуқ башы

(262байт)

Яъни асл киши(лар) икки турлидир, кўргин, бири – бег, бири – доно, кишилар боши”.

Ушбу байтда асл кишилар икки хил, яъни бошлиқлар ҳамда олимлар бўлиши мумкинлиги таъкидланган. XI асрдан эътиборан туркий тил сўз хазинасидан мустаҳкам жой эгаллаган ***аслы*** ўзлашмаси соф туркийча сўзлар билан синтагматик муносабатга

киришган.“Софламоқ, тозаламоқ” маъносидаги ***арығ*** лексемаси ***аслы арығ*** жуфт сўзни юзага келтирган.

يابضو -Йавғу туркий давлатда хондан кейинги бош ҳукмдор **ябғу** саналган. **Ябғу** унвони подшоҳлик авлодига мансуб шахсларга берилган.[97] Урхун Энасой битигида ёзилишича ғарбий турклар олий ҳукмдорларининг унвони **ябғу** деб аталган: *йабғусин шадин анта өлүртүм*- мен уларнинг ҳоқони ябғу ва шодини ўлдирдим (БК28); Бу сўз Кул Тегин битикларида ҳам учрайди: *йабғуғ шадиғ анта бермиш*-у ерда ябғу ва шодни тайинлади(КТб. 14) Маҳмуд Кошғарий ва “Қутадғу Билиг”да халқдан чиққан ва хондан икки даража паст бўлган одам маъносида ишлатилган:

Нэкү тэр эшитгил бөгә йавғусы
Байуса баш эгмәс будун йувғасы

(5406байт)

Яъни баҳодирлар яфғуси нима дейди эшитгин, халқнинг омонати бойиса, бош эгмайди.

مالیل -Малик сўзи биринчи марта Аҳмад Югнакий асарида кўчма маънода худо, оллоҳ маъноларида учрайди: *қазалар йүрүткаан йаратган малик*- тақдирни бошқарувчи ва яратувчи. (Юг. С) “Қутадғу Билиг” да бу сўз “ҳукмрон, олампаноҳ, подшоҳ” маъносида қўлланилган;

Маликлар қоруғы ма асбаб түзә
Бу тартыб ва шарты амарат үзә

(55бет)

---

[97] Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азы в древние времена. –М.: – Л.,. Т.I.С . стр. 260. 1950

Яъни подшоҳларнинг қўрғони ҳамда барча керакли нарсалари, амират (яъни мулк) учун(барча) тартиб ва шартлари.

ایر تورل - эрк турк (ДТС179) “қудрат, куч, буюклик” маъносинианглатади. Ушбу жуфт сўз “Қутадғу билиг”да “ҳукмрон; куч-қудрат, буюкликка эга бўлган ҳукмрон” шахсни ифодалаш учун ишлатилган:

Эй элиг бақа көр сениңдә үзә
Бэг эрди атаң эрк түрк түзә

(5043байт)

Яъни эй элиг назар солиб кўр сендан илгари, отанг элда тўла ҳукм ўрнатган бег эди.

بیکلیك -**Бэглик** сўзининг ДТС да бек-ҳукмрон, беклик ҳукумати деган маънолари қайд этилган (92бет). Маҳмуд Кошғарийда “ҳукумат, беклик маъноларида қўлланган[98].Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” нинг 167 бетида бу сўз ўрнида ساطنت - **салтанат** сўзини “султонлик, ҳукмдорлик, ҳокимият” маъноларида қўллаган: “ҳар ойнаким, салтанат Шируяға вафо қилғонча анга қилди”.

Юсуф Хос Ҳожиб **бэглик** шаклида ишлатган ва “ҳокимият, ҳукмдорлик” маъносини ифода этган:

Бу *бәглик* улы көр көнилик турур
Көни болса бэгләр тириглик булур

(804байт).

[98] Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ. Абураҳмонов, С.Муталибовлар таҳрири остида. –Т.:, 11 бет 1967.

Яъни бегликнинг пойдевори кўргин тўғрилик эрур, беглар тўғри бўлса, яшаб- яшайнайди.

يوريق – ***йорық*** Дж. Клосоннинг ёзишича бу сўзнинг аниқ этимологияси йўқ.[99] кўпгина олимлар бу сўзни **йара**> "бирон бир ишга ярамоқ", **йарақ** – "қурол" сўзи билан боғлашади. Лекин **йарақ** ва **йорық** сўзларининг генетик алоқалари ҳалигача муаммоли бўлса-да, уларнинг фонетик яқинлиги қуйидаги мисоллар билан исботлаш мумкин: *kuba jariq-темирли оёқ кийим, жай-жарақ қурол аслаҳалар комлекти*[100]. Бу сўз қадимий рус тилидаги **йарык** "латы"(қадимги оёқ кийим) шаклида учрайди.[101]

Туркий ёзма ёдголикларда бу сўз биринчи марта Махмуд Кошғарий "Девони"да учрайди. "Девон"да "йўриқ, ҳаёт тарзи, муомила очиқ ва аниқ тил" маъноларини англатади: *анинн йорығи не тәг киши била*- унинг одамларга бўлган муносабати қандай. Бу сўз уйғур хатидаги будда сутрасида ҳам учрайди ва "ҳаёт тарзи, йўриқ, муомила очиқ ва аниқ тил" маъноларини англатади. "Қутадғу билиг" да "йўл бошловчи, йўриқ, муомила очиқ ва аниқ тил" маъноларида ишлатилган:

Йорықын көдәзсе алам башлар эр
өңи турмаса бир йағыг ишләр эр

(2310байт)

Яъни байроқдор(йўл бошловчи)ўз режаларини сир тутса, ёвга зарба берувчи бирорта киши (ҳам) четда ажралиб қолмаса.

---

99 . Clauson G. The Turkish elements in 14th century Mongolian// CAJ. 1960. Vol. 5.N 4. 962bet

100 Будагов Л. Сравнительный словар турецко-татарских наречий, т. II.СПб., 1871. с. 354; Menges K.H. Glossar zu den volkskundlichen Texten aus Ost-Turkistan, II. Weisbaden(Akademie der Wissenschaften und der Literatur. AbhandLungen der Geistes-und Sozialwissenschaftlichen K1., Jahr.1954, N14). P.756; Rasanen M. Versuch eines etymologischen Worterbuchs der Turksprachen. Helsinki, 1969.190a.

101 Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Пер. с нем. И дополнения О. Н. Трубачева, т.I-IV.М., 1964- 1973.

Алишер Навоий “йўл бошловчи” маъносида سرخایل - **сархайл** сўзини ишлатади.

اول-*ул* Маҳмуд Кошғарий бу сўзни “пойдевор, асос” маъносида ишлатган. “Қутадғу билиг”да ҳам “пойдевор, асос, томир” маъноларида келган:

Бу бәглик улы көр көнилик турур
Көни болса бэглэр тириглик булур

(804байт).

Яъни бегликнинг пойдевори кўргин тўғрилик эрур, беглар тўғри бўлса, яшаб- яшайнайди.

قرش - қаршы Махмуд Кошғарийда **қаршы** сўзи “шоҳ қасри” маъносида ишлатилган: *қаршы көрүп қағдыж аны учмақ атар*[102]- қасрни кўргач тўғри дўст уни жаннат деб атайди.

سرای - сарай – сўзи биринчи марта “Қутадғу билиг”да ишлатилган бўлиб, “сарой”, маъносида келган. **Қаршы** ва **сарой** сўзлари “Қутадғу билиг”да бир хил маъноларда ишлатилган:

Тонын кэтди атланды эвдин көр-ә
Йана қаршықа кирди андын көр-ә

(5340байт).

Кийимимни кийди, уйдан отланди кўр,
У ердан яна саройига кирди кўр.
Этиглиг Сарайығни бузувчи өлум
Қамуғ йумқыларығ сачығлы өлум

(1166 байт)

Обод саройларни бузувчи ўлим,

[102] Девону луғотит турк. Индекс-луғат. (Ғ. Абураҳмонов, С.Муталибовлар таҳрири остида). –Т.:, 374 бет 1967.

Барча жамланган(нарса)ларни сочувчи ўлим.

Алишер Навоий асарлари изоҳли луғатида [103] **сарой -** سارای арабча сўз сифатида қаралиб , унинг бир неча маъно англатиши қайд этилган:

1. “уй, хона, турар жой;

2.Олий бино, қаср;

3. маж. Дунё; **саройи сипанж**- Амонат уй, вайрона уй;

4.маж. **Тан саройи**- тан уйи, ички аъзо; **хожасарой**- Маҳрам, ички хизматкор, қул, ҳарам ходими; меҳмонсаро – меҳмонхона” мавжуд. **қаршы** сўзи ўрнида قصر **-қаср сўзи** ишлатилган 1. Қўрғон, сарой, олий ва ҳашаматли бино каби маъноларни англатади.

وغ-قاث//قاث - ***қапуғ//қап.*** “1. ёпмоқ, қопламоқ 2. махкамламоқ ёпмоқ, қамоққа олмоқ”. Баъзи бир тадқиқотчилар, масалан Дж.Клосон **қап** феълини ундан ясалган **қапиғ//қапға//қапғақ** сўзлари асосида тиклаган.[104] М.Рясенен (Ras.VTWT233b) **қап** формасини реконструксия қилган. Биз А. М. Щербакнинг қарашлари тўғри деб ҳисоблаймиз. У **кап** – ёпмоқ, махкамламоқ, параформасини Мўғул тилидаги **қап** – qaҮa (қаҳа) қулфламоқ, махкамламоқ феъли билан боғлайди. [105] **Қап** феълидан ясалган сўзлар қуйидагилар: **қапақ, - қапқач- қопғоқ**. **Қап** феълига от ясовчи **-уғ** аффикси қўшилиб “эшик, дарвоза, қабулхона, қабул қилинадиган зал” деган маъноларни англатади.

---

103 Навоий асарлари луғати Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:, 550 бет,1972.

104 Clauson G. the earliest Turkish loan words in Mongolian-CFJ, IV, N3, 1959. p.580.

105 Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –Л.:, 1970, стр.194.

Бу сўз ДТСда “1. эшик, дарвоза; 2. қабулхона, даргоҳ” маъноларни англатади (421). Махмуд Кошғарий “Девони луғот-ат турк” том II, тошкент 1963, 135 бетида “эшик” маъносида қайд этади: *элиг қапуғга қысылди*-қўл эшикда қисилиб қолди. Алишер Навоийда **қапуғ** сўзи ўрнида **ایشك - эшик** лексемаси “ҳовли сарой, бир кишига тегишли бўлган жой” тушунчасини ифодалайди. استانه - **Остона** лексемаси эса “юксак, юқори, баланд” маъноларини ифодаловчи **олий** сўзи билан **олий остон** бирикмаси ҳосил қилган, у “шоҳ саройи, даргоҳ” тушунчасини ифодалайди[106]. Бу сўз “Қутадғу билиг”да ҳар учала маънода ҳам ишлатилган яъни: “эшик, дарвоза, подшоҳ даргоҳи, ҳукмрон, подшоҳ қабулхонаси”:

Қапуғда қалын баш йумытты йурыр.

Тосулур киши йоқ мэңə эй билир

(4989байт).

Даргоҳда кўплаб кала(лар) йиғилган (улар) юрибди(лар),

(Лекин) менга фойда келтирадиган одам йўқ, эй билағон.

سیاست - сийасат ДТСда “дипломатия, сиёсат” тушунчаларини ифода этган. “Қутадғу билиг” да “сиёсат юритмоқ, тартибга солмоқ, бошқармоқ” маъноларида келган:

Сийасат йуритса сү башлығ болур

Сүси башлығ эрсə ар ашығ болур

(2265 байт)

Сиёсат юритса лашкар итоаткор бўлади,

[106] Исақова З. М. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика ф. ф. н. олиш учун тақдим этилган диссертация . –Т.:, 23бет, 2010.

Лашкар итоаткор бўлса, у одам озуқаси бўлади.

Навоий асарлари луғатининг (Тошкент 1972) 556 бетида سیست – сиёсат сўзи қуйидаги маъноларни англатади:

1. “жазога лойиқ кишиларнинг жазосини беришда шиддат кўрсатиш, дўқ пўписса қилиш;

2. ҳукмронлик кўрсатиш; ҳукмдорнинг ўз қўли остидагиларни жазолаш ва қўрқитиш йўллари билан бўйсиндириб, интизомда сақлаши каби маъноларда қўлланган(АНАЛ556).”

جماعت -жамаъат сўзи қадимий ёзма ёдгорликлардан фақатгина “Қутадғу билиг” да учрайди кейинчалик мумтоз адабиётимиз асосчиси Алишер Навоий асарларида جماعت - “жамоат” қуйидаги маъноларни беради: “1. кишилар йиғини, тўплами; 2.бирор муҳим ишни бажариш учун бир жойга тўпланган кишилар тўдаси”. “Қутадғу билиг”да “жамоат, мусулмонлар тўпланадиган жой” маъноларида учрайди:

Қыса тутса фасиқ йава бошлағыг
Толу тутса мазгад жамаъатларыг

(5439 байт)

Токи фосиқ, беҳуда бебошларни тургаб турсалар
Масжид ва жамоатларни тўкис тутсалар

قور - қур-лексемаси ДТС нинг 252 бетида бир қанча маъноларни англатади: “1.вақт, 2.давр, 3.ёш” каби. Г. Вамбери эса қуйидаги маъноларини кўрсатади:

“1. Белбоғ, белбоғ ўрнида ишлатиладиган катта рўмол;

2. Ўтов (юрт)ларнинг панжараларини мустаҳкамлайдиган жунли лента.

3. Боғлам, тасмабоғлам (пойафзалники);

4. вақт, давр, қарилик даври;

5.одамларнинг йиғилиши;

6.замондошлар;

7. ранг, мартаба, ҳурмат, даража, улуғ;

8. марта, маротиба”[107].

Қур сўзининг семантик хусусиятларини белголовчи қуйидаги сўзлар аҳамиятга моликдир: **қура-қурақ**; қырақ (бош. диал. Бhh.II156); кўрак (тат.диал.) -даш аффикси билан от **қурдаш** – тенгдош сўзлари ясалган. Шунингдек, **Қур** сўзидан бир неча равишдош ҳам ясалган. Масалан **–(у)н** аффикси қўшилиши билан -**қурун**>-кечқурун; -**ла** аффикси қўшилиши билан **қурла**(худди) каби[108].;

Навоий асарлари луғатининг 745 бетида قور **–қур** сўзининг ўрама белбоғ маъноси қайд этилган. “Қутадғу билиг” асарида “белбоғ, мартаба” тушунчасини ифодалаш учун ишлатилган:

Бу қурқа тапунса тэгиб эр бирәр

Улуғлуққа тэгнур йатыб арзу йэр

(3972 байт)

Яъни киши бу мартабалардан бирига эришиб хизмат қилса, улуғликка эришади, ётиб орзуларидан баҳраманд бўлади.

تور - Төр ДТСда қуйидаги маънолари кўрсатилган:

“1. ҳурматли жой;

---

[107] Vambery H. Cataische Sprachstudien enthaltend grammaticali- schen umriss, Chrestomatie und woorterbuch der Cagataischen Sprache. Leipzig, p. 316, 1867.

[108] Севортян Э.В. Этимологический словар тюркских языков: Общетюркский и межтюркские основы на букву “Қ”, -М.:, стр. 150-153, 2005.

2. қиймат”, маъно (580); Маҳмуд Кошғарий “Девони луғати турк” асарида том III Тошкент 1963 йил 221 бетида **төра** шаклида учрайди (Тошкент, 1963 йил, III том, 221 бет). У юртдаги ҳурматли жой, уйнинг тўри деган маъноларида изоҳланган. Навоий асарлари изоҳли луғатида تور - *тўр* “юқори, юқори ўрин”(620) “Қутадғу билиг”да уйнинг тўри, юқори, ҳурматли жой маъноларида келган:

Уруғ эдгу болса эр эдгү болур

Эр эдгү болуб өтрү төрке барур

(1925 байт)

Уруғи яхши бўлса уруғи яхши бўлади,

Киши яхши бўлса сўнг тўрга чиқади.

اوردو - *орду* бу лексеманинг маънолари ҳақида туркологияда турли хил мулоҳазалар мавжуд. Баъзи олимлар бу лексемани: орду >орда >орта –ўрта шаклида изоҳлашади. Турколог Рамстед ҳам шундай фикр билдирган[109]. Бу лексемани ҳовли, лагер, horda ёки orda, базан өrge\ord xarsi ховли, қаср, orda, ordu, orta марказ маъноларда келиши қайд этилган. Биринчи марта бу лексеманинг маънолари Томсен Стейннинг “Гадательная книга”асарида қайд этилган: 1. хоннинг қароргоҳи; 2. қаср, ўрда шаклида изоҳланган.

Маҳмуд Кошғарий “Девони луғат-ат турк” том I Тошкент 1963 йил 124 бетида бу сўз “орду” шаклида қайд қилинган. Унинг қуйидаги маънолари кўрсатилган: 1. Ер остидаги ҳайвонларнинг ини; 2.орду кант хонинг қароргоҳи бўлган шаҳар. ДТСда 1.хонинг резеденцияси; 3.ўрда; 4.қаср; маъноларда келган: *қан олурупан орду йапмиш*- хон тахтга ўтириб қаср қурдирди(370);

[109] Ramsted G.J. Kalmukisches Worterbuch. Helsinki, p. 540, 1935.

Алишер Навоийда **اوردو - ўрду** қарогоҳ (штаб); “қўшин”, “аскар лагери” маъноларини ифодалаган (720). ”Қутадғу билиг” да “хон қасри”, “хон қароргоҳи” маъносида қўлланилган:

Нэкү тэр эшитгил үч орду ханы
Ат эдгү тилэ эй өлүгли қан

(5452 байт)

Уч ўрду хони нима дейди эшитгин,
Эй ўлувчи, қани (энди) яхши от (қолдиришни) иста.

مولکت - мулкат араб тилидаги мулк отига от ясовчи - **т** қўшимчаси қўшилган бўлиб, “умумийлик” маъносини англатади. ДТСда бу сўз “мулк, давлат” маъносида изоҳланган(352). Бу лексема “Қутадғу билиг”да “пошшолик, беглик” маъносида ишлатилган:

Э дунйа жамалы улүглуққа көрк
Э мулкатқа нур эй йайыг қутқа өрк

(88бет)

Эй, дунё жамоли, улуғлик учун чирой,
Эй, подшоҳликка нур эй ўткинчи қут учун тизгин.

Навойида эса **مولکستانلك** –**мулкистонлик** шаклида ишлатилиб “подшоҳлик мулки” маъносыда қўланилган(412).

ایل - эл ушбу сўз айрим ёзма ёдгорликларда ҳукуматга, яъни давлатга нисбатан қўлланган. Айрим ёдгорликларда **эл** сўзининг семантикаси “эл, эллат, халқ” маъноларида қайд қилинган. “Қутадғу билиг” да **эл** сўзини эл (юрт), халқ ва давлат маъноларида ишлатилган. XI асрда араблар босқинига қадар туркий

элларда ҳукуматни **эл** деб аташган, бу вақтга келиб эса арабча ҳукуматни билдирувчи давлат лексемаси кенг қўланилган. Юсуф Хос Ҳожиб сўзини кам ишлатади.Унинг ўрнида **мулкат-беклик** сўзларини кенг қўллайди. **Турк эл** қўшма сўзи туркийлар мамлакати, яъни туркийлардан ташкил топган ягона элат, халқ деган маънони билдиради. Қадимда **турк будуни** шаклида қўлланган. “Қутадғу билиг”нинг С.Е.Малов таржималарида **эл** лексемаси бир жойда халқ бирлашмаси ва бошқа жойда мамлакат деб таржима қилинган. “Қутадғу билиг”да **эл** ва **будун** шаклари ҳам қўлланган:

Этə түр сүзə тур бу эл ишләрин

Будун инчкə тэггəй өзуң ма йарын

(5389 байт)

Бу эл ишларини яшнатиб, сузиб(яъни яхшилаб) тур,

Эртага (яъни келгуси кунларда) халқ ва сен ўзинг фароғатга етасан.

راولت -давлат Давлат сўзи X- XI асрларда ислом давлатларида “давлат, ҳукумат, мамлакат” маъносида ишлатилган. “Қутадғу билиг”да бу сўзнинг қуйидаги маънолари қайд этилган: “ҳукумат, давлат, мажозий маънода бахт, бойлик“:

Тута билсə давлат тозумас турур

Қалы тозса тэгмəс йана тəрк кэзиг (700 байт)

Яъни Тута билсанг, давлат тўзимайди, туриб қолади, агар тўзиб кетса, яна қайтиб келмайди, бот қочади.

2.3. Ижроия идоралари ва давлат хизматчиларини ифодаловчи лексика. Юқорида қайд этилганидек, туркий

давлатлар мураккаб бошқарувга эга бўлган. Идора ва давлат маҳкамаларида ҳар соҳа вакиллари хизмат қилишган. Маҳкама хизматчиларини ифодаловчи бир қанча лексемалар “Қутадғу билиг” да ўз аксини топган.

ایدی - **иди** бу лексема “хўжайин, эга” маъноларида илк марта Кул Тегин битиклрида учрайди. ДТСда ҳам бу маънолар қайд этилган: “1. хўжайин, эга; 2. бирон бир мулк эгаси; 3.хўжаин (худо ҳақида)” маъноларда изоҳланган (203). Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий асарларида бу маъноларни ифодалаш учун ***хожа*** сўзи ишлатилагн. У қуйидаги маъноларга эга: 1. бошлиқ; соҳиб, эга; уй эгаси, оила бошлиғи; 2. катта савдогар. маъноларида ишлатилган (658); “Қутадғу билиг” асарида бу лексема “хўжа, хўжайин ҳурматли, обрўли киши, жаноб, хўжайин мулкдор” маъноларида ишлатилган:

Улуғлуққа тэгсэ уқушсуз киши
Идиси башын йэр эй элчи башы

(3977 байт)

Заковатсиз киши улуғликка эришса
Хўжасининг бошини ейди, эй эл бошлилар

حاجیب- **ҳажиб** бу лексемаси ДТСда сарой лавозими маъносида изоҳланган. Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатдаги маънолари: “1.Дарвозабон, эшик қоровули; пардадор; 2.қош, ҳожиб бўлмоқ; ҳожибул-ҳужжоб-дарвозабонлар бошлиғи, эшик оғаси” (776). “Қутадғу билиг” да “дарвозабон, эшик оғаси” тушунчасини ифодалаган:

Тилəк бу элигкə тапунса өзүм

Йарағ кўрсә ҳажиб өтунсә сөзүм

(517 байт)

Тилагим шуки ўзим элигка хизмат қилсам,

Агар ҳожиб раво кўрса сўзларимни изҳор қилсам.

كوروكلى – **коругли** – **көр, гөр** лексемаси биринчи марта Кул тегин битикларида: *көрүр көзүм көрмаз тэг....болти*-менинг кўрар кўзларим.... худди кўрмайдиган бўлиб қолишди (КТб50). Маҳмуд Кошғарий “Девони луғот-ат турк” том II тошкент 1963 йил 8 бетида кўрмоқ маъносида: *ол мени көрди*- у мени кўрди. ДТСдаги маънолари: 1.кўрмоқ, кузатмоқ; 2.бўйсунмоқ; 3.эшитмоқ (317).“Қутадғу билиг” да от ясовчи с “-уг,–ли “ шакли феълга қўшилиб от ясаган ва “кузатувчи” деган маънода қўлланилган:

Бу иш қығучи эр қылур өз иши

Мун эрдәм билигли көрүгли киши

(1904 байт)

Яъни иш қилувчи киши ўз ишларини қилаверади, (унинг) яхши ёки ёмонлигини фақат кузатувчи билади.

ساقحى **-сақчы** сақ сўзиниг ЭСТЯда бир нечта маънолари келтирилган:

“1. эҳтиёткор; 2. кутмоқ, сабр; 3. ҳушёр; 4. доно; 5. тиниб тинчимас; 6. диққатли; 8. ишни тушунадиган, ақлли; 9. пост, қоровуллик; 10. бережливый, экономный; 2) 1. сақламоқ, қоровуллик қилмоқ; 2. кутмок; 3; хавотирланмоқ, ғамхорлик қилмоқ. Юқоридаги маънолардан “сақламоқ, қоровуллик қилмоқ” маънолари энг қадимий шакли ҳисобланади. От ясовчи аффикс – **чы** қўшилиши билан “қоровул, посбон” деган маъноси ҳосил бўлган. Бу лексема

ёзма ёдгорликларда кенг тарқалган **–ла** аффикси орқали отдан феъл ясалган: сақла- сақлаш. А. М. Щербак ***сақ***ни праформаси бўлмиш ***сак-*** ни –“эҳтиёткор, сақламоқ, ҳушёр» маъноларида тиклайди.[110] “Қутадғу билиг”да “посбон” маъносида келган.

Қылыч балду болды бу эл сақчысы
Қылычын алыр бэг будун башчысы

(2106байт)

Қилич ва ойболта- бу элнинг посбонидир,
Бег қилич билан элга бошлиқ бўлади.

Алишер Навоий асарларига тузилган луғатда посдор ва посбон лексемалари “соқчи”, “қоровул” маъноларида ишлатилган (512): *Бу муддат бўлунг посдорим менинг* “Садди Искандарий”.

بیتیکحی - ***битигчи***ДТСда “саркотиб (олий лавозим)” маъноси қайд қилинган (103). “Қутадғу Билиг”да “мактуб ёзувчи, саркотиб” маъноларида қайд этилган:

Битигчи ылымға болунса өзүң
Көңүл сирры ек тут чықарма сөзүң

(4043байт)

Ўзинг мактуб ёзувчи, саркотиб бўлсанг,
Кўнгил сирини қаттиқ тут, сўзингни чиқарма.

Маҳмуд Кошғарийда **бытыглыг эр бирикмасини** “ёзувни биладиган киши” деб изоҳлайди[111]. Алишер Навоийда مونشی - **мунший** сўзи “саройда ёзув ишларини олиб борувчи котиб, котиб,

---

110 Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –Л.:, 1970, стр**.,** 196.

111 Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ. Абураҳмонов, С.Муталибовлар таҳрири остида. –Т.:, 1967, 70 бет,

қўлёзмаларни оққа кўчирувчи, ҳусни хат билан китоб кўчирувчи, каллиграф” маъноларида қўлланилган.

اغيليق-***ағылық*** бу сўз биринчи марта уйғур битикларида учрайди[112]. учрайди. ДТС да “хазинахона, бойлик” маънолари қайд этилган (18). Алишер Навоий асарларида ушбу лексема ўрнида خزانء **-хазона** сўзи қўлланилган: **хазонаи хос**- “*подшоҳнинг хусусий хазинаси”,* **хазойин**- *“хазиналар сўзлари”* (645). Маҳмуд Кошғарийда **ағы** сўзи шоҳи мато маъносида қайд қилинган. “Қутадғу билиг”да **ағылық** сўзи “бойлик, хазина” маъноларини англатган:

Ағыллықа қылса ағычы сэни
Бүтүн чын болуб сэн йурығыл көни
(4042 байт)

Сени хазина хонага хазиначи қилса,
Сен ишончли, чин бўлиб тўғри юргин.

حاضينه -хазина ДТСда бу сўз “хазинахона, бойлик” маънолари кўрсатилган: *хазина ур-* хазинахонани тўлдирмоқ(637); Алишер Навоий асарларига тузилган луғатда حاظانه- **хазона**, **хазонаи хос**- “подшоҳнинг хусусий хазинаси”; **хазойин**- “хазиналар” шаклларида учрайди (645). “Қутадғу билиг”да “хазинахона, бойликларни сақловчи жой” маъноларини англатган:

Хазина урунса күмүш ҳам ағы
Йағи бойны йанчса кэтәрсә чоғи
(1892 байт)

[112] Müller F.W. Uigurica III Avadana- Bruchstucke (I-VIII).ДАРАW, № 2, 1922.

Яъни Кумуш ҳам жавоҳирлар билан хазинани тўлдирса, ёв бўйиниянчса, адоватга барҳам берса

اغیجی - ағычы ДТСда бу сўз “бойликни сақловчи, хазинабон”(17); Маҳмуд Қошғарий луғатида “ипак кийимларни сақловчи хазиначи”; Алишер Навойи асарлари изоҳли луғатида **تاھویلدار - таҳвилдор**, **خظیناخانه- хазинадор, خظاناسنج –хазонасанж** сўзлари билан **ағычы** сўзидан тушиниладиган маъно ифодаланган. “Қутадғу билиг”да “бойликни сақловчи, хазинабон, хазиначи, бойликларни сақловчи” маъносида келган:

Ағыллықа қылса ағычы сэни

Бүтүн чын болуб сэн йурығыл көни

(4042 байт)

Яъни Сени хазина хонага хазиначи қилса, сен ишончли, чин бўлиб тўғри юргин.

توشیکجی – **төшәкчи** бу сўз Маҳмуд Кошғарий “Девони луғати турк” Тошкент, 1963 йил 49 бетида **төшак**, ўрин; **төшаклык**- “тўшакка эга бўлган киши”, *йадиғлыг төша:к*- “тўшаладиган тўшак” бирикмалари келтирилган. “Қутадғу билиг”да “ёток бошлиғи, тўшакчи” маъноларида қўлланилган:

Бир анча йэмэ бар тақы ишчиләр

Төшэкчи йа қушчыйэмә ашчылар

(4045 байт)

Яна тағин бир қанча ишчилар бор,

Тўшакчи лочиндор ёки ишчилар.

قوشجی – **қушчы.** Қуш лексемасини ЭСТЯда қуйидаги маънолари берилган: “1. қуш ҳамма манбаларда (бал. Апп.,

шаум.,уйг. Диал. Мал.УНС, як халадж.доерф.-тез) 2. ҳажман катта бўлган қуш, овчи қуш, ёвойи қуш, бургут, овчи бургут, лочин; 3.товуқ; 4; ўрдак; 5. чумчуқ; 6. қанотли мавжудот, капалак; 7. қушлар орқали фол очмоқ, тақдир". Юқоридаги маънолардан фақатгина иккинчиси энг қадимги ҳисобланади. Кичрайтириш формасининг **-ғач** аффикси билан ишлатилиши: **қушғач-** "қушча" Маҳмуд Кошғарий луғатида келтирилган (ДТС 471-МҚ). Уйғур диалектида **қушқаш-** чумчуқ (Мал.УЯ 162). Маҳмуд Кошғарий "Девони"да **қуш** сўзи билан аниқланмиш сўзи билан бирикиб кўпгина қуш номини билдиради: *boz qus-* кречет; *el qus*-бургутга ўхшаган қуш; *urunn qus-* оққуш *qil qus*-ўрдаклар туридан бўлмиш қуш, *jun qus*-товус. ДТСда қуш овчиси, лочиндор (471); Алишер Навоийда قوشجی- **қушчи- "**қуш боқувчи, "қушларга қаровчи, овчи" маъноларида қайд этилган (747). "Қутадғу Билиг" да "қушчи, лочиндор, қуш овчиси" маъноларида қўлланилган:

Бир анча йэмэ бар тақы ишчилэр
Төшэкчи йа қушчыйэмэ ашчылар
(4045 байт)
Яна тағин бир қанча ишчилар бор,
Тўшакчи лочиндор ёки ишчилар.

ناسوتجی - *басутчы* ДТСда бу сўз "ҳомий, ёрдамчи ҳомий" деб изоҳланган (86); Маҳмуд Кошғарий луғатида "ёрдамчи, орқа суянчиқ, меҳрубон" маънолари акс этган. Алишер Навоий асарларида шу маънода бошқа сўзлар ишлатилган: **хидам-** "ходимлар, хизматкорлар"; **хидматкўш-** "ишларни бажарувчи"

(653); “Қутадғу билиг”да “ёрдам, ҳимоя, ҳомийлик, ҳомий, паноҳ” маъноларини англатган:

Сэниңдэк басутчи мэңэ бэрди рабб

Умар-мэн тиләсәм тиләк бэргә таб

(5495 байт)

Рабб сендек ёрдамчини менга ато қилди,

Истасам тилагимни беради, деб умид қиламан.

قاثوغ ناشلار - ***қапуғ башлар*** ДТСда бу бирикма “дарвозабон, қабулда бошчилик қиладиган, эшик оғаси” деб изоҳланган (421); Алишер Навоий асарларида **эшик оғоси**- “эшик саркори; “эшик, дарвоза соқчиларининг бошлиғи” маъносида келган (710). “Қутадғу Билиг”да “дарвозабон дарвозабонлар бошлиғи маънолари акс этган”

Қапуғ башлар эр кәд бағырсақ кэрәк

Таны жаны бирлә тапуғсақ кэрәк

(2490 байт)

Дарвозабонлар боши киши жуда меҳрли (бўлиши керак)

Тани ва жони билан хизматга берилган (бўлиши керак)

توغجی - **туғчы** ДТСда бу сўзнинг қуйидаги маънолари қайд этилган: “туғчи, доирачи, ноғорачи” (584). Маҳмуд Қошғарий асарлари индексида **туғ** - 1. чанг тўзон; 2.довул, ноғора; 3. хон ҳузурида чалинадиган ноғора ва довул маънолари келтирилган (289); “Қутадғу Билиг”да “тунда доира чаладиган қоровул” маъносида келган:

Ыдышчы, төшэкчи йана ашчықа

Түзү көз кэмишсә йэмә туғчыға.

(2518 байт)

Идишчи (соқий), тўшакчи яна ошчиларга,

Ҳамда туғчиларга доим кўз ташлаб турса.

ايديشجى – **Идышчы** бу сўз ёдгорликларда а:диш а:гдыш, а:дыш, адыс, едык шаклида учрайди. Энг қадимий шакли **а:гдыш** ҳисобланади (Usp264). вариантини айтса бўлади. Ибн Муханний **ийиш**. Бу сўзда **–й-**, **-д-** га ўтган. келади. Аммо бу формалар фақатгина айрим ёдгорликларда учрайди Ўзакдаги -и- унлиси ҳозирги туркий тилларда ва қадимий туркий ёдгорликларда учрайди. Шунинг учун -е- ўзакли формалари иккинчи ўринда туради[113]. “1. коса, 2.пиёла, 3.тара, 4.рўзғор буюми, 5. мулк, 6.сув ташишга мўлжалланган идиш”. **Идиш** сўзининг марказий ядроси биринчи ҳамда иккинчи маънолари ҳисобланади. Г. Вамбери **идиш** сўзини **itmek-** бажармоқ, бунёд қилмоқ билан боғлайди[114].К. Г. Менгес **идиш** сўзини қадимий грек тилидан ўзлашган сўз деб ҳисоблайди[115]. ДТС да бу сўз “соқий” маъносида изоҳланган (203). Махмуд Кошғарий луғатида ҳам “соқий” Алишер Навоий асарларида ушбу маънони ифодалашш учун **бодаппаймо, бодапаймой** – “май ичувчи сўзлари ишлатилагн. “Қутадғу билиг” да соқий маъносида келаган:

Ыдышчы, төшэкчи йана ашчықа

*Түзү көз кэмишсә йэмә **туғчы**ға*

---

113 Radloff W. Die alturrkischen inschriften der Mongolei. Neue Folge. SPb. p.1897.

114 Vambery H. Etymologische Sprachdenkmaler. Leningrad, p. 36, 1928.

115 Menges K.H. Glossar zu den volkskundlichen texten aus Ost- Turkistan, geistes- und Sozialwissenschaftlichen kI., Jahr. N14,1954,.

(2518 байт)

Идишчи (соқий), тўшакчи яна ошчиларга,

Ҳамда туғчиларга доим кўз ташлаб турса.

تاثوغجی - **тапуғчы** бу сўз хизмат қилмоқ маъносида илк бор энасой ёдгорликларида учрайди (Чаў-Холь I). Уйғур ёдгорликларида **тапығчи** шакли да *учрайди* (UigII229(4). Маҳмуд Кошғарий луғатида бўй сунмоқ, таъзим қилмоқ маънолари қайд қилинган *қул таңрига тапды* -қул тангрига таъзим қилди. **Тапағ удуғ** жуфт сўзи ДТСда ҳурмат қилмоқ, хизмат, қилмоқ, таъзим қилмоқ маъноларида кўрсатилзоҳланган. **Тапағчы** шакли эса (ТТХ 249да) эса “хизматчи” маъносини англатади. “Қутадғу билиг”да **тапуғ** сўзининг бир неча хил шакли учрайди **тапуғлуғ**- *“*хизмат кўрсатган”, *тапуғлуғ теса мен өзүң тапғы*- **, тапуғсақ**- “хизматгор хизмат қиладиган итоаткор”,*тапуғчы бэгиңа тапуғсақ керак*- “хизматчи бегига итоаткор бўлиши керак”, **тапуғсақлиқ** – “хизмат қилишга тайёр турмоқ”, **тапуғчы**-“хизматчи”:

Тапуғда йурығлы умынчқа йурыр

Тапуғчы умынч кэссә турмас барыр

(812 байт)

Хизматда юрувчи умид билан юради,

Хизматчи умид узса, турмайди кетади.

حان سالار – **хан салар** ДТСда бу бирикма “бош дастурхончи, хон солор” маъноларида келган(636). Алишер Навоий асарлари луғатида “подшоҳ ҳузурида овқат тортиш ишларини бошқарувчи” (661). “Қутадғу Билиг”да **хон солор** сўзига **аш башчы** сўзи ҳам семантик жиҳатдан синоним сифатида ишлатилган. У

“дастурхончи, подшоҳ ҳузурида овқат тортиш ишларини бошқарувчи” деган маъноларни ифода этган:

Өгдулмш элигкә аш башчы хан салар нэкү тэг кэр әкин айур

(450бет)

Ўгдилмиш элликкка ош бошчи-хон солор қандай бўлишини айтур

وزير – **вазир** бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, қуйидаги шаклларда таллафуз қилинади vazir, vizir, vasir, wazir, весир, ёки везир. Мусулмон мамлакатларида энг юқори лавозим, сиёсий маслаҳатчи Аббосийлар ҳалифалигида **вазир** сўзини аваллари котиб, кейинчалик вазир даражасига етишган инсонга нисбатан ишлатишган. 1562 йили инглиз тилига араб тилидан “ўринбосар” маъносини берувчи **везир** кириб келган. **Вазир** сўзини икки хил этимологияси бор: 1. В-З-Р семиотик ўзакдан келиб чиққан, азара (ёрдам бермоқ) феълидан яясалган. 2. Ўрта аср форс ҳукмдорлари паҳлави тилида **висир** сўзини қонуний ҳужжат, қарор маъносида ишлатишган. Форсларга Авестодан қарор, буйруқ or судья маъносини берувчи ***вичира*** сўзидан ўзлашган. Бу сўз лотин тилидаги vicarius сўзи билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги пайтда **вазир** лексемаси Араб, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон давлатларида кенг қўлланилади. ДТСда маслаҳатчи, вазир маъносида ишлатилган. Алишер Навоий асрлари изо=ли луғатида **وزير- вазир** “шоҳ саройида биринчи мансаб”. “Қутадғу билиг”да “маслаҳатчи, ҳукмдорнинг ўринбосари” маъноси қайд этилган:

Учүнчы кәд өдрүм кэрәк бу вазир

Будунқа неку тегсә бундан тегәры

(5219 байт)

Учинчиси- вазир, (у) жуда сара бўлиши керак,

Чунки халққа нима етса ундан етади.

امارت - амарат Алишер Навоий асарлари луғатида **аморат**-امارت “амирлик амирга қарашли, амр этиш, ҳукмронлик” маъносини англатади. “Қутадғу Билиг”да мулкат сўзи билан синоним бўлиб подшоҳлик, беглик, мамлакат маъноларида қўлланган:

Бу тартыб ва шарты амарат үзә.

(55бет)

Мулк учун барча тартиб ва шартлари

2.4. Ҳарбий тизимга алокадор сўзлар

Ҳар бир халқ тилида турли хил лексик гуруҳлар мавжуд. Уларда турли реалиялар кенг тарқалган. Шундай кенг тарқалган тил гуруҳларидан бири бу ҳарбий лексика. Ҳарбий лесика- турли ҳарбий тушунчалар ифодалайдиган, махсус соҳада ва умумхалқ томонидан ишлатиладиган лексик системалар воситаси ҳисобланади. У техника, фан лексик тармоқлари сингари тилнинг периферик лексик таркибини ташкил қилади. Ҳарбий лексика тилнинг ижтимоий лексикаси билан кўпроқ алоқаси бор. Ҳарбий тизимдаги сўзларнинг кенг тарқалиши ва ишлатилишини шундай изоҳлаш мумкин: чегараларни забт этиш, ўз чегарасини ҳимоя қилиш мақсадида тез- тез содир бўлган урушлар кенг жамоатчиликни жалб этишни талаб қилган. Халқда ҳарбий тушунчалар билан танишишга зарурат пайдо бўлган. Туркий

тилларда ҳарбий лексиканинг шаклланиши, бойиши кўп асрлар давомида вужудга келган. Айрим туркий тилларнинг- турк, қозоқ, туркман, эски ўзбек тили, қирғиз, азарбожон, башқир каби тилларнинг ҳарбий лексикаси Яковлев 1969, Байжанов 1973, Гараджаев 1978, Дадабаев 1981, Бейбутова 1988, Багышов 1990, Багаутдинова 2001, каби олимлар томонидан ўрганилган.

اتيم – **атым ат a: ad. Б**у сўз adiyzi (Joki W5) сўзидан олинган бўлиб, овчи, мерган маъноларини беради. Унлининг чўзиқлиги туркий тилларда анча олдин йуқолиб кетган. Фақат айрим диалектларда сақланиб қолган. **Ат** феъли маънолари: “ташламоқ, улоқтирмоқ. 2. отмоқ”. **Атым** сўзи **ат** феълидан (а)м суффикси орқали ясалган. У турк, азарбайжон, ўзбек, уйғур, қозоқ тилларида “отмоқ (яъни ўқ отмоқ), сакрамоқ” деб изоҳланган. Маҳмуд Кошғарий уни “мерган” деб изоҳлайди: *атым эр*- “ўқ отишга уста одам”, ДТСда ва “Қутадғу Билиг”да мерган маъноларини берилган:

Қылыч урсу ачсусэңэ кэнд улуш
Қалы алп атым эрсә бергил кумуш яъни

(5402байт)

Агар пахлавон мерган бўлса кумуш бергин,
Қилич урсин, сенга шаҳар қишлоқларнинг эшигини очсин.

قيليج - кылыч бу сўзнинг биринчи бўғинидаги унлиси жуда қисқа. Шу сабабли айрим манбаларда ***клыч*** шаклида ҳам ёзилган.[116]. ЭСТЯ да қуйидаги маънолари ишлатилаган: 1. “қилич,

[116] Мохир М.В. Кумыкско-русский словарь «Сборник материалов для описания местностей и племен

шамшир; 2. амочнинг пичоғи; 3. тахтали пичоғча". Б. Мункачи (Doerf. III № 1510) туркий kĭlĭč қад. ҳиндий kuliça- болта сўзидан келиб чиққан деган тахминни билдиради. Г.Дёрфер (Doerf.Ук. соч.) бундай яқинликни фонетик ва семантик томондан қабул қилиш мумкин эмаслигига эътибор қаратган. Туркий **қылыч** сўзининг этимологияси К. Брокельман томонидан шундай изоҳланган: **қыл – соч+х килич**[117]**.** А. Зайнчковский (Зай. 22:<*kyly ўткир). Г.Рамстед(Рам.143) қылыч сўзини қозоқча қыл-п- жуда ўткир ва Мўғулча kilagu, халх.χialu ўткир сўзлари билан боғлайди. Айрим тадқиқотчиларнинг (joki LS 154) ёзишчаа **қылыч** сўзининг этимологиясида Г. Рамстеднинг этимологияси нотўғри. Аммо туркий тилларда шундай лексемалар мавжудки улар **қылыч** сўзини туркий асосга эга эканлигин исботлайди: **қыл**-ўткир, **қыл**-соч,: **қылағы-** ўткир; қылан- ўткир. "Кутадгу билиг"да ҳарбий қурол "қилич" маъносида келган:

Бу эккин этүмәсә қодғыл билиг
Қылычқа тегургил сэн өтрү әлиг

(219байт)

Яъни бу иккиси билан иш битира олмасанг, билимни қўйгин, сўнг сен қилична қўл тегизгин (яъни қилични ишга солгин).

Ҳарбий тизимга алоқадор сўзлар орасида "аскар" маъносидаги **эрәт** лексемаси мавжуд. **Эрәт** лексемасининг ўзаги **эр**, **а:р** унинг маънолари: "1. эр,эркак. 2.қаҳрамон қўрқмас. 3. жангчи, аскар. 4. кўчма маънода куч, қудрат, мардлик, мустаҳкамлик. 5.эркак, эр. 6.

Кавказа», вып.XVII. Тифлис, стр.75, 1893.

[117] Brockelman C. Ostturrische Grammatik der Islamicshen Literatursprachen Mittelasiens. Leiden, p.24,1954.

улғайган одам, ёш одам, уйланмаган одам. 7.жаноб. 8.одам, озод одам, 8. хизмат”.

Келтирилган мисоллардан фақатгина биринчи,иккинчи ва бешинчилари маъно жиҳатдан тўғри. Чунки ушбу маънолар **эр** сўзининг семантик ядросини ташкил қилади. М. Рясэнен ўзининг этимологик луғатида **э: р** ни **hara** сўзи билан боғлайди. Унинг фикрича **эрэт** сўзининг келиб чиқиши айнан шу сўз билан боғлиқ. Қолаверса А. Зайнчковский, М. Рясенен ҳам **эр** сўзини ўз асарларида кўриб чиқишган. **Эрэт** лексемаси Алишер Навоий ааларида учрамайди. Унинг ўрнига шу маънони берувчи ***сипаҳ// сипоҳ, аскар, навкар*** лексемалари қўлланилган. “Мулку мол мушорун илайҳи ва сипоҳси ва черик муътаммадун. Алайҳи улдур”[118].

“Кутадгу билиг” да аскар маъносида қўлланган:

Эрәтни сэвиндүр хазина улә
Улардын өзүңгә миң арзу тилә

(5365байт)

Аскар(лар)ни севинтир Хазина улаш,
Улардан ўзинга минг-минг орзу(лар)тила.

جيريك - черик Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида “уруш, жанг” маъноларида ишлатилган: *алп черигда билга тиригда*- “баҳодир жангда, доно ҳаётда” (МҚ 195). “Мажолис ун нафоис” ва “Қутадғу билиг” да “лашкар, қўшин” маъноларида ишлатилган:

Йүрәксиз кишиләр чэрик артатур
Чэрик артаса ар эриг артатур

[118] Навоий асарлари луғати Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:, 168 бет,1972.

(2248байт)

Юраксиз кишлар лашкарни бузади,

Лашкар бузилса ,жасур мардларни бузади

اوق یایجی - оқ йайчи. Бу жуфт сўз “Қутадғу билиг”да “ўқ- ёй ясайдиган уста, ўқ ёйчи”, деган маъноларда ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий “Девони”да **оқ жилан** яъни “ўқ илон”, Кул Тегин битикларида **оқ ур** – “ўқ отмоқ” маъноларида келган. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун нафоис”ида эса “мерганлик” маъносини ифодалаш учун қуйидаги сўзлардан фойдаланилган: **тирандозлик, ёй кучи ва ўқ отар, (камонбозлик) отар- тутар(мерганлик)**. *Ёй кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона*[119].

Атым эрсиг эрсә болур оқ йайчы

Көни болса қылқы болур тамғачы

(3951байт)

Мерган довюрак бўлса, ўқ ёйчи бўлади,

Хулқи тўғри бўлса муҳрдор бўлади.

اجون توتغوجی - **ажун тутғучи** бу сўз суғд тилидан туркий тилга ўзлашган. У олам, дунё, жаҳон маъноларини беради. **Азун** сўзи биринчи марта Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ” достоныда ишлатилган: *азун толды удван Ҙафа Ҙавр билä* - дунё курашлар, ноҳақликларга тўла (Юг В 393). Маҳмуд Кошғарий “Девони”да “ер, олам, дунё”: *азун түни күндүзи йелкин кечäр*- ерда туну кун худди бир йўлда кетаётгандай. (МҚ III 288) “Қутадғу Билиг”да **ажун тутғучи** бирикмаси жаҳонгир маъносида келган:

---

119 Исақова З. М. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика ф. ф. н. олиш учун тақдим этилган диссертация . –Т.:, 171 бет, 2010.

Ажун тутғучы эр уқушлуғ кэрәк

Будун басғучықа кэрәк өг йүрәк

(3921байт)

Жаҳонгир киши заковатли(бўлиши) керак,

Халқни босувчига заковат, шижоат керак.

Ажун тутғучи жуфт сўзи билан бир қаторда **ажунчы** лексемаси ҳам ишлатилган:

Қалын сү эдиси ажунчы қаны

Сүси қодты болды қара йэр саны

(6204 байт)

Беҳисоб лашкар эгаси бўлмиш жаҳангир қани,

Лашкарини қолдирди қора ер билан тенг бўлди.

ایفی ایغ - ***йағи-йағ-сағ-саг-йав-йов-жав-зав-йағы-йеғи йығы-йағы-йағыт-йағық-уруш.*** Биринчи рубрикадаги шаклларнинг фонетик ўзгаришлари қоидага мос келади. Кўпгина туркий тиллар ва диалектлардаги **аг-агы** комплексининг трансформацияси **ағ, ав, ов, ув,/у: ағы, ығ; ағы-а:** шаклида берилган. Туркий тилдаги **йов-йағ-йовуқ-яқин, ҳамда йовуз (йабуз)**-ёвуз ушбу сўзларда **йоғ** сўзидагидан фарқли ўлароқ ауслаутда **ғ** сақланмаган. **Йав** ва **йағ** турли хронологик ёки ареал қатламларига тегишли. Туркий **йав** – душман, **йағ**-ёғ сўзларидаги ундошнинг квантети таъсир кўрсатаётган бўлса керак. ***Йағ***ы лексемасиниг қуйидаги маънолари мавжуд: “1. уруш.2. жанг, 3. қўшин, 4. бегона.5. жанжаллашмоқ, жанжалли муносабатда бўлмоқ”; Юқорида кўрсатилган маънолардан энг қадимгиси бу тўртинчиси бўлса керак. Чунки бу сўз ***йат- йағ***ы бегона душман (ДТС 247) жуфт сўзида ўз аксини

топган. **Йағ** сўзи одатда олимлар томонидан ҳеч қандай қисмларга бўлинмайди[120]. Бу сўз ареал жиҳатдан фақат жанубий- ғарбий ва жанубий- шарқий гуруҳларида учрайди.(турк йов ва ***йағ***ы, уйғ. йав ва йеғи). **Йав** ва **йағы** семантик ёки стилистик жиҳатдан дифференциялашган. **Йағы** сўзи VIII аср ёдгорликларида учрайди. **Йав** сўзи эса фақатгина XIV аср ёдгорликларда учрайди[121.]. Мўғул тилидаги дағын билан туркий Мўғул тилидан ўзлашган **йағын** сўзини қиёслаш мумкин. ***Йа***: асосининг семантик структурасини кўриб чиқамиз. Йа:> яқин> қўшничилик// ўзиники бўлмаган>бегона>душманчилик. Маҳмуд Кошғарий "Девони"да **йағы**-"душман", ДТСда **йағы** "душман" ***йағычи-жангчи;*** Алишер Навоий асрларида айнан ушбу сўз учрамайди. "ёв" маъносини ифодалаш учун **душман** лексемаси ишлатилган. "Кутадғу билиг"да ҳам "душман, ёв" маъноларида ишлатилган:

Йағыда йурәклиг сэрингү кэрәк

Йағы ат кэмишсә тиреңгү кэрәк

(2249байт)

Урушда жасурлар сабр- матонатли бўлшлари керак

Ёв от солиб келганда маҳкам туриб даф қилиши керак

Йағы лексемасига от ясовчи аффикс –чы қўшилиши билан **йағычи-жангчи** оти ясалган:

Сынамыш йағычы кишиг таңламас

Ўн экки миң эр су окуш сү тәмэс

---

120 Rasanen M. Versuch eines etymologischen Worterbuchs der Turksprachen. Helsinki, p. 178,1969. Clauson g/ the earliest Turkish loan words in Mongolian-CFJ, IV,N3, 898ab, 1959.

121 Zajaczkowski A. Manuel arabe de la langua des Kiptchaks (epoque de l'Etat Mamelouk) Warszawa, p. 125, 1938.

(2298 байт)

Синаган жангчи киши (сони) га ҳайрон қолмайди

Ўн икки минг кишилик лашкарни кўп лашкар демайди.

دوشمن - душман достонда асл туркий бўлган ***йағы*** лексемаси билан бир қаторда форс тилига мансуб **душман** сўзи ҳам ишлатилган. Аммо **йағы** сўзи “Қутадғу билиг”да фаолроқ ишлатиган.

Бу йаңлиғ сү башчы бу сү башчысы

әлиг булға душман үзә ишлэсә

(2294байт)

Бу янглиғ лашкарбоши лашкар бошласа,

Душманга ҳужум қилса, қўли баланд келади.

سو - су бу лексемаси биринчи марта Кул Тегин битикларида учрайди: *Суг анда жөқышдымыз*- ўша лашкар қайсиким биз йўқ қилдик (КТ32). ДТСда “лашкар” маъносида акс этган. Маҳмуд Кошғарий “Девони”да “лашкар, аскар”. “Қутадғу Билиг”да “қўшин, лашкар” маъноларида қўлланилган:

Бу эл тутғуқа көр эрәт су кэрәк

Эрәт тутғуқа нең тавар тү кэрәк

(2023 байт)

Элларни олиш учун кўп лашкар қўшин керак,

Лашкарни сақлаш учун эса беҳисоб нарса мол дунё керак.

سو باشی - сү баши Алишер Навоий асрлари луғатида лашкарбоши “лашкаркаш” сўзи орқали ифодаланган. Ушбу жуфт

сўз “Қутадғу билиг”да икки от сўз туркумига оид бўлган сўзлар билан ясалган. У “қўшин бошлиғи , қўмондон” маъноларида қўлланилган:

Йағықа қалы йортса сү башлар эр

Йақын тутғу өзкә йағқғ ишләр эр

(2305байт)

Лашкар бошлар киши агар ёви устига (жангга) отланса,

Ёвни урувчи киши(лар)ни ўзига яқин тутиши керак.

ايسفسه – **исфаҳса** бу сўз ҳам **сү баши** сўзига синоним. Лекин **исфаҳса** сўзига нисбатан **сү баши** сўзи “Қутадғу билиг”да анча фаол қўлланилган:

Исфаҳсалар нэкү тэг кэрикин айур.

(60бет)

Лашкарбошилар қандай бўлишин айтади.

يزاك - йэзәк-. Маҳмуд Кошғарий “Девони”да “айғоқчи” *йезәк қамуғ йериг йэзади-* айғоқчи ҳамма жойларни кўриб чиқди (МҚIII 88). “Қутадғу билиг” да “айғоқчи, пистирма” маъноларида ишлатилган:

Йэзәк ҳам тэлим йэтсэ тутғақ кэтиб.

Йағық сығу эрсә уру сақыныб

(2307 байт)

Айғоқчи саф олдинга кетиб, илғор саф ҳам анча етиб қолганда,

Зарба бериб ёвни синдириш имкони туғилиб қолса.

اور – **ур** ЭСТЯ да берилишиша ур сўзининг қуйидаги маънолари мавжуд: “1. урмоқ зарба бермоқ; 2. ўлдирмоқ; 3. ташламоқ; 4. класть располагать; 5. насыпать; 6. приставлять, накладивать; 7. сөружать, воздвигать; 8. тошда ёзув ўймоқ; 9. иттармоқ, улоқтирмоқ; 10. атамоқ (номлаш, исм ё қонунни) 11. синдирмоқ, чопмоқ, душманни синдирмоқ”. **Ур** феъли юқорида кўрсатилган маънолардан ташқари яна бошқа маъноларни англатади масалан: “юкламоқ, мустаҳкамламоқ, кийишга мажбур қилмоқ, муносабатда бўлмоқ, ўғирламоқ, тегишли бўлмоқ, тушмоқ”. Чуваш шевасида эса “кўз тегиши, жоду қилмоқ, сотмоқ, қулидан тортиб олмоқ” маъноларини англатади[122]. Вамбери Г.қуйидаги **ур-** феъли билан қуйидаги феълларни гомоген ҳисоблаган: **вур-**, ва чуваш диалектидаги **ур**, **урма-** тошма**, урук-** қочиш, **урута-** қариндош бўлмоқ, **орам-** шаҳар квартали, **уру-** айлана. Лекин бу тахмин ўз исботини топмаган[123]. **Ур** феъли Маҳмуд Қошғарий “Девони”да “зарба, урмоқ” *ол ани урди-* у уни урди (МҚ I 333). “Қутадғу билиг” да “зарба бермоқ, урмоқ” маъноларида келган.

Йэзәк ҳам тэлим йэтсэ тутғақ кэтиб.

Йағығ сығу болса уру сақыныб

(2307 байт)

Айғоқчи саф олдинга кетиб, илғор саф ҳам анча етиб қолганда,

Зарба бериб ёвни синдириш имкони туғилиб қолса.

---

[122] Севортян Э. В.Этимологический словар тюркских языков общетюркские и межтюркские основы на гласные издательство наука Москва, стр.598,1974.

[123] Vambery H. Cataische Sprachstudien enthaltend grammaticalischen umriss, Chrestomatie und worterbuch der Cagataischen Sprache. Leipzig, p. 33, 1867.

ايرتوغ- йортуғ Маҳмуд Кошғарий “Девони”да “қўриқлаш отряди: *сусин эртсее йапса-та йортуғ түзүп*- қўриқлаш отрядини тартибга келтириб қўшинни тайёрлаш лозим маъноси қайд қилингқн (МК III 42). “Қутадғу билиг”да “қароргоҳ, қўриқлаш отряди” маъноларида ишлатилган:

Түшүн билсе йортуғ түзә билсә кэд

Эрәт тутса сақчы удуғ турса кэд

(2309 байт)

Қарогоҳ (танлай) билса, соқчи саф тузишга моҳир бўлса

Мардлардан соқчи тутса, ниҳоятда ҳушёр турса.

بيرك ييرى - берк йери, берк сўзи биринчи марта С.Е. Малов томонидан 1910 йилда топилган Altun Jaruq (Олтин Нур) ёдгорлигида “мустаҳкам” маъносида учрайди: **берк камыш-** “мустаҳкам қамиш”. Маҳмуд Кошғарий уни **берк** “мустаҳкам” маъносида ишлатагн. **Берк йери** эса “дахлсиз ер маъносини англатади. “Қутадғу билиг” да “дахлсиз ер, мустаҳкам ер” маъноларида қўлланилган:

Түшүрсә тутуғ кэд көрүб бэрк йэри.

Йырақ ыдмаса тыдса ығса эри

(384 байт)

Мустаҳкам ерни кўриб кўплаб қисм (бўлинмаларни) туширса, Бирорта кишини ҳам узоқлаштирмаса, тийса, йиғса.

Алишер Навоий асарлари луғатида **берк** сўзининг маънолари кўрсатилган: “1.қатиқ, мустаҳкам, пишиқ: *ашҳабнинг тувоғи берк*, *лекин темурға ўхшатғондек ўзин ҳам берк экан жиҳатдан “Тумур*

бўз” дебтур (109). 2. яширин, махфий, хилват, *берк ер*- хилват жой:”

Машъуф ўлубон бу нуқта дерга,

*Чектилар улусни берк ерга.(*Лайли ва Мажнун)

Анинг ишқин берик тут (Маҳбуб ул Қулуб)

(110)

تينك - тың ДТС да бу сўзи “тингламоқ, қулоқ солмоқ, маълумот” маънолари қайд этилган. **Тың** “товуш, шовқин” маъноларида учрайди (ТТ I 97). Иккинчи маъноси “эшитмоқ, мажлис” (Suv 432 6). Уйғур битикларида “**тыңчы**” айғоғчи сўзи учрайди (Uig 2 78). Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам “эшитмоқ” маъносида ишлатилган: *меңа сөз тиңлаты*-мени эшитишга мажбур қилди (МҚ II 359). “Қутадғу билиг”да **тыңла** “тингламоқ, қулоқ солмоқ, маълумот” маъноларида келган:

Агар тыңласа өтрү этсә ишин

Йағы бойны йанчса кэтәрсә башын

(384байт)

Агар(тилни тингласа)(яъни ундан маълумот олса), сўнг ишга киришса,

Ёв бўйнини янчса, бошини мажақлаб йўқ қилса.

تالوم - толум ДТСда бу сўзнинг “қурол аслаҳа” маъноси қайд этилган. Маҳмуд Кошғарий луғатида **толумлан** “қуролланмоқ” деб изоҳланган: *эр толумланды*- эркак қуроланди (МҚ II 266). “Қутадғу билиг”да “қурол, аслаҳа” маъноларини ифодалаган. У жуфт сўз таркибида ҳам келган: *тон толум*- “қурол аслаҳа”:

Йағы санчғуқа тутғу экки толум

Бу экки толумдын йағығ йэр олум

(2319 байт)

Ёвни енгишга икки (турли) қурол-аслаҳа ишлатиш керак,

Бу икки қурол-аслаҳадан ёвни ўлим ейди.

حيله - ҳийла бу сўз араб тилидан олинган бўлиб ДТСда “ҳийла найранг, чаққонлик, ёлғон” маъноларида келган.“Қутадғубилиг” дан бошқа ёзма манбаларда учрамайди. “Қутадғу билиг”да ҳийла, найранг маъноларида ишлатилган:

Эң ашну йағықа кэрэк ҳийла ал

Бу ҳийла билэ қыл йағы меңзи ал

(2320 байт)

Энг аввал ёвга(нисбатан)ҳийла найранг(ишлатиш)керак,

Бу ҳийла билан ёв бўйнини қизил (қон) қил.

توقيش -тоқыш Маҳмуд Кошғарий луғатда қайд этган маънолари: “1. уруш, жанг, кураш”: *тоқыш ичра урыштым*-мен урушда курашдим (МҚ 1 368). 2. “курашмоқ”: *қамуғ толмун тоқиштилар*-улар қуролларнинг ҳамма турлари билан курашдилар. (МҚ I 359). “Қутадғу билиг”да “жанг, уруш” маъноларида ишлатилган:

Йағын сү тэлим т утса азрақ сэниң

Тоқышқа эвимак йарағ көр аңың

(2323 байт)

Ёвинг кўп лашкар тутса, сеники оз(бўлса),

Унинг жангга ташланишини мувофиқ кўр.

ثوسوغ - пусуғ бу лексема биринчи марта Маҳмуд Кошғарий “Девони”да “пистирма” маъносида учрайди: *черигда бир анча пусуғ көгур-* қўшининг бир қисмини пистирмага юбор (МҚ I 372). “Қутадғу билиг” да ҳам “пистирма” маъносида келган:

Чэрикдә бир анча пусуғ кэкур
Йадағ оқчы түшрүб сэн оңдүн йүгүр
(2334 байт)

Қўшиндан бир қисмини пистирмага кирит,
Пиёда ўқчилар тушриб сен олдинда югуриб(бор).

يداغ اوكجى -йадағ окчы йадағ лексемасини ЭСТЯда бир неча шаклари кўрсатилган **jадаг, jаδаγ, йазағ, йайағ, чадағ, чазах, jадак, йайақ, йайа. Йада**- “пиёда” сўзининг иккита этимологияси мавжуд. Бири Ф.Е. Корш томонидан асос солинган бўлиб у туркий йадағ сўзини форс тилидаги **piyadag**-“пиёда” сўзи билан боғлайди. Олимнинг ёзишича **piyadag** сўзи туркий тилга ўтганда ўзининг бошланишидаги **pi> bi** элементини худди **yaban <biyaban** “саҳро, биёбон” сўзлари каби йуқотган (Korsch TE 199- 200). Бу фикрни К. Брокельман, М. Рясэнен, Г. Дёрфер каби олимлар ҳам тасдиқлашган.[124] Туркий тиллардаги ўзлашмаларни таҳлил қилишда маданий тарихий жиҳатларига эътибор қаратишган. Иккинчи этимология олтой тиллари маълумотлари асосига қурилган. Туркий **йадағ** билан Мўғулча **jada**- “қила олмаслик, бирон бир ишни қилишда шароити бўлмаслик” бир ўзакдан келиб

[124] Brockelman C. Mittelturkischer Wortschats nach Mahmud al Kashgaris Divan lugat at- Tturk? Budapesht? p. 71, 1969. Rasanen M.Versuch eines etymoloischen Worterbuchs der Turksprachen. Helsenki, 1969. 177a. Doerfer G Turkische und mongolische Elemente im Nuepersischenen…, Bd .I. mongolische elemente im 403.

чиққан бўлиб у **jada--u** “бечора, камбағал” маъносини англатади.[125] Энди **бечора** ва **пиёда** лексемаларининг семантик алоқасига оид фикрга тўхталамиз. Туркийлар ҳаётида от муҳим ўрин эгаллаган. От сотиб ололмаган киши бечора ҳисобланган. Қаранг, қир. **жө** – пиёда, отсиз, бечора, **jajy** пиёда-оти бўлмаган, (Верб. 69), *Пістің калыгыбыс јоныбыста* ***јазак*** *парган кіжі јок ползын,* яъни бизнинг халқимиз орасида пиёда киши бўлмасин (Верб. 67). Поппенинг фикрича **йадағ** туркий шаклининг гипотетик феъл бўлмиш **уаδа** “юрмоқ, пиёда юрмоқ” сўзидан ясалган. (Поп. ЧЯ 1925, 25) Маҳмуд Кошғарий луғатида “пиёда” маъносида учрайди: *йадағ сүсин экинти күн-* мен кўп миқдордаги пиёда қўшинни иккинчи кунда йўқ қилдим (МК III 28). “Қутадғу билиг”да **окчы** сўзи билан бирикиб “пиёда ўқчи” маъносида қўлланилган:

Чэрикдә бир анча пусуғқа кэкур
Йадағ оқчы түшрүб сэн оңдүн йүгүр

(2334 байт)

Қўшиндан бир қисмини пистирмага кирит,
Пиёда ўқчилар тушриб сен олдинда югуриб(бор).

سونکو - суңү Севортян бу сўзнинг қуйидаги маъноларини кўрсатади: “1. найза; 2. Қилич, шамшир; 3. учи темирли узун таёқ; 4.ниш.[126]

А. Зайнчковский **суңү** сўзининг этимологиясини қуйидагича белгилайди: ушбу сўз асосида **uuss** –“урушмоқ” феъли ётади. **sook** “сўкмоқ” сўзини ҳам бу гуруҳга киритади.[127] Лекин бу изоҳ

---

[125] Ramsted G.J. Kalmisches Worterbuch. Helsinki,. 213b; p.32- 154 1935.

[126] Этимологический словар тюркских языков общетюркские и межтюркские основы на буквы «Л» «М», «Н», П», «С» -М.:, стр. 231,2000г.

[127] .Zajaczkowski A. Sufiksy imienne i crasownikowe w jeziku zachodnio-karaimskim(przyczynek do

нотўғри, чунки **суңү** сўзининг ўзаги **суң**, **сөң** эмас. **Суң** феъли асосида қуйидаги феъллар ясалган: **суңүш-** (ДТС 517, Мал. ПМК 102, Ork.102, БСЦ 116), **суңүс-** (Мал. 423, Мал. ПМК 102, Ork.102,) **суңгү** (С1 834b). Юқорида кўрсатилган барча манбаларда унинг маъноси “курашмоқ” кўрсатилган. Маҳмуд Кошғарийда “найза”: *суңү башағланды-* найза учига темир ўтқазишди. “Қутадғу билиг”да ҳам найза маъносида қўлланилган:

Йағуса сүңүн бэрсә бойун.

Түшинчә тегишгү кэмишсә уры

اود -уд ДТСда бу сўз “таъқиб қилмоқ” маъносида изоҳланган: *бен селанга кеча уду јурыдым-* мен сленгадан ўтиб изидан бордим (МЧ 16). “Қутадғу билиг”да “таъқиб қилмоқ, кузатмоқ” маънолари да ишлатилган:

Йақы тэбрәсә сэн уду тэбрәгил

Этэ уд адақын йуры турмағыл

(2351байт)

Ёв (жойидан) силжиса, сен ҳамкетидан силжигин,

Таъқиб этиб изидан бор,(қараб) турмагин.

ایریق – йарық Дж. Клосонинг таъкидлашича бу “совут ва қалқони умумий номи” маъносидаги бу сўзнинг аниқ этимологияси йўқ (С1 964ab). Кўпгина олимлар бу сўзни **йара (ярамоқ**) сўзидан келиб чиққан **йарақ** сўзи билан боғлашади. Аммо унинг морфемик таркибини таҳлил қилишмайди (Буд.II354, Meng. G1. 756, Ra:s VEWT 190a). Бу сўз семантик жиҳатдан қуйидаги сўзлар билан боғлиқ: **күб**ä **йар**ық - металик

morfologii jezkyow tureckich. Krakow, p. 68, 1932.

латылар(қадимий оёқ кийим) (ДТС322), **саж жарық** – совут(ДТС 481), **жай жарақ-** жанг кийимларининг бутун комлекти.(Буд.II 336). Қадимий рус тилидаги **ярык** – латы (Фас.IV563, Шип. 440.).

Ат үстәм йарықлар болур қыб қызыл

Қызыл қызғу эңләр болур йаб йашыл

(2349байт)

От, жабдуқ, совут ва қалқонлар қип-қизил,

Қизил, қизғин юзлар ям- яшил бўлади.

ساج – сач бу умумтуркий лексеманинг қуйидаги маънолари мавжудберади: “1.тарқатмоқ, титкиламоқ, сочмоқ; 2. бетартиб сепиб чиқмоқ; 3. сачратмоқ”. М. Рясэнен Г.Рамстеднинг(Ram.KWb. 423a) фикри асосида туркий **сач (тарқатмоқ, сочмоқ)** ва Мўғулча **сачу-, чачу** бир бирига боғлиқ деган фикрни олға суради.[128]

Бу ҳақда Н. Поппе (Поп. ЧЯ 1925, 409,Pop. VGAS 63, Pop. VS 139) ҳам фикр билдирган. Бизнингча В. Котвичнинг фикри ҳақиқатга яқин. Унинг фикрича охирги унли “у” Мўғул тилига ёт бўлган тилдан ўзлашган. У Мўғулча “ч” билан адаптацияга киришган.[129] Бу ўринда Г. Дёрфер фикрича туркий **сач** сўзи Мўғул тилига ўзлашган.[130]

Сач феълига **-ра** аффикси қўшилиб “сачра, сачратмоқ” сўзи ясалган. Э.В. Севортян унинг “1.сочмоқ, тўкмоқ; 2. тарқатмоқ, экмоқ” маъноларини кўрсатган.[131] Маҳмуд Қошғарийда “сочмоқ, тарқатмоқ, экмоқ” маъноларини қайд этган: *мэн йипар сачтим*-мен

---

128 Ra:sanen M. Uralaltaische Worschungen. Sto, XVIII, 3, 1955. Rasanen M.Versuch eines etymoloischen Worterbuchs der Turksprachen. Helsenki,. p 392. 1969

129 Котвич В. Исследования по алтайским языкам.-М.:, стр. 39,1962.

130 Doerf G. Bemerkungen zur Metodik Der Turkischen Lautlehre- OIZ, Jahr. 66,t.III 1203, July-August, 1971.

131 Севортян Э.В. Аффиксы глаголөбразования в азербайжанском языке. Опыт сравнительного исследования. –М.:,стр.326, 1962.

мускус сочтим. “Қутадғу билиг”да “тарқатмоқ, пароканда қилмоқ” маъноларида қўлланилган:

Йағығ бир сачытса йана тэрлумэс

Отуғ сув одытса йана тирлүмэс

(2360 байт)

Яъни ёвни бир тарқатилса, яна(қайта) терила(йиғила олмайди), ўтни сув ўчирса, яна қайта жонлана олмайди.

بالون - болун Маҳмуд Кошғарий бу сўзни “асир” деб изоҳлайди: *булун ол булунлуғ босатты* -у асирни озод қилди. (МҚ II 307) ДТСда ҳам “асир” маъноси қайд этилган: *сизиң мен сизинта булун болтум*-мен сенда асир бўлдим (Man III 24). “Қутадғу билиг”да ҳам асир маъносида:

Қалы қачса сэндин йағы турмаса

Эриг йэтгү тутғу болун тутмаса

(2352 байт)

Яъни агар ёв сендан қочса,(бир ерда) турмаса, тез (қувиб) етиш, қўлгатушириш керак, лекин (у сендан)асир олмасин.

2.5. Савдо тизимига оид сўзлар. XI асрда Туркистон Ислом давлатлари ва Хитой мамлакатлари ўртасидаги савдо маркази эди. Ўша даврда аҳолининг кўпгина қисми савдо билан банд эди. Шунинг учун Юсуф Баласоғуний “Кутадгу билиг”да савдогарларни заминдорлар сингари муҳим ижтимоий гуруҳ ҳисоблайди. Савдогарлар ҳеч қачон чарчамайдиган фақат фойда олишга ҳаракат қиладиган фаол жамият синфи ҳисобланган. Юсуф Ҳос Хожибниг ёзишича савдогарлага нисбатан ҳукумат ҳам одилона сиёсат қилиши керак. Уларнинг йўлини саёҳатини осонлаштириши керак.

инсон ўзига керакли нарсани ўз юртидан савдогарлар туфайлигина топа олади. Бу ижтмоий гуруҳ хон довруғини дунёга ёйиши ва унинг номига доғ тушириши ҳам мумкин. Яхши номга эга бўлмоқчи бўлган хон савдогарларга нисбатан яхши муносабатда бўлиши керак. Давлат тараққиётида муҳим рол ўйнайдиган савдо тизимига оид қуйидаги лексик бирликлар "Қутадғу билиг"даучрайди.

كيبيت - кэбит ДТСда бу сўз "савдо дўкони" деб изоҳланган.Маҳмуд Кошғарий луғатида "май сотадиган дўкон" маъносида келган. "Қутадғу билиг"да "савдо дўкони" маъносида ишлатилган:

Кебит кенди бэзәдим киши көргүси
Асыг йоқ кэпиттә сатыг бэлгүси

(5000 байт)

Дўкон манзи безаганим бу одамлар кўришганидир,
Дўкондан манфаат йўқ, у савдо сотиқ белгисидир.

ساتيغ - **сатыг** А. М. Щербак **сат** праформасини **сотмоқ** асосида тиклайди.[132] **Сав** лексемасига **сатип** қўшилиб **сатип сав** ибораси пайдо бўлган. ЭСТЯда **сат** лексемасининг қуйидаги маънолари берилган: "1. сотмоқ, савдо қилмоқ, қизни эрга бермоқ; 2. мақтамоқ, 3. кўп гапирмоқ, бировни эшитишга мажбур қилмоқ: 4. хиёнат қилмоқ; 5. ўйинларда топишмоқларни жавобини топа олмагани жазолаш.[133] В. Банг сат сўзини **сат-гапирмоқ, санамоқ** маънолари берадиган сўз билан боғлайди.

---

132 Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –Л.:, 1970, стр., 196.

133 Этимологический словар тюркских языков общетюркские и межтюркские основы на буквы «Л» «М», «Н», П», «С» -М.:, стр. 227,2000г.

[134] Рамстед эса туркий **сат-** ни корейсча **са-** “сотиб олмоқ” сўзи билан боғлайди (Ram SKE 217). “Кутадгу билиг”да “савдо” маъносида келган:

Кебит кенди бэзәдим киши көргүси

Асыг йоқ кэпиттә сатыг бэлгүси

(5000байт)

Дўкон манзи безаганим бу одамлар кўришганидир,

Дўкондан манфаат йўқ, у савдо сотиқ белгисидир.

Сатығ сўзига –**чы** от ясовчи аффикси қўшилиб сотувчи, савдогар сўзлари ясалган:

Сатығчы йоқэрсә ажун кэзгучи

Қачан кэдгей эрди қара кеш ичи

(4321байт)

Оламни кезувчи савдогарлар бўлмаганда эди,

Қора сувсар терисиниқачон кийган бўлар эдинг.

تاور - товар бу лексема биринчи марта уйғур ёзма ёдголикларида “бойлик” маъносида учрайди: *бу бусычы браман таварим йоы учун-* бу бечора брахманларга берадиган бойлигим сабабли (Uig. III 15). Маҳмуд Кошғарий луғатида “товар, бойлик,” маъноларида ишлатилган: *олар икки товар сатишсанлар ол* -улар иккиси товар орқали савдо қилишияпти (МК I 519), яна бир мисол: *тау қапуғын ачар товар-* бойлик дўзах эшикларини очади.(МК III 234) “Қутадғу билиг”да ушбу лексема “товар, нарса, мол” маъносида ишлатилган:

Тақы бир қутисы тиләр нэң товар

[134] Bang W. Das negative Verbum der turksprachen, SPAW, XVII-XX, p.117-118,1923.

Йулуғ қылсу жанын тавар бэр аңар

(5400 байт)

Яна бир тоифаси нарса, товар истайди

Унга товар бер токи сенга жонини фидо қилсин.

اسغی - асғы Маҳмуд Кошғарий луғатида бу лексема “манфаат, фоиз, даромад” маъноларида изоҳланган : *жарағында сарт асығында*- савдогарга фойда керак (МК III 13). Бу сўз уйғур ёзувли ёдгорликларда ҳам учрайди: *фоиз қач ай тутсар мен ай бирар йрим бақир күмүш асығ бирла коны берур мен*- қанча ой тутсам (қарз) ҳам мен бир пақир кумуш танга ҳар бир ой учун фоизи билан қайтараман (Usp 18). “Қутадғу билиг”да “фойда даромад, манфаат” маъноларида қўлланилган:

Мунуңда басасы сатығчы турур

Сатыг бирлеэ тынмас асығчы турур

(4315 байт)

Бундан бошқаси савдогарлардир,

Савдо билан тинмайдиган фойдачилардир.

قارنق - қазнақ- М. Фасмер русча “казна” сўзини В. В. Радловнинг “Опыт словаря тюркских наречий” номли луғати асосида тушунтиради. Олим ва қирим-татар тилидаги **хазна** татарча **хазина** ёки **казна** сўзларини бу сўз билан боғлайди.[135]

Казнақ сўзи араб тилидаги **хазана** “сақламоқ, захирада қўймоқ” сўзидан келиб чиққан **хазне** - “хазина бойлик, ғазна” деган фикрлар ҳам бор. “Қутадғу билиг” дан ташқари қадимий

[135] Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречый, т. II. СПб., 1899, стр. 385.)

туркий ёзма ёдгорликларда бу лексема учрамайди. “Қутадғу билиг” да **қазнақ** лексемаси “ғазна, бойлик, хазина” маъноларида учрайди. Ушбу сўз билан бир қаторда “Қутадғу билиг”да **хазина** сўзи ҳам ишлатилган:

Байуға будун эл этилгә орун
Нэчә қулса қазнақ хазина урун

(5425 байт)

Эл, халқ бойиди ўрин яшнайди,
Қанча хоҳласанг бойлик хазина тўплаб берасан.

كارقيشيغ - карқышығ- “карвон” маъносидаги ушбу лексема фақатгина “Қутадғу билиг” да учрайди Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам бу сўз учрамайди. Туркий тилдаги **карвон** сўзи тилшуносликка доир манбаларда кенг ёритилган . Форс тилидаги **kārvān** "туялар карвони" сўзи туркий тилга ўзлашган. Франсуз тилидаги **caravane** сўзи орқали рус тилига ўтган. Бу лексемани Клюге Гётце ва Локоч каби айрим тилшуносллар қадимий ҳинд тилидаги **karabhas** "туя" сўзи билан ҳам қиёслашади.[136]

Ушбу лексема ДТСда учрамайди. Бу сўз “Қутадғу билиг” да “карвон” маъносида қўлланилаган:

Улуш кэнди ичидә сэн оғрығ арыт
Өмэк арқышығ йолда эмин йурыт

(5429 байт)

Шаҳар қишлоқлар ичидан сен зўравонларини арит,
Мусофир , карвонларни йўлларда осойишта юрит.

[136] Клюге-Гётце 285; Локоч 86; ср. Mi. EW 115; Преобр. I, 296.

ماشغول - машғул араб тилидан олинган бу сўз “Қутадғу билиг”да “банд қилмоқ” маъносида келган:

Бу дунйа иши қылды машғул мэни
Байат тапғынга өз тэгүмәс қаны

(5008 байт)

Бу дунё ишлари мени банд этди,
Ўзим худонинг тоат – ибодатиги етолмаётир (етишиш) қаерда.

Алишер Навоий асарлари луғатида **машоғил** (مشاغيل) **машғала**-(مشغله) “машғулотлар, юмушлар” маъносида қўлланилаган (376).

كوموش - күмүш “кумуш, кумуш пуллар” маъносидаги бу сўз биринчи марта Кул тегин битикларида “қимматбаҳо метал, кумуш” маъноси учрайди: *бир туман ағы алтун күмүш кергаксиз келүрти* -улар кўпгина совғалар ва кўп даражада олтин ва кумуш келтиришди (КТб 52). Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам қайд қилинган: *ол күмүш алтундан чоктүрди*- у кумушни олтиндан ажратди (МК II 181). “Қутадғу билиг” да ҳам “кумуш” маъносида келган:

Йағы бойны йанчса кэтәрсә чоғы
Хазина урунса күмүш ҳам ағы

(1892 байт)

Кумуш ҳам жавоҳирлар билан хазинани тўлдирса,
Ёв бўйнини янчса, адоватга барҳам берса.

اغى - ағы “жавоҳир, қимматбаҳо тош, бойлик” маъносида Кул тегин битикларида учрайди: *бир туман ағы алтун кумуш кергаксиз*

келурти – кўпгина кумуш олтин ва қимматбаҳо совғалар олиб келишди (КТ 52). Маҳмуд Кошғарий ушбу сўзни “шоҳи мато” деб изоҳлаган: “Қутадғу билиг” да “жавоҳир, шоҳи мато” маъноларида қўлланилган:

Йағы бойны йанчса кэтәрсә чоғы
Хазина урунса күмүш ҳам ағы
(1892 байт)

Кумуш ҳам жавоҳирлар билан хазинани тўлдирса,
Ёв бўйнини янчса, адоватга барҳам берса.

I.6. Таълим тизими лексикаси. Қутадғу билиг асарида илм олишга билимли бўлишга катта аҳамият берилган.

قور – **қур** бу сўз “Девони луғат-ат турк”да “мартаба” маъносида қайд қилинган: *мениң қурим улуғ*-менинг мартабам улуғ (МК I 324); маңа қур болты менга юқори мартаба насиб этди (БК 36) “Қутадғу билиг”да “мартаба” маъносида ишлатилган:

Кэзигчә кэлир көр бу давлат қуры
Тириг ул йағығ ҳам болур тәрк қары
(4656байт)

Яъни бу давлатнинг мартабаси навбати билан келади, кўр, у ҳам тирик, ҳам бевафо, ҳам тез қарийди.

بيليك – **билиг** бу сўз от ясовчи –ик аффикси орқали ясалган. ДТСда “таълим; билим; ақл; эҳтиёткорлик” маънолари кўрсатилган. Кул тегин битикларида билим маъносида учрайди: *билим бирле авнур жаним семиритур*-билим бирла кўнгил хушлик қиладилар руҳларини семиртирадилар (ҚТ м 5). “Девони

лути-ат турк”да мақол ичида келган: *ула болса йол азмас билиг болса сөз йазмас* -белгилари бўлса йўлддан адашмайди билими бўлса сўзидан (МК 58). “Қутадғу Билиг” да билим, таълим маъносида ишлатилган.

Билиг йақшы сөзләр муңар йаңзату
Сөзи маъни бирлә аңар йаңзату

(5489 байт)

Таълимда бунга ўхшатиб яхши сўзланган,
Сўзни маъниси билан ўнга ўхшатиб.

اوقوش- уқуш “Девони луғат-ат турк”да “идрокли, ақлли” маънолари қайд этилган: *олар бу ышыг уқуштылар*- улар бу ишни тушундилар (МК I 186). Бу сўздан **уқушлуғ** лексемаси ясалган: *уқушлуг киши* – тушунадиган одам (МК 1 62). **Уқушлуғ билиглиг** жуфт сўзи эса “доно, ақлли” маъноларини беради. “Қутадғу билиг”да **уқуш** сўзи “идрок” маъносида ишлатилган:

Байатқа шукр қылды артуқ өкуш
Байат бэрмиш үчүн ўгулқа уқуш

(1235 байт)

Худога кўп ва ортиқ шукр қилди,
Худо ўғлига уқув- идрок бергани учун.

اوك - өг бу лексеманинг ДТСда қуйидаги маънолари қайд этилган: “1.ақл; фикр; 2. мақтамоқ, кўкларга кўтармоқ”. **Өга** шакли “ақлли, доно” деб таржима қилинган (ДТС 378-379). Ушбу лексема “Қутадғу билиг”да *Өг билиг*-ақл идрок, *өг көңгүл* -ақл ва ҳиссиёт, *өга билга*- доно шакллари учрайди. “Қутадғу билиг”да бу сўздан ясалган **оглук** лексемаси мавжуд:

*Бу **оглук** сөзини өгүң бирлә уқ.*

Аниң бирлә сүзгил қамуғ булғануқ

(1231байт)

Дононинг бу сўзини ақлинг билан тушун,

Тамоми касофатларни у билан сузгин.

بيتيك – **битиг** бу сўз манихей ёдгорликларида “китоб ёзув, ҳужжат” маъносида учрайди: *қутлуғ болсун бу битиг идиси-* бу ёзувнинг эгаси бахтли бўлсин (Man I 21). Маҳмуд Кошғарий луғатида тумор” маъносида ишлатилган: *йел қовуз битиги-* дуолар ёзилган тумор (ёвуз руҳларга қарши) (МК 516). “Қутадғу билиг”да “нома, ёзув” маъноларида қўлланилган:

Битигим оқысун сөзум тутсуны

Өлумкә анутсун ишиг тутсуны

(1477 байт)

Номамни ўқисун сўзларимга амал қилсин,

Ўлимга ҳозирлик кўрсин, ишларни яхши тутсин

Қуйидаги байтда эса “китоб” маъносида ишлатилган

Тәжикләр битигдә битимиш муны

Битигдә йоқ эрсә ким уқғай аны

(278 байт)

Тожиклар уни китобда битиб қолдирганлар,

Китобда бўлмаса уни ким биларди.

بوكو – **бөгу** ушбу лексема Маҳмуд Кошғарий луғатида “кучли, ақлли” маъносида келган: *бөгу элиг күчлүг йаруғ таңри сиз-* сиз худо кучли, ҳукмронлик қилувчи, ёруғ (МК III 228). “Қутадғу

билиг”да **бөгу** лексемаси **билга** сўзи билан бирикиб жуфт сўз ҳосил қилади, яъни **богу билга** “доно”:

Бөгү билгә бэгләр будунқа башы

Қылыч бирле этмиш билигсиз иши

(220байт)

Халққа бош доно билимдон беглар,

Билимсизлар ишини қилич ёрдамида ҳал этганлар.

قالام -қалам Қамишдан ясалган перо. “Қутадғу билиг”да ўз маъносида ва кўчма маънода яъни “бошқариш маҳорати, бирон бир ишни бажаришни уддаламоқ” маъноларида ишлатилган:

Қылыч алды берды будунугг түзер

Қалам алды бэрди йорық йол сүзәр

(265 байт)

Қилич олди бердиси (яъни қилич билан шуғулланиш) халқни тузатади,

Қалам олди бердиси (яъни қалам кашлик)эзгу йўл йўриқлар тузади.

بيلكه - билгә ушбу лексема биринчи марта Кул тегин битикларида “яхши, доно, ақлли” маъноларида учрайди: *эдгу билга кишиг йоритмас кишиг* -яхши ва доно кишиларни ўз тарафларига оғдира олишолмади (КТ 6). Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам “доно” маъносида учрайди: *билга эриг эдгу тутуп сөзин эшит*-доно эрларни ҳурмат қилинг ва сўзларини тинланг (МК 215). “Қутадғу билиг”да “доно ақлли” маъноларида қўлланилган:

Билигсиз билә ҳеч сөзүм йоқ енинг

Э билгә өзүм уш топуғчы сэниң

(200 байт)

Билимсиз билан менинг ҳеч сўзим йўқ,

Эй доно , ўзим сенинг хизматингдадирман.

كتاب - китаб “Ҳибат-ул ҳақоиқ”да “китоб” маъносида қўлланилган: *Шаҳим мадҳи ила безайин китаб*- шоҳим номи ла безайин китоб (Юг. С 43). “Қутадғу билиг”да бу сўз **битиг** лексемасига синоним сифатида ишлатилган:

Тугәнди қутадғу китаби тарих секиз қирқ уч

йылта қой йыл муҳаррам айның төрти Аруда

(952 бет)

Яни “Қутадғу билиг” китоби тарихнинг саккиз(юз) қирқ учинчи йилида, қўй йилинг муҳаррам ойида Ҳиротда тугад

УЧИНЧИ БОБ
АДОЛАТ ВА АДОЛАТСИЗЛИККА ОИД ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

“Қутадғу билиг” феодал жамиятнинг хусусиятларини ўзида акс эттирган асар бўлиб, унда жамиятнинг икки синфи яъни адолат ва адолатсизлик ўртасидаги зиддиятли муносабатларга оид лексемалар ўзига хос мазмуний майдонни ташкил этган. Асарда адолат ғояси етакчи ғоя бўлиб ҳисобланади.

III.1. Адл-адолатни ифода этувчи сўзлар.

عدل - Адл Алишер Навоий **адл** сўзини“адолат, тўғрилик, инсоф” маъносида ишлатилган. **Адлу дод** бирикмаси “адолат-инсоф”ни англатади. “Қутадғу билиг”да **адл** сўзи **кӧни, эдгү, неку, билиг** лексемаларига нисбатан пассив ишлатилган:

Күнтүғды элиг айтолдықа ъадл сифаты нэ-тэг эрдүкин айур.

(172бет)

Кунтуғди айтолдига адл сифати қандай бўлишини айтади.

بيليك - билиг ушбу лексема Маҳмуд Кошғарий луғатида билим ақл, идрок мъноларини англатади: *билиг киши ара үлүғлүк*-ақл одамлар орасида тақсимланган. (МҚ 255) адаб Алишер Навоий асарлари

изоҳли луғатида **билик** шаклида учрайди ва “билим, илм, ақл” маъноларида қўлланилган:

Кетурдилар ҳакими нуқтадоңи
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоңи.

(Фарҳод ва Ширин).

Ушбу луғатда **билик аҳли** бирикмаси “ўқимишли кишилар” маъносини англатади. “Қутадғу билиг”да эса билим, таълим маънолари билан бир қаторда одоб, ахлоқ, адаб маъноларида ҳам ишлатилган.

Айама оғул қызқа беркә йэтүр
Оғул қызқа беркә билиг өгрәтүр

(1474 байт)

Яъни Аяма ўғил қизга калтак едириб тур, калтак ўғил қизга билим (адаб) ўргатади.

كونيلك - көнилик ДТСда “ҳақиқат, ҳаққонийлик” маънолари қайд қилинган (315). Қутадғу билиг”да “одиллик, адолат” маъноларида ишлатилган:

Конилик үзәлә кэсәр-мен ишиг
Адырмас-мә бэгсиг йа қулсыг кишиг

(794 байт)

Яъни: Ишни адолат юзасидан ҳал қиламан, бег (сифат) ёки қул (сифат) кишиларни ажратиб, фарқлаб ўтирмайман.

ايردام –**эрдәм,** бу лексема ДТСда эрдам, эдрам, эдирам шаклларида учрайди. Қуйидаги маънолари берилган: “1. билимдон, фозил, қудратли”(176). Маҳмуд Кошғарий луғатида “одоб, ахлоқ, тарбия, фазилат, этика” маънолари қайд этилган: *эрдам баши тил-*

фозилликнинг боши-тил (МҚ I 336). “Қутадғу билиг”да “фазилат, одоб, фозиллик донолик” маъноларида қўлланилган:

Бу қылқын бу эрдэмләриң бар үчүн
Көсә кэлдим эмди тапуғқа күчүн

(823 байт)

Яъни Бу сифат қилиқларинг, фазилатларинг мавжуд бўлгани учун, сени орзу қилиб, қумсаб бор кучимни сарфлаб хизматинга келдим.

ایرج -эрәж бу лексема форс тилидан олинган бўлиб “ҳақиқий, чин ўғлон, ҳақиқий қаҳрамон, довюрак” деган маъноларини билдиради. Тожик- форс, эрон адабиёти намояндалари асарларида атоқли от сифатида учрайди: *Эражи тилисмшикан*- темирни синдирувчи, сирни билувчи. (Тожик халқ оғзаки ижоди). “Қутадғу билиг”дан ташқари бошқа ёзма ёдгорликларда учратмадик. Юсуф Хос Хожибда эса “ҳаловат” маъносида қўлланилган:

Эрәж арзу нэъмат күвәнчин авынч
Бу эдгү йануты болур бу сэвинч

(924 байт)

Яъни Ҳаловат, орзу неъмат қувонч ва овинч, севинч-бўлар эзгулар мукофоти бўлади.

حاقیقت – **ҳақиқат** ДТСда бу сўзнинг “ҳақийқат, рост” маънолари қайд этилган(199). Алишер Навоий асарлари изоҳли луғатининг 770 бетида *аҳли ҳақиқат*- худога *етишганлар* (сўфийликда) маъносида келган:

Кашфи асрори ҳақойиқда фарид,
Нутқидин аҳли ҳақиқат мустафид

(Лисон-ут тайр).

“Қутадғу билиг”да “ҳақиқат, тўғрилик, ростлик” маъносида келган:

Ҳақиқат муны бил эй Айтолды сэн

Өкүнчсүз ма эдгү атын олсә сэн

(907 байт)

Яъни Эй Ойтўлди, сен ҳақиқат мояси деб шуни билгинки,сен ўкинчсиз ва яхши ном чиқариб ўлсанг.

كونى - көни, ЭСТЯда гөни, көну, гөну, кени, хөну, көне, кунә, ҳөну шакллари кўрсатилган.[137] Унинг қуйидаги маънолари қайд этилган: “1.тўғридан тўғри; 2. рост, тўғри, одил; 3. ҳақиқат; 4. ҳақиқатгўй, ростгўй; 5.тоза, бегуноҳ; 6. камтар, босиқ, оғир”. ДТСдаги маънолари: “1.тўғри, ҳақиқатгўй, ростгўй; 2. тўғри, одиллик”. Маҳмуд Кошғарий луғатида **көни** “инсофли, тўғри, ҳақгўй” маънолари қайд этилган: *көни эр – ҳақгўй эркак* (МҚ III 237). Юқорида кўрсатилган барча маънолар қайсидир жиҳатдан **көни** семантикасида ўз аксини топган. **Көн** феълининг архитепини қуйидагича тиклаш мумкин: кө:н, көн.

А.М.Щербак көн-,(кө:н-?) сўзининг “тўғри, рози бўлмоқ” маъноларини қайд қилган. [138] Бу сўзга -лиг(-лы) қўшилиши билан “ҳақиқатгўй, ростгўй” маъносидаги **көнилиг** сўзи ясалган. **Көни** сўзи “Қутадғу билиг”да **түз** феъли билан қўшилиб **көни түз-** “ҳақиқий, тўғри” деган маънони берувчи жуфт сўз ҳосил қилган. **Көни** отига от ясовчи аффикс **–лық** қўшилиши билан “ҳақиқат,

[137] Севортян Э. В. этимологический словар тюркских языков общетюркские и межтюркские основы на буквы «В» «Г» и «Д» издательство наука Москва с.74,1980.

[138] Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. –Л.:, 1970, стр., 195.

тўғрилик” маъноларидаги **көнилик, көнүлүк, көнүлик** сўзлари ясалган:

Бу бэглик улы көр көнилик турур
Көни болса бэглэр тириглик булур

(804 байт)

Яъни Бегликнинг пойдевори кўргин тўғриликдир, беглар тўғри болса, яшаб-яшнайди.

اغيرلاماك – **ағырламак** бу сўз ДТСда **айамақ- ағырламак**, жуфт сўз шаклида учрайди. У “ҳурмат қилмоқ” маъносини анлатади. Уйғур битикларида ҳам айнан шу шакл ва маънода учрайди*: ажамақ ағырламак таминмақ удунмақ қылып* - ниҳоясиз ҳурмат ва чуқур содиқлик изҳор қилиб.[139]

Уқуб кәчүрдүм мэн анда сениң ъузриңы
Ағырладим өтрү ул эрдәм тэңи

(783байт)

Ўшанда мен сенинг узрингни абул қилиб кечирдим,
Сўнг ўша фазилатларинг баробарида қадрладим.

قوت – **қут** бу сўз биринчи марта Кул Тегин битикларида “бахт, саодат, омад, муваффақият” маъноларида учрайди: *таннри жарлиқадуқын үчүн өзим қутым бар үчүн қаған олуртум*- оллоҳнинг иноятиви ўзимнинг бахтим (омадим) борлиги учун мен ҳоқон бўлдим.[140] Маҳмуд Қошғарий луғатида **қут** “бахт давлат” акс этган: *қут қывыг берса идим қулынна, күнда ышы йуксабан йоқар ағар*- агар худо ўз бандасига давлат юборса, ишлар тоққа қараб

[139] Muller F. W. K. Uigirica Abh. II; II-APAW, p.104. 1910.
[140] Малая надпись памятника Кюль-Тегина № 9.

ўсади (МҚ I, 320). “Қутадғу билиг”да “бахт, давлат” маъноларини ифодалайди:

Қалы эдгү олса бу бэгләр қутун
Қамуғ эдгү болды қарасы бүтүн

(876 байт)

Агар бахтиёр беглар яхши бўлсалар, Уларнинг барча табаси ҳам яхши бўлади.

ایزکو – **эзгү** “яхши, сахий; “яхши, дуруст”, “сахийлик, мурувват” маъноларидаги бу сўз биринчи бор рун битигларида **эдгү** фонетик шаклида учрайди (ДТС, 163). У эски туркий тилда жамиятнинг олий табақа вакилларига нисбатан қўлланилган. Мамлакат аҳолисини синфларга бўлиниш принципи кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. Эски ўзбек адабий тилида “олий табақа вакиллари, зодагонлар” ***йахшы*** лексемаси орқали ифодаланган. ***Эзгү*** сўзи умуман “эзгу, яхши” семасини англатиш учун хизмат қилган.

Бу сўз бир қатор фонетик вариантларга эга: ***эги*** “яхши, олижаноб” (Ат- туфҳа: ***әгү*** 13 б 8; ***иги-*** 13б 9; ***ийи-*** 13 б 4).

Мисол:

Эки қазын эрди күзәгү эки,
Булар эрди өзрүм бозунда эги

(49 байт)

“Иккиси қайнатаси, иккиси куёви эди,
Булар сара (ва) кишилар орасида яхшиси эди(лар)”.

“Қутадғу билиг”да “эзгу, яхши, сахий” маъноларида қўлланган:

Йашы қысқа эсиз өкүнчүн қарыр,

Узун йашлығ эдгү өкүнчсүз йурыр

(342байт)

Ёмоннинг ёши қисқа, у ўкинч билан қарийди,

Эзгунинг ёши узун, у доим ўкинчсиз юради.

اريغ - арығ сўзи ҳам “яхши, соф” (Ат- туҳфа: ары// ару 36а 5;) маъносида қўлланган:

Аты эрди Өгдүлмиш аслы арығ,

Йүзү көрклүг эрди нэ фэълы арығ

(1145байт)

“Оти Ўгдулмиш, асли тоза эди,

Юзи кўркли ва феъли хуш эди”.

Бу сўз “тоза, ифлосланмаган” маъносида Турфон матнларида, Тўнюқуқ битигтошида қайд этилган (ДТС, 52). Рабғузий асарида **арығ** кўчма маъносида ҳам ишлатилган: *Адам оғланлары бир - бирига мэңзәмәзләр, кими арығ...* (6 г 3).

Кишиллик

Кишилликә ҳиммат мурувват керәк

Киши қадрыи ҳиммат мурувват тэннги

(406 байт)

Яъни Одамгарчилик учун ҳиммат, мурувват керак, кишининг қадру қимммати унинг ҳимммат ва мурувватига лойиқдир.

III.2) Адолатсизликка оид лексемаларнинг услубий семантик хусусиятлари.

بيوفا – бэвафа бу сўз ДТС ва ЭСТЯда учрамайди. “Қутадғу билиг”да “содиқ бўлмаган, бевафо” маъноларида қўлланилган:

Айур эй ынанчсыз ажун бэвафа

Нелуг қылдың эмди мэңәр сэн жафа

(1489байт)

Деди: эй инончсиз бевафо дунё,

Нима учун энди сен менга жафо қилдинг.

ييكليك - йиглик бу лексемани луғатларда учратмадик. Бизнингча бу лексема **ағи- ийғи** – йиғламоқ лексемасидан ясалган. **“**Қутадғу билиг”да “бадлик, ёмонлик” маъноларини ифодалайди:

Көзи суқ кишиниң қылынчы йиг-ул

Қылинч йиглики эркә теңсиз иг- ул

(2808 байт)

Кўзи суқ кишининг қилмиши (тутган ишлари) баддир,

Қилмиш бадлиги киши учун тенгсиз дарддир.

بوشار – бушар. ДТСда *буш, бушан*; 1.“хафа бўлмоқ, хавотирланмоқ, хафа бўлмоқ”; 2. дарғазаб бўлмоқ” маънолари қайд қилинган (127). Маҳмуд Кошғарий луғатида “хафа бўлмоқ” маъноси акс этган: *мэн бу ишдин бушдум*- мен бу ишдан хафа бўлдим (МҚ II 12). “Қутадғу билиг”да “хафа бўлмоқ, дарғазаб бўлмоқ” маъноларида қўлланилган:

Қарақа билиг бэрди билги ачуқ

Бушар өдтә бэгләркә барма йағуқ

(763байт)

Билими равшан (киши) омийга (шундай) таълим берди:

Дарғазаб бўлганда бегларга яқин борма.

ایکری - **эгри** ДТСда “букик, нотўғри, қийшиқ, ёлғон”маънолари келтирилган(166). Маҳмуд Кошғарий луғатида “қийшиқ” маъносида келган: *неча эгри эрса йол эдгү*- қанча йўл қийшиқ бўлмасин унинг борлиги яхши. (МҚ I 458) Алишер Навоий асарлари изоҳли луғатида **يكري - эгри** лексемасининг икки маъноси келтирилган: 1. “қийшиқ, 2. букик” (706бет):

Эгри қуюбон боши уза тож.
Юз тожвар итларига муҳтож.
(Лайли ва Мажнун)

2. “нотўғри, қинғир”: *Бу ишдур турфаким, эгри гар рост* (Фарҳод ва Ширин). “Қутадғу билиг”да **эгри** сўзи “нотуғри, қинғир, ёлғон” маъноларида қўлланилган:

Мэниң қылқым ул кор эмитмэс кони
Көни эгри болсэ көнилик күни
(793 байт)

Менинг қилиқларимни кўргин, у оғмас туғридир,
Хоғ тўғри, хоғ эгри бўлсин ҳукм чиқариш пайтида.

كوج - **күч** бу сўз қуйидаги маъноларни англатади: “1. куч, қудрат, энергия; 2. зўравонлик; 3. кучли; 4. юк; 5. меҳнат; 6. оғир; 7. ёқимсизлик, хафагарчилик, қониқмаслик; 8. бақувват; 9. юрак; 10. имконият; 11. хотин, оила;12.эҳтиётсизлик”.**Гуйч** лексемасининг маъноларини умумлаштирадиган бўлсак қувватнинг тасвирланишинг иккита гуруҳи вужудга келади: а) актив как фактор действия которго напрвлено вовне, б) пассив как фактор действие которго направлно извне на говоряшего. (а)суҳбатдошга

ташқарига йўналтирилган ҳаракат далили сифатида аниқ, б) ташқаридан йўналтирилган ҳаракат далили сифатида суст).

–Ли,–лы воситасида гуйчли, кучлу, кушлу, күстү гуйчлу сўзлари ясалади. У турли хил маъноларни англатади. Кучли бақувват маъноларини англатиш учун **–лыг,-лық** аффикси қўшилади: **кучлуг, күштүг**; **-лан** аффикси орқали медиал феъл ясалади: **гучлен, күчлен, гучландур**; -ырқа,- ырға аффикслари орқали ғурурланмоқ маъносидаги феъллар ясалади: куч-урке.[141]

Бу сўз ДТСда “куч, қувват, куч ишлатмоқ” маъноларида учрайди (322). Маҳмуд Қошғарий “Девони”да “куч” маъносида келган: *эр күчи кэвилди*-эркакнинг кучи заифлашди (МК II 137). “Қутадғу Билиг” да “зўравон, золим” маъноларини ифодалайди:

Урағун йэмə ул кишиләр ичəр
Өзи күчкəй эрсə көнидин қачар

(799 байт)

Яъни: Уроғуни шундай кишилар ичадилар, унинг ўзи зўравон-золим ва тўғриликдан қочадиган бўлса.

Яна мисол:

Өзүм тапламас нəң бири йалған-ул
Муңуңдын басасы бу күч қылған-ул

(833 байт)

Яъни: Ўзим ёқтирмайдиган ишлардан бири ёлғончиликдир, бундан бошқа зўр(авон)лик қилишдир.

اوفكليك - өфкелик бу сўз ЭСТЯда ***өпге, өкпе, өгке, өгкəн, өрке*** учрайди(536). Булардан тўғриси “Қутадғу билиг”да учрайди **өпке.**

[141] .Севортян Э.В.Этимологический словар тюркских языков общетюркские и меж тюркские основы на буквы «К» «Қ».-М.: “Наука”, 1997.

Унинг қуйидаги маънолари мавжуд: 1.“ўпка; 2.Йирик ҳайвонларнинг биқини; 3.Нафас қайтиши; 4. ғазаб; 5. алам; 6. қониқмаслик; 7. мардлик, жасурлик”. С. Е. Малов ҳам бошқа туркшунослар сингари “ўпка” маъносини “биринчи” ва “ғазаб” маъносини иккинчи деб ҳисоблаган.[142] “Қутадғу билиг”да “дарғазаб бўлмоқ, қаҳрли” маъносида ишлатилган:

Бушы эрсә иштә йэмә өвкелиг
Йава эрсә борчы йа қийған әлиг

(835 байт)

Яъни: Иш бажаришда ғазабли ва қаҳрли бўлса, ичувчи эгри қўл бўлса нафи йўқ.

ايسيز - эсиз бу сўзни ДТСда “ёвуз, қаҳрли” маънолари қайд қилинган 183). Маҳмуд Қошғарий унинг қуйидаги маъноларини таъкидлайди: 1. “ёмон”: *тезак қарда йатмас эдгу эсиз қатмас*-тезак қорда ётмайди, яхши ёмон билан қўшилмайди. (МК I 386). 2.”тартибсиз, эрка бола” (МҚ I 122). “Қутадғу билиг”да “ёвуз, ёмон” маъноларида ишлатилган:

Бу эдгу кишиләр болур-мә эсиз
Эсиз ма урур-му көр эдгүкә из

(856 байт)

Яъни: Бу (янглиғ) эзгу кишилар ёмон бўлиши ҳам мумкинми? Ёмон (кишилар) ғам (ўз навбатида) яхшиларга эргашиши мумкинми?

ازجوز - ужуз бу лексеманингг ужыз, ужиз шакллари ҳам мавжуд[143]. Ушбу лексема барча қадимий ёдгорликларда сақланиб

---

142 . Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. - М.-Л.: “Наука”, 1951, стр. 408.

143 Куренов С. Особенности туркменского говора северного Кавказа (Ставрополя), ч.

қолган[144]. Унинг қуйидаги маънолари мавжуд: “1. ҳеч нарсага арзимайдиган; 2. кам, арзимайдиган ; 3. аҳамиятга эга бўлмаган, арзимайдиган; 4. Аҳамият бермаслик; 5. осон (осон иш)”. **Ужуз** сўзининг илк маъноларини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биринчи гуруҳдаги маънонинг эволюцияси натижасида иккинчи учинчи гуруҳдаги маънолар келиб чиққан. **Ужуз**нинг “арзимаган қийматга эга бўлмаган” каби маънолари ҳозирда сақланиб қолмаган. Фақат турк тилида “арзон” маъноси сақланиб қолган. Бу сўзнинг арзон маъноси Маҳмуд Қошғарий “Девони” нинг I томи 54 бетида (Тошкент 1963) ва Аҳмад Югнакий асарда (Atebet. LXVI) учрайди. Бу лексема бирон бир нарсанинг учи, чўққиси маъноларини англатувчи **уч**- дан келиб чиққан. Ушбу этимологияни Будагов (I 116 бет), М.Рясэнен (Рясянен 196). К.Брокельман (Brockelmann OGM 138.b.) каби қатор олимлар олға суришган: **уч**-сыз—уч-суз—уч. Т. Бангуоглуҳам ужжуз эволюциясини фонетик жиҳатдан асослашга уринди. Аммо у исботини топмади[145]. Яна бир шубҳали этимология ҳақида. **Бу** сўзнинг **ужж** билан ҳеч қандай семантик алоқаси йўқ. Буни Теодор Ценкер турк тилидаги мисоллар орқали кўрсатган. У **ужжузмак, учызмақ** (арзон) омоформаларини келтиради.[146] В. Банг томонидан келтирилган этимология ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади. У **ужжы:з**ни **ужжуз** билан боғлайди.[147]

II.-Ашхабад: 1959 стр. 253.

144 . Севортян Э.В. Этимологическийь тюркских языков общетюркские и межтюркские основы на гласные. -М.: “Наука”, 1974, стр.567.

145 . Banguoglu T. Turk Grameri. I. bol. Sesbilgisi. Ankara, 1959. p. 120.

146 . Zenker J. Th. Dictionaire Turk-arabe-Persa, t. I Leipzig, 1866. p. 114.

147 . Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М.-Л.: стр. 408; Куренов С. Особенности туркменского говора северного Кавказа (Ставрополя). -Ашхабад: 1959 стр. 253; Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков общетюркские и межтюркские основы на гласные.-М.: “Наука”,1974

Маҳмуд Кошғарий луғатида “арзон” *ужуз неӊ*- арзон нарса; (МК I 54) Алишер Навоий асарлари луғатида ушбу лексема учрамади. Шоир “тубан” маъносини берувчи ادنا-**адно** лексемасидан кенг фойдаланган: *адно мақом*-энг паст ўрин. **Ужуз** лексемаси ҳозирги турк тилидан таржима қилинганда “арзон” деган маънони беради. Аммо ҳозирги ўзбек тилида ушбу сўз йўқ. “Қутадғу билиг” да тубан маъносида келган:

Эсизлик ужуз-ул аны қылдачы
Йавуз иш ужуз-ул эсиз болдачы

(886 байт)

Яъни ёмонликни, уни қилувчи киши тубандир, ярамас иш ёмонликка олиб келадиган тубан нарсадир.

بلا - бала Алишер Навоий бу сўзни “ офат, зарар” маъносида ишлатади (87). “Қутадғу билиг” да “кулфат, бало, зарар” маънолари қайд қилинган:

Туға эсиз эрсә аӊар йоқ оты
Ажунқа бала –ул будунқа йуты

(864 байт)

Яъни: Туға ёмон бўлса унга даво йўқ, у жаҳонга бир бало ва халқ учун бир офат.

III .3) Суд тизимидаги адолат ва адолатсизликка оид лексемаларнинг услубий семантик хусусиятлари. Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг ҳуқуқий қомуси бўлмиш “Қутадғу билиг” да асарда суд тизимига оид сўзлардан кенг фойдаланган. Маълумки ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тизимида ҳал қилувчи бўғин

стр.567; Banguoglu T. Turk Grameri. I. bol. Sesbilgisi. –Ankara: 1959. p. 120; Aus W. Turkischen dialekten. KSz, XVIII, 2. –Budapest: 1918/1919. p.54.

вазифасини давлат бажаради. “Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: 1) давлат ҳокимияти (мажбурлаш, бошқариш аппарати); 2) аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги; 3) сувиринитет; 4) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун чиқаришга қодирлик); 5) солиқ сиёсати; 6) умуминсоний вазифаларни бажариш (ҳудудни қўриқлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ш.к.)”. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқ. Илк ҳуқуқий меъёрлар дастлабки ахлоқий қарашлар, қадриятлар негизида вужудга келган. Кейинчалик давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя қилнадиган барча учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларининг тизимига айланган. Юсуф Баласоғунийнинг “Қутадғу билиг” асарида суд лексемасини ифодалаш учун синоним сўздан фойдаланилмаган. Суд, жавобгарликка тортиш, ҳукм қилиш, жазолаш шариат қонунлари асосида қозилар томонидан амалга оширилган. Суд сўзи ўрнида диний қоидалар мажмуаси маъносини ифодаловчи шаъриат сўзи қўлланилган. “Қутадғу билиг”да суд тизими соҳасига оид қуйидаги луғавий бирликларни кузатиш мукин.

مزاليم – мазалим бу сўз “шикоят, қонунсизлик адолатсизлик, мажбурламоқ” маъносини англатади. Ушбу лексема “Қутадғу билиг”дан ташқари бошқа бирон ёдгорликда учрамади. “Қутадғу билиг”да “шикоят адолатсизлик” маъноларида келган:

Мазалим өдиндә өтүгчиләриг
Корү алса йол қилса болса ириг

(2461 байт)

Яъни: Қашшоқ тул, етим (лар) арз ҳол айтса, яъни улар(нинг) барчасини тинглаб (бегга) сўзлаб берса(етказса).

اوتوكچى - өтүгчи бу сўз билан боғлиқ **өтүг** сўзи Маҳмуд Қошғарий луғатида “ўтинч, нола арзчи” маъносида келган: *ол ханга өтүг өтүнд у хонга* - илтимос билан мурожаат қилди (МҚ I 199). **Өтүгчи** *ол мени өтүгчи түтүнды*- у мендан арзчи сифатида фойдаланди (МҚ II 144). “Қутадғу билиг”да ҳам “ўтинч, нола, арзчи” маъноларида қўлланилган:

Мазалим өдиндә өтүгчиләриг
Корү алса йол қилса болса ириг

(2461 байт)

Яъни Қашшоқ тул, етим (лар) арз ҳол айтса, улар(нинг) барчасини тинглаб (бегга) сўзлаб берса(етказса).

قازى –қазы араб тилидан олинган ушбу лексема Алишер Навоий асарлари луғатида “қози” (кўплик шакли қуззот) ижрочи амалга оширувчи, ҳукм қилувчи, ислом юзасидан ҳукм ва ижро ишларига белгиланган мансабдор судя маъносини англатади (739). Қози сўзи дастлаб “Қутадғу билиг”да ҳукм чиқарувчи, маъносида ишлатилган:

Булардын бири қазы йинчкә арығ
Сақынуқ кэрәк тэгсә халққа асығ

(5217 байт)

Яъни булардан бири- қози у зийрак, пок, ўйловли (бўлиши) керак, (токи) халққа манфаат етсин.

تونك - түнәк Маҳмуд Қошғарий луғатида **тунак** “қамоқхона” маъносини англатган (МҚ I 408). Алишер Навоий асарлари

луғатида “қоронғу жой, қоронғулик, айбдорларни қамайдиган ер остидаги қамоқхона маънолари ўрнида **зиндон** сўзи ишлатилган (253б). “Қутадғу билиг”да мажозий маънода “қамоқхона қоронғулик, зимистон” маъноларида қўлланилган:

Түнәк- ул бу дунйа э дунйа беги
Түнәк ичрә болмас сақынчта өңи

(5077 байт)

Яъни: Бу дунё зиндондир эй дунё беги зиндон ичра аламдан бошқа нарса бўлмайди

اورو -ору бу сўз ДТСда сабзавотларни сақлайдиган чуқурлик; 2. Қамоқхона маъноларини англатади (371). “Қутадғу билиг”да эса “зиндон, қамоқхона” маъносида ишлатилган:

بيرك - бэрк бу сўз Аҳмад Югнакийда “маҳкамламоқ” маъносида ишлатилган: *тилинн бекта тутғил тишин синмасин* - тилингни маҳкам тут тишинг синмасун (Юг С131). Қуйидаги байтда эса ҳукм қилинганларни қамайдигвн жой, ҳибс маъноларида **берк** ҳамда **ору** сўзлари ишлатилган:

Эсиз бэктә чоғда оруда кэрәк
Йорық болса эдгү айа сарп йүрэк

(5432 байт)

Яъни: Ёмон ҳибсда, бандиликда, зиндонда бўлиши керак токи йўриғи яхши бўлса, эй дадил юракли.

اوغرى - оғры ДТСда бу сўзнинг уч хил маъноси берилган: “1.ўғри; 2. яширинган, номаълум; 3. ҳиссиёт аъзолари” (363). Маҳмуд Қошғарий лўғатида қуйидагича изоҳланган ўғри*: оғры эриг чубати*- ўғри эркакни ечинтирди (МК I 483); 2. номаълум:

иглады менинн адағ көрмадып оғры тузағ -мен номаълум тузоқни кўрмасдан оёқ босдим (МҚ I 380). **Оғры** отига **–лық** от ясовчи аффикси қўшилиб умумийлик маъносини билдирувчи от ясалган. “Қутадғу билиг” да **оғрығ** шаклида учрайди:

Улуш кэнди ичидэ сэн оғрығ арыт
өмәк арқышығ йолда эмин йурыт

(5429 байт)

Яъни:Шаҳар қишлоқлар ичидан сен зўравонларини арит, мусофир , карвонларни йўлларда осойишта юрит.

تامغا –**тамға** бу сўз ДТС да 1.муҳр, из, сеҳрли белги маъносини англатади (530муҳр). Маҳмуд Қошғарий луғатида “ариқ, дарёнинг ўзани” маънода қайд этилган: *тамға суви ташра чиқип тағығ өта:р*- ташқарига чиққан ариқ тоғни кесиб ўтади (МҚ I 424). Алишер Навоий асарлари изоҳли луғатида қуйидагича изоҳланган: **тамға** – “1.тамға, муҳр, нишона, белги; 2. отнинг сонига уриладиган белги; 3. савдогарлар молига бож олингандан кейин солинадиган белги; бож тамғаси”. “Қутадғу Билиг”да муҳр, белги. нишона маъноларида:

Көтурди битиг көр үзэ тамғалаб
Сунуб берди Өгдүлмиш алды улаб

(3855 байт)

Яъни: Мактубни кўриб устидан муҳрлаб, узатди, Ўгдилмиш шу заҳотиёқ олди.

قراقچی - қарақчы бу сўз ЭСТЯда қуйидагича изоҳланган қарақ- қарағ- карағ- хурах 1.ўғирлик, қароқчилик; 2. қароқчи; 3.қондош, қондош душман (292). Г. Дёрфер (doerf.III № 1445)

қарақ (ўғирлик, бузғунчилик) сўзини семантик жиҳатдан **қарақ** (кўз гавҳари) дан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Унинг фикрича қара “қорачиғ” (қора, қоралик)га кичрайтириш аффикси **–қ** қўшилиши билан ясалган. В.Банг **қарақ**ни **қара**- кўрмоқ феълидан ясалган деб ҳисоблайди. Қарақчы “қоровуллик қилаётган, сақлаётган” маъносини берадиган йаса-қ-чы моделли асосида тузилган. Бу ҳар икки этимология ҳақиқатга яқин[148]. **Қара**- кўрмоқ феъли XII асргача бўлган ёдгорликларда учрамайди (ДТС 424). Ваҳоланки **қарақ** феълидан келиб чиққан **қарақчы** ва **қарақла** манбаларда анча олдин учрайди. Семантика нуқтаи назаридан В. Бангнинг қарашлари тўғри. Қарақ феълига –чы феъл ясовчи аффикс қўшилиб шахс от ясалган. “Қутадғу билиг”да “қароқчи, ўғри , душман” маъноларида қўлланилган:

Ич элдә көтургил будун күчләрин
Ташыртын арытғил қарақчы барин
(5430)

Яъни: Эл ичида халқнинг зўравонларини бартараф қилгин, ташқарида барча қароқчиларни аритгин.

يان - йаң бу сўз ЭСТЯ да **йенг, санн, жанн, нанн, чанн, йа:нн,** шаклларида учрайди. Қуйидаги маъноларни англатади: “1. образ; 2. қоида, оддий низом; 3. ишонч (худога ишонч); 5. қилиқ, имо-ишора(120). **Йаң** оти хитой тилидан ўзлашган. Бу ҳақда кўпгина манбаларда кўрсатилган.[149] ДТСда унинг қуйидаги маънолари кўрсатилган:. 1. шакл, 2. даража (233). Маҳмуд

[148] .Bang W. Vom Korturkischen zum Osmanischen, 1- APAW: 1917, N 6; 2, 3,-APAW: 1919, N 5; 4-APAW: 1921,N 2. p. 57-58.
[149] An.In 512= rbn. Yang, ram. KWb. 215a? Gab. 351<rbn yang

Қошғарий луғатида “шакл” маъноси қайд этилган: *бөрк йаңы* - бош кийим шакли (МК III 361). “Қутадғу билиг”да “расм,қоида, одат” маъноларида учрайди:

Бу бэглик ишин бача бэглэр билир
Төру өңди қылқ йаң улардын келир

(1897 байт)

Яъни: Бегликнинг ишини барча беглар билади, сиёсат, низом, ахлоқ ва расм қоидалар улардан чиқади.

قين -қына бу сўзнинг ЭСТЯда қуйидаги шакллари мавжуд. **қын – қыйын – қижин—хийин.** Унинг маънолари: 1. меҳнат, бахтсизлик; 2.азоб; 3. касаллик; 4. фалокат; 5. чаққонлик, моҳирлик, бақувват, ботир, ўткир; 6. энг яхши. Юқорида кўрсатилган тўртта маъно аниқ, аммо бешинчи маъно фақатгина қирғиз тилида қайд этилган, бошқа туркий тилларда учрамайди (219). **Қын** оти **қы**й-қийин бўлмоқ, феълидан **–н** аффикси қўшилиши билан ясалган. “Қутадғу билиг”да **қын** сўзига **–а** аффикси қўшилиши билан **қы:на**> қийна- “қийнамоқ, азоб бермоқ” феъли келиб чиққан:

Нечә эдгү тутса өзуң қорқа тур
Ишәнсинмэгил сән қына бақну тур

(3995 байт)

Яъни: Қанча эзгу тутса ҳам ўзинг қўрқиб тур, сен ишонқирамаган жазони ҳам кўз олдинга келтириб тур.

اومدوچى - умдучы бу сўзни ДТС да қуйидаги маънолари қайд этилган: “1.тамагир, камбағал, тамагир 2. хасис бахил” (611). “Қутадғу билиг” да “қаҳрли тамагир, бахил” маъноларида қўлланилган:

Нэчә ма бэг эрсә қул-ул умдучы

Кишидә или умдучи ул тучы

(2684 байт)

Яъни:Агарчи иаъмагир бег бўлса ҳам, қулдир, кишилар орасида тубани доим тамагирдир.

اورونچ - урунч ДТС да қуйидагича изоҳланган “пора, тамагирлик”(615). Маҳмуд Қошғарий “Девони”да ҳам айнан шу маънолар кўрсатилган: *қара булытығ йел ачар урунч билла эл ачар* - шамол қора булутларни тарқатади порахўрлик билан эса шаҳарлар ишғол қилинади. (МҚ I354). “Қутадғу билиг”да “пора тамагирлик” маъносида келган:

Өзүң болса ҳажиб үрүнч алмағу

Чығай тул йэтимләр сөзин тыңлағу

(4041байт)

Яъни: Ўзинг ҳожиб бўлсанг, пора олмаслик лозим, камбағал тул етимлар сўзини тинглаш керак

توزول- тузул бу сўз ДТСда тартибга солмоқ, келишувлийлик деб изоҳланган (603). Маҳмуд Қошғарий “Девони”да “тартибга солмоқ” маъносида ишлатган: *ыш түзүлды*- иш тартибга солинди (МК II 127) “Қутадғу билиг”да “тартибга солмоқ, келишувлийлик” маъноларида қўлланилган:

Түзүлды будун ҳам сүзүлди эли

Тыныб инчкә тэгди йыл ай күн йылы

(5508 байт)

Яъни халқ тартибга келди ҳамда эл тозаланди, тиниб, кун, ой, йиллари фароғатга тушди.

شرعات - шаръиат бу сўз ДТСда мусулмонлар динни қонунлари мажмуаси деб изоҳланган (520). Алишер Навоийининг “Мажолис-ун нафоис” асарида شرءيات шаклида учрайди. У “диний қонун қоидалар” маъносини англатади: *Мавлоно Низомиддин қазо маснадида мутамаккин эрканда, маҳкамаси ва дор ул- қазосида сижиллот ва қаболжот ва шаръийёт анга эврулур эрди* (123). Ушбу сўз “Қутадғу билиг”да “қонун-қоидалар мажмуаси маъносида” учрайди:

Ағырла буларығ нэкү айса қыл
Шаъриат йолы тут бойун бэр эгил

(5435 байт)

Яъни: Уларни ҳурматла нима айтсалар қил, шариат йўлини тут, бўйин бер эгил.

يووغه -йувға ушбу лексеманинг омонат маъноси бирон бир этимологик луғатда учрамайди. ДТСда ҳамда ЭСТЯ луғатларида “юпқа” деган маъноси учради холос. “Қутадғу билиг”да эса “омонат” маъносида ишлатилган:

Некү тэр эшитгил бөгә йавғуси
Байуса баш эгмәс будун йувғаси

(5406 байт)

Яъни баҳодирлар яфғуси нима дейди эшитгин, халқнинг омонати бойиса , бош эгмайди.

Хуллас, “Қутадгу билиг”даги ижтимоий-сиёсий лексик майдонини ўрганиш жараёнида, сўзларнинг семантик хусусиятлари бошқа асарлар билан қиёслашга алоҳида аҳамият берилди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек тилшунослигида сўзларни гуруҳларга ажратиб, луғавий маъноларни изоҳлаш бўйича қўлланилиб келинган **қатлам, кўллам** атамалари ўрнида **майдон** атамаси асос қилиб олинди. Ўзбек тилшунослигида **қатлам**, **майдон, кўлам** каби кўпгина атамаларнинг биттасини танлаб фойдаланиш маъқул бўларди. Тўғрироғи, бизнингча майдон атамаси маъқулдир. Лекин тилшуносликда бу масалада ҳали муайян хулосага келинмаган.

Шунингдек, “Қутадгу билиг” асари қўлёзмаларининг бирортаси тўлиқ ҳолда эмас, баъзи қисмлари йўқолиб қолган ҳолда етиб келган. Шу сабабли олимларимиз имконияти борича кўчирилган нусхаларини қиёслаш орқали унинг нисбатан мукаммал матнини тикладилар. Шунга қарамай, “Қутадғу билиг” нашри ҳозиргача асл қўлёзмага тўлиқ мос келади, деб ҳисобланмаган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Туркологияда XI-XII асрга оид эски туркий тил манбалари тил хусусиятларини маълум сатҳлар нуқтаи назаридан тадқиқ этишда сезиларли ютуқларга эришилган. Айни чоғда давр обидалари лексикасини семасиологик аспектда ўрганиш борасида мавжуд долзарб масалалар ўз ечимини топганича йўқ.

Тўғри, қайд этилган асарларга оид" Қутадғу билиг", “Девону луғоти-турк”, “Ҳибат-ул ҳақойиқ”, “Ҳикматлар”, “Тафсир” каби қимматли ёзма ёдгорликлар мамлакатимизда, асосан, мустақилликдан сўнг ўрганила бошланди. Бу асарлар бизга нисбатан ҳорижда анча аввалги даврлардан бошлаб ўрганила бошланган. Уларнинг ноёб нусхалари чет мамлакатларда чоп этилганлиги ва тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган изланишлар ҳам бўлганлиги эндиликда сир эмас. Биргина "Қутадғу билиг" асари яратилган даврдан бошлаб ҳозирга қадар жаҳон аҳли донишмандларининг диққатини ўзига жалб этиб келган. Бу изланишларнинг маълум бўлиши натижасида ва уларнинг таъсирида мамлакатимизда кўплаб тадқиқотлар яратилди. Зеро, "Қутадғу билиг" ўз даврида қанчалик ниҳоятда қимматли асар сифатида эъзозлниб келинган бўлса, даврлар ўтиши билан унинг қиймати янада ошиб нодир ёдгорлик сифатида ўнлаб тадқиқотлар

мавзуси сифатида ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, сўнгги даврларда ўзбек олимлари томонидан ҳам бу соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, қорахонийлар даври адабий тилининг том маънодаги намунаси ҳисобланмиш “Қутадғу билиг” асари сўз бойлиги баъзи бир изланишларни ҳисобга олмаганда чуқур тадқиқ этилмаган.

“Қутадғу билиг” асари бўйича амалга оширилган лингвистик тадқиқотлар худди шу фикрни тасдиқлайди. Ушбу асарнинг грамматик (асосан фонетик, морфологик, қисман услубий) жиҳатлари ўрганилган ва транскрипция асосидаги ҳозирги ўзбек тилига мослаштирилган матни бўйича нашрлар олиб борилган. Шу билан ушбу асар тили ўрганилган ҳисобланиб келинмоқда. Тўғри, асар тили лексикасининг баъзи соҳаларини тадқиқ этиш борасида баъзи ишлар амалга оширилди, лекин, ушбу асарнинг лексикаси, ҳатто грамматик жиҳати ҳам мукаммал ўрганилган эмас. Бу соҳа ўзбек тилшунослигида, ҳатто туркологияда ҳам тўлиқ ҳал этилмаган масала саналади. Зеро, асарнинг тил қурилиши, хусусан, қадимги ва эски ўзбек тили даврларига хос лексикасининг ҳали ўрганилмаган соҳалари мавжудки, буни талқин этиш тилимиз тарихини, хусусан, тарихий лексикасини мукаммал ёритиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда “Қутадғу билиг”да қўлланган ижтимоий-сиёсий лексик майдонини махсус монографик тарзда ўрганиш ҳозирги пайтда ўзбек тилшунослиги учун долзарб масалалардан бири саналади. Мазкур монография мавзуси ана шу

долзарб масала билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда илк бор тадқиқ этилмоқда.

“Қутадғу билиг” тилининг лексик майдони ранг-баранг бўлиб, унда қадимги ва эски ўзбек тили билан боғлиқ бўлган турли хил соҳага хос луғавий бирликлар мавжуд. Жумладан, унда ижтимоий-сиёсий лексик майдонига хос луғавий бирликлар ва лексик-семантик гуруҳлар мавжудки, уларни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилса ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий лексикаси тарихий тараққиётини белгилашда ўзига муҳим ўрин эгаллаши табиий. Мазкур монография мавзуси юқорида ана шу долзарб масала билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда илк бор тадқиқ этилмоқда. “Қутадғу билиг” лексикасирнинг бой ва ранг-баранг бўлганлигини қуйидаги далиллар тасдиқлайди. Бизнинг тахминимизча, унинг асосини туб туркий сўзлар ҳамда тўрт юз атрофидаги ўзлашмалар ташкил қилади. Ушбу лексик қатлам таркибида универсал сўз туркуми тарзида тан олинган сифатга оид лексик бирликлар салмоқли миқдорни ташкил этади.

Биз “Қутадғу билиг”даги ижтимоий-сиёсий лексик майдонининг таҳлили жараёнида беш юзга яқин сўзларни танлаб олдик. Шулардан ижтимоий лексикага оид 150дан ортиқ сўзлар ажратилди ва монографияда изоҳ берилди. Сўзлар таҳлили жараёнида турли этимологик луғатлар, интернет маълумотлари ва қадимий ёзма манбалардан фойдаланилди.

Монографияда кўрсатилган сўзларнинг этимологик луғатларда қайд этилиши, таҳлил қилинишига кўра уч қисмга бўлдик, гарчи ушбу сўзлар сон жиҳатидан саноқли бўлса ҳам

уларни таҳлил этишни жоиз деб билдик. Биринчи гуруҳга ДТС (Қадимги туркий луғати)да қайд этилмаган ***Карқышығ Эрәж, Йиглик Исфаҳса***, иккинчи гуруҳга ДТСда маъноси чала талқин этилган, **йувға** ушбу лексеманинг омонат маъноси бирон бир этимологик луғатда учрамайди. ДТСда ҳамда ЭСТЯ (Туркий тиллар этимологик луғатлари)да “юпқа” деган маъноси учради холос.

Йорық-учинчи гуруҳга хос сўз ҳеч бир этимологик луғатда учрамайди; Умуман, **Тоқу**, **Йортуғ, *Карқышығ*** сўзларига изоҳли таъриф берилди.

Жумладан, мазкур тадқиқот ҳам шулардан бири сифатида амалга оширилмоқда.

Хуллас, монография “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексик майдонини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги ҳолатларга аҳамият берилди:

1.“Қутадғу билиг” асарининг туркология ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиш даражаси белгиланди, янги маълумотлар билан тўлдирилди.

2. Жумладан, “Қутадғу билиг” асарининг номланиш масаласида янги фикрлар, маълумотлар келтирилди.

3. “Қутадғу билиг” асаридаги лексикасини система сифатида ўрганишда сўзларни маълум гуруҳларга ажратиш учун қўлланган **майдон** термини ва у билан боғлиқ бўлган тушунча ва атамалар ҳақидаги фикрлар қисқача талқин қилинди ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

4. Шунингдек, қисман ижтимоий-сиёсий лексема термини тушунчаси ҳақидаги маълумотлар келтирилди.

5. “Қутадғу билиг” асарининг ижтимоий-сиёсий лексик майдонидаги луғавий бирликлар ва лексик-семантик гуруҳлар тўлиқ таҳлил этилди.

6. “Қутадғу билиг” асарининг ижтимоий-сиёсий лексик майдонидаги луғавий бирликлардан давлат ва давлатчиликка ҳамда адолат ва адолатсизликка оид терминлар лексик-семантик хусусиятлари ёритилди.

7. “Қутадғу билиг” асарининг ижтимоий-сиёсий лексик майдонидаги луғавий бирликларнинг барчасини қадимги ва эски туркий ёзма ёдгорликлари тил материли билан қиёслаш асосида уларнинг тарихий тараққиёт жараёнини белгилашга ҳаракат қилинди.

Монографиянинг илмий янгилиги шундаки, “Қутадғу билиг” асарида акс этган ижтимоий лексик майдон илк бор монографик йўналишда ўрганилмоқда. Ушбу асар тилидаги ижтимоий лексик унсурлар майдонини қадимги ва эски ўзбек тили ҳамда қисман ҳозирги тилимиздаги кўринишлари билан қиёслаб ўрганиш натижасида ўзбек тили лексик бойлигининг шаклланиш асосини ва лексик бойлигининг тарихий тараққиётини белгилашга қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Монография материалидан Давлат таълим стандартлари талабларига мос ҳолда олий ўқув юртлари учун ўзбек адабий тили тарихи дарсликларини яратишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ишнинг материаллари олий ўқув юртлари филология

факултетларида ўзбек адабий тили ўтмиши бўйича ўқиладиган тил тарихи бўйича танланма фанлар учун назарий асос ва илмий-тадқиқот ишларининг ёзилишида, ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича ёки соҳага оид луғатлар тузишда фойдали илмий адабиётлардан бири сифатида хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998 (-64 б.).
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997 (-259 б.).
3. Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил.-Т.: “Ўқитувчи”, 1992 (-157 б.).
4. Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил.-Т.: “Ўқитувчи”, 1982 (-168 б.) .
5. Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.-Т.: “Ўқитувчи”, 1973 (- 320 б.).
6. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси.-Т.: “Фан”, 2008 (-192 б.).
7. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века. – Алма-Ата: “Наука”, 1971(-380 с.).
8. Аманжолов А.С. Материалы и исследования по историы древнетюркской письменности: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. –Алма-Ата: “Наука” 1975 (-20 с.).
9. Асаналиев У., Аширалиев К. “Кутадгу билиг” эстелигинин тилдик өзгөчөлүктөрү. –Фрунзе: Илим, 1965 (-187 б.).

10. Арзиев Р. Лексико-стилистические особенности языка поэмы “Кутадгу билиг” Юсуфа Хос Хаджиба: Автореф.дисс... канд. филол. наук. –Алматы, 1991 (-22 с.).

11. Arat R.R. Kutagu bilig. I Metin. –Istanbul, 1947

12. Аширалиев К. Древнетюркские элементы в современных тюркских языках (на материале орхоно-енисейских памятников): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Фрунзе, 1969 (-20 с.).

13. Ахманова О. Очерки по общей и русской лексикологы. –М: МГУ, 1957 (-137 с.).

14. Базарова Д.Х., Шарипова К.А. Развитие лексики тюркских языков Средней Азы и Казахстана.-Т.: “Фан”, 1990 (-171 с.).

15. Баласагун Юсуф. Благодатное знание // Издание подготовил С.И.Иванов.-М.: “Наука”, 1983 (-514 с.).

16. Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и ее изучение.-М.: “Наука”, 1981 (-135 с.).

17. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. Ч. I.-М.: АН, 1952 (-492 с.).

18. Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. II.–М.: “Наука”, 1962 (-272 с.)

19. Батманов И.А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности.-Фрунзе: АН Кирг., 1959 (218 с).

20. Батманов И.А., Арагачи З.Б., Бабушкин Г.Ф. Современная и древняя Енисейка.-Фрунзе: АН Кирг., 1962 (-249 с.).

21. Бафоев Б. “Навоий асарлари” лексикаси-Т.: “Фан”,1983. (-157 б.).

22. Баялиева Г. “Қутадғу билик” дастаны тіліндегі көпмағыналы сын сімдер// tiltаным.-Алматы: Языкознание, №1. 2003, стр. 93-96.

23. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.-Т.: “Фан”, 1985 (-200 б.).

24. Бегматов Э. Ўзбек тили лексикологияси.-Т.: “Фан”, 1981. (-313 б.).

25. Бертагаев Т.А. Лексика современных монгольских литературных языков.-М.: “Наука”, 1974. (-383 с.).

26. Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещены.-М.: “Наука”, 1982 (-304 с.).

27. Благова Г.Ф. Характеристика грамматического строя (морфология) староузбекского литературного языка конца XV века по “Бабурнаме”.Автореф. дис. канд. филол. наук.-М.:1954 (-17 с.).

28. Болтаева И. Ўзбек халқ достонларида эпитет табиати. Филол. фанлари номзоди дисс. автореф.-Т.: 2001 (-20 б.).

29. Боровков. А. К. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII вв.-М.: “Восточная лит-ра”, 1963 (-367 с.).

30. Боровков А.К. Алишер Навои. Как основа положник узбекского литературного языка //Алишер Навои.-М.-Л.:1946 (-121 с.).

31. Брагина А.А. Лексика языка и культура страны.-М.: “Русский язык”, 1986 (-151 с.).

32. Будагов Р.А. Введение в науку о языке.-М.: “Учпедгиз”, 1958 (-492 с.).

33. Валитова А.А. Типология восточной поэмы.-Баку: //Советская тюркология, № 4, 1973 стр.31-42.

34. Валитова А.Р. Юсуф Баласагунский и его «Кутадгу билиг»: Автореф. дисс.канд. филол. наук.-М.:1951 (-17 с.).

35. Веселовский А. Н. Историческая поэтика.-М.: “Высшая школа”, 1989 (-404 с.).

36. Веселитский В.В. Отвлечённая лексика в русском литературном языке XVIII начале XIX вв.-М.: “Наука”, 1972 (-320.).

37. Виноградов В.В. О категоры модальности и модальных слов в русском языке.-М.: “Наука”, 1961 (-376 с.).

38. Ганиходжаева М. Функционирование основных прилагательных цвета в исторических срезах языка (Историко-лингвистический анализ лексики старо письменных памятников).-Т.: “Фан”, 1994, стр.43-57.

39. Гиясов С. Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук.-Т.: 1983 (-22 с.).

40. Грамматика ногайского языка. Фонетика и морфология. – Черкасск: Б.И., 1973 (-193 с.).

41. Грамматика современного башкирского языка.-М.: “Наука”, 1981 (-495 с.).

42. Грамматический тюркских очерк языка текстов X-XIII вв.из Восточного Туркистана. -М.-Л.: Изд. АН, 1961 (-204 с.).

43. Грунин Т.Н. Имя прилагательное в тюркских языках.-М.: // Вопросы языкознания.№ 4, 955, стр.55-65.

44.Гулямов А.Г. Проблемы исторического словөбразования узбекского языка: Автореф. дисс. д-ра филол. наук.-М.:1968 (-50 с.)

45. Гумбольт В. Фонд. Избранные труды по языкознанию.-М.: “Прогресс”, 2000 (-400 с.).

46. Дадабоев Х. Насыров И, Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка.-Т.: “Фан”, 1990 (-214 с.).

47. Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс.канд. филол.наук. – Т.: АНУз., 1991 (-186 с.).

48. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.-Т.: “Ёзувчи”, 1991 (-186 с.).

49. Дадабаев Х.Старотюркская дипломатическая терминология в XI-XIV вв. // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников.-Т.: “Фан”, 1994.(3-13 с.).

50.Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси методологияси.-Т.: “Фан”, 2004 (-176 б.).

51.Дадабоев Ҳ. “Бобурнома”даги ахлоқ-атвор лексикаси хусусида. –Самарқанд: // Филология, №6, 2004 (-7 б.).

52. Девону луғотит турк. Индекс.-Т.:“Фан”, 1967 (-544 б.).

53. Дёрфер Г. Базисная лексика и алтайская проблема.-М.: // Вопросы языкознания, № 4, 1981, стр.35-44.

54. Dilaçar A. Kutagu bilig incelemesi. Ankara: 1972

55. Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка.-М.-Л.: АН, 1948 (-232 с.).

56. Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков.-М.: “Наука”, 1962 (-541 с.).

57. Древнетюркский словарь. -Л.: “Наука”, 1969 (-676 с.).

58. Иванов С.Н. О “Благодатное знание” Юсуфа Баласагунского // Юсуф Баласагунский. Благодатное знание.-М.: “Наука”, 1983 (-537 с .).

59.Иванов С.Н. “Родословное древо тюрок” Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк. Имя, глагол.-Т.: “Фан”, 1969 (-203 с.).

60. Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический трактат XIY в. на арабском языке) //Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И. Фазылова и М.Т. Зияевой.-Т.: “Фан”, 1978.(-451 с.).

61. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков.-М.: АН, 1965 (-231 с.).

62. Историческое развитие лексики тюркских языков.-М.: АН, 1961 (-466 с.).

63. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув.-Т.: “Фан”, 2007 (-105 б.).

64. Караев О. О терминах и названия в поэме “Кутадгу билиг”.-Баку: // Советская тюркология, №3, 1981, стр.14-19.

65. Каримов К. Категория падежа в языка “Кутадгу билиг”: Дисс. канд. филол. наук.-Т.: 1962 (-14 с.).

66. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф.-Т.: “Бадый адабиёт”, 1971 (-158 б.).

67. Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои.-Т.: Автореферат дисс. кан. фил. наук., 1973 (-32 б.).

68. Ким Бьён Иль. Семантико-грамматические и стилистические особенности однокоренных параллелных прилагательных с различней аффиксальней частью в современном узбекском языке. Автореф.дисс. канд. филол. наук.-Т.: 1999 (-23 с.).

69. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азы.-М.: “Наука”, 1964 (-215 с.).

70. Кодухов В.И. Общее языкознание. –М.: “Высшая школа”, 1974 (-303 с.).

71. Кондратьев В.Г. Очерк грамматического строя языка памятников тюркской рунической письменности УШ в из Монголы: Автореф. дисс. канд. филол. наук.-Л.: 1965 (-19 с.).

72.Кононов А.Н. Родословная туркмен // Сочинение Абул-Гази Хана Хивинского.-М.-Л.: 1958, стр.115-117.

73.Кононов А.Н. Слово о Юсуфе из Баласагуна и его поэме “Кутадгу билиг”.-Баку: // Советская тюркология, №4,1970, стр.3-12.

74. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв.-Л.: “Наука”, 1980 (-255 с.).

75. Кононов А.Н. Поэма Юсуфа Баласагунского “Благодатное знание” // Юсуф Баласагунский “Благатное знание” Юсуфа Баласагунского.-М.: “Наука”, 1983, стр.495-517.

76. Кононов А.М. Грамматика современного узбекского литературного языка.-М.-Л.: “Наука”, 1960 (-283 с.).

77. Кормушин И.И. Лексико-семантическое развитие корня ***ка*** в алтайских языках // Тюркская лексикология и лексикография. – М.: 1971, стр.16-17.

78. Котвич О. Исследования по алтайским языкам.-М.: “Наука”, 1962 (-372 с.).

79.Крушевский Н.В. Очерк науки о языке.-Казань: Б.И., 1883 (-363 с .).

80. Лексикология тюркских языков.-М.: “Наука”, 1984 (-228).

81. Львов А. Лексика “Повести временных лет”.-М.: “Наука”, 1975 (-387 с.).

82. Малов С.Е. Кутадгу билиг-факсимиле // Советское востоковедение.-М.-Л.: 1948. Т.5 (-327 с.).

83. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности.-М.-Л.: “Наука”, 1951 (-451 с.).

84. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков, тексты и переводы. –М.-Л.: “Наука”, 1952 (-116 с.)

85. Малов С.Е. Мир Алишер Навои в исторы тюркских литератур и языков Средней и Центральной Азы.-М.-Л.: // Известия АН, ОЯЛ, вып. 6, 1947 (-478 с.).

86. Мамадалиева Н. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари лексик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди. дисс. автореф.-Т.: 2004 (-22 б.).

87. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари. Филол. фанлари номзоди. дисс. автореф.-Т.: 2004 (-24 б.).

88. Маслов Ю.С. Введение в языкознание.-М.: “Высшая школа”, 1975 (-327 с.).

89. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов), 1-том.-Т.: 1960 (-499 б.).

90. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов), 2-том.-Т,: 1961(-427 б.).

91. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов), 3-том.-Т.: 1963 (-466 б.).

92. Махпиров В. Антропонимы в “Дивану лугатит- турк” и “Кутадгу билиг”.-Баку://Советская тюркология, №4,1979,стр.22-29.

93. Маҳмудов Қ. XIII-XIV ёзма обидалар тилининг фонетик системаси.-Т.: “Фан”, 1990 (-226 б.).

94. Мукаррамов М. Ўзбек тилида сифатлаш.-Т.: // Ўзбек тили ва адабиёти, № 6, 1973 (-37 б.).

95. Мусаев К. Грамматика караимского языка.-М.: “Наука”, 1964 (-344 с.).

96. Мусаев К. Историческое развитие лексики тюркских языков.-М.: “Наука”, 1967 (-367 с.).

97. Мусаев К. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении.-М.: “Наука”, 1975 (-259 с.).

98. Мухаммедов С. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов. Автореф. дисс. канд. филол. наук.-Т.: 1980 (-20 с.).

99. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида диалектик категорияларнинг умумийлик ва хусусийлик асосида намоён бўлиши. Филол. фанлари д-ри. дисс.-Т.: 2006 (-234 б.).

100. Навоий асарлари луғати.-Т.: “Ғафур Ғулом” 1972 (- б.).

101. Наджип Э.Н. Современный уйгурский язык.-М.: МГУ, 1960 (-192 с.).

102. Наджип Э.Н. Культура и туркоязычная литература Мамлюкского Египта XIV века.-Туркестан: Б.И., 2004 (-372 с.).

103. Наджип Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века.-М.: “Наука”, 1979 (-479 с.).

104. Наджип Э.Н. Исследования по истории тюркских языков XI- XIV вв.-М.: “Наука”, 1989 (-282 с.).

105. Нажмиддинов Ф. Адъектив лексемаларда семалар таснифи ва семалараро муносабатларнинг турлари: Филол. фанлари номзод. дисс.автореф.-Т.: 2000 (-24 б.).

106. Насилов Д.М. В.В. Радлов и изучение древнеуйгурских памятников.-М.: // Тюркологический сборник, 1972, стр. 64-101.

107. Насилов В.М. Древне-уйгурский язык.-М.: Вост. лит., 1963 (-122 с.).

108. Насилов В. Язык тюркских памятников уйгурского письма. XI-XV вв.-М.: “Наука”, 1974 (-207 с.).

109. Насилов В.М. Язык тюркских памятников уйгурского письма XI-XV вв.-М.: “Наука”, 1974 (-101 с.).

110. Насилов В.М. Язык орхоно-енисейских памятников.-М.: “Наука”, 1960 (-152 с.).

111. Насыров И. Лексика “Маджалис ан-нафаис” Алишера Навои. Автореф. дисс… канд. филол. наук.-Т.: 1980 (-20 с.).

112. Насыров И. Лексика “Маджалис ан-нафаис” Алишера Навои (Х.Дадабаев., И.Насыров., Н.Хусанов. Проблемы лексики староузбекского языка).-Т.: “Фан”, 1990, 87-140-бб.

113. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Т.: “Ўқитувчи”, 1995 (-128 б.)

114. Нигматов Х. Морфология тюркского глагола по материалам словаря Махмуда Кашгарского. Автореф. Дисс. канд. филол. наук.-Л., 1970 (-17 с.).

115. Нигматов Х. Морфология языка восточнотюркских памятников XI-XII вв. Автореф. дисс. д-ра филол. наук.-Баку, 1978. (-48 с.).

116. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв.-Т.: “Фан”, 1989 (-191 с.).

117. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. I қисм.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 (-232 б.).

118. Покровская Л.А. Классификация тюркских прилагатель ных по их семантико-синтаксическим признакам //Тюркское языкознание. Материалы III Всесоюзной туркологической конференцы.-Т.: “Фан”, 1985, 167-172-бб.

119. Покровская Л.А. Грамматика гагаузского языка. Фонетика и морфология.-М.: “Наука”, 1964 (-298 с.).

120. Примов А. Ўзбек тили космонимларининг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номзод. дисс. автореф.-Т.: 2009 (-27 б.)

121. Раджапов А.А. Язык орхоно-енисейских памятников древнетюркской письменности: Автореф.дисс.канд.филол. наук.-Т.: 1967 (-17 с.).

122. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречы. Т.I-IV.-М.: Восточ. лит., 1893-1911.(Т.1.Ч.1.1983.-968 с.;Т.2.Ч.2.1983.-969 с.; Т.2.Ч.2.1992.-1052 с.; Т.3.Ч.3.1905.-1260 с.; Т.4. Ч.1.1911.-1116 с.).

123. Рамстедт Г. Введение в алтайское языкознание. Морфология.-М.: Изд-во иностр. литературы, 1957 (-254 с.).

124. Рассадин В.И. Морфология тофаларского языка в сравнительном освешение.-М.: “Наука”, 1978 (-287 с.).

125. Рассадин В.И. Монгольско-бурятские замствования в сибирских тюркских языках.-М.: “Наука”, 1980 (-113 с.).

126. Рахмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари.-Т.: “Фан”, 1989 (-94 б.).

127. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Туркий сўзлар).-Т.: “Университет”, 2000 (-600 б.).

128. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами.-Т.: “Университет”, 2001 (-351 б.).

129. Рустамов М. Лексика дивана Гадаи: Автореф. дисс. канд. филол. наук.-Т.: 1992 (-23 с.)

130. Садыков К. Языковые особенности “Кутадгу билиг” (на материале уйгурописьменного списка). Автореф. дисс. канд. филол. наук.-Т.: 1987 (-27 с.).

131. Садыков К. Глагол в языке “Кутадгу билиг”// Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников.-Т.: “Фан”, 1994, стр. 90-106.

132. Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке. Автореф. дисс. канд. филол.наук.-Т.: 1963 (-20 с.).

133. Самойлович А.Н. К исторы литературного средне-азиатско-турецкого языка // Мир Али Шир.-Л.: АН, 1928 (-1-23 с.).

134. Сартқожаулы Қ. Култегин кислі орын кешені (КТ) // Туркология, №3 . “Туркистан”, 2004 (-3-15 с.).

135. Севортян Э.В. Из исторы прилагательных в тюркских языках // Тюркологические исследования.-М.-Л.,1963, стр.58-68.

136. Севортян Э.В. Аффиксы именного словөбразование в азербайджанском языке.-М.: “Наука”, 1966 (-437 с.).

137. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Т.I-IV. -М.: “Наука”, 1974-1980 (Т.I.1974. -768 с.; Т.II. – 1975. -349 с.; Т.III. –1977. – 395 с. Т.IV. – 1980 -395 с.).

138. Севортян Э.В., Левитская Л.С. Этимологический словарь тюркских языков. Т.IV. -М.: “Наука”, 1989 (-294 с.).

139. Севортян Э.В. Этимологический словар тюркских языков общетюркские и межтюркские основы.-М.: «Язык русской культури», 1997 (-362 с.).

140. Срезневский И.И. Мысли об исторы русского языка.-М.: “Учпедгиз”,1959 (-135 с.).

141. Стеблева И. В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке.-М.: “Наука”, 1971 (-299 с.).

142. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне классический период.-М.: “Наука”, 1976 (-214 с.).

143. Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан// Қадимги ёзма ёдгорликлар.-Т.: “Ёзувчи”, 2000, 117-203 бб.

144. Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. -Т.: “Фан”, 2006, 130-131 бб.

145. Современный татарский литературный язык. Лексикология, фонетика, морфология.-М.: “Наука”, 1969 (-380 с.).

146. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология.-М.: “Наука”, 1988 (-484 с.).

147. Султанов Б. Арабско-персидские заимовования в «Кутадгу билиг» Юсуфа Баласагуни.-Баку: //Советская тюркология, №4, 1981, стр.14-19.

148. Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков.-Баку: “Маориф”, 1979 (-304 с.).

149. Тенишев Э.Р. “Кутадгу билиг” и “Алтун ярук”.-Баку: // Советская терминология, № 4. 1970.

150. Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение.-Л.: “Наука”, 1959 (-247 с.).

151. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” поэтикаси.-Т.: “Фан”, 2007 (-150 б.) .

152. Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика.-Т.: “Фан”, 2010 (-238 б.).

153. Фазылов Э.И. Лексика “Кутадғу билиг” в Древнетюркском словаре.-Баку: //Советская тюркология. № 4, 1970, стр.48-55.

154. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси.-Т.: “Фан”, 2007 (-176 б.).

155. XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси.-Т.: “Фан”, 1990 (-108 б.).

156. XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили.-Т.: “Фан”, 1986 (-288 б.).

157. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологы тюркских языков.-Л.: “Наука”, 1977 (-191 с.).

158. Щербак А.М.Грамматика староузбекского языка.-М.-Л.: Изд. АН, 1962 (-274 с.).

159. Этимологический словарь тюркских языков обще тюркские и межтюркские основы...-М.: Восточная литература РАН, 2000.VII (-474 с.).

160. Этимологический словарь тюркских языков обще тюркские и межтюркские основы ....-М.: 2003 (-446 с.).

161. Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фанлари д-ри. дисс. автореф.-Т.: 2009 (-48 б).

162. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Нашрга таёрловчи Қаюм Каримов).-Т.: “Фан”, 1971 (-963 б.).

163. Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг дидактик асари “Қутадғу билиг” ҳақида (С.М. Муталлибов. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том, кириш).-Т.: 1960, -8-15-бб. (-499 б.).

164. Юсуф Баласагуни: Наука быть счастливым.-М.: Издательство “Раритет”, 2005 (- с.).

165. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари.-Т.: “Фан”, 1986 (-124 б.).

166. Yusuf Has Hacip. Kutadgu bilik. Hazirki Zaman Uygur tilidiki Neşri Yeşmisi. Ş. U. A. R. Ictimai Penler Akafdemiyisi Milletler Edebiyati Tektikat Orni.1991 (S.-942.)

167. Jusuf Has Hajib. Kutadgu bilig. II Tercüme. Reşid Rahmeti Arat. Ankara. 1959.

168. Ўзбек тилининг изоҳли луғати I- II т.-М.: “Рус тили”, 1981 (I т. -631 б., II т.-715 б.).

169. Őnler Zafer “Kutadgu biliğde Yer Alan Deyimler// Tűrk Oilleri Arastirmalari. Cilt 9. 1999. S.119-186.

170. Ercilasun A.B. Kutagu bilig Grameri- Fiil; Ankara.1984;

171. Kitab-i Mecmu-i Tercűman-I Türki ve Acemi ve Mugali. Ankara. 2000. – S.35

172. Ҳамидов З. Статическая и тематическая характеристика лексики поэмы “Лисан -ат тайр” Алишера Навои // Историко-лингвистическая анализ лексики старописьменных памятников.-Т.: “Фан”, 1994, стр.125-127.

Интернет сайтлари

1. www.gendocs.ru

2.http://www.uighur.kz/forum/showtopic/40-kutadgu-bilig-yusufa-has-hadzhiba-balasaguni

3. http://www.ukazka.ru

4.slovarus.ru›?di=4730

o-db.ru›…russian…obschestvenno_politicheskij.html

5.http://xacitarxan.narod.ru/sma/p10.htm

6.http://alexander.sensusdesign.ru

7.http://www.tl.ru/razn/proverbs.htm

ИЛМИЙ НАШР

Усмон.Санақулов, Ўткир Остонов.

“Қутадғу билиг” асари ва ундаги ижтимоий-сиёсий

лексик майдоннинг тадқиқи.

Монография

“.....”нашриёти, Тошкент шаҳри.....кўчаси ,

.....уй.2018 йил,172 бет

Муҳаррир-

Саҳифаловчи- .

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий услубий Кенгашининг 2018 йилги 11-сонли қарори асосида босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими- 60х84 1/16. Офсет босма қоғози.“Таймс” гарнитураси. Офсет босма босма усули. Шартли б.т. 9,4. Нашр тоб. 7,5. Адади 100. Буюртма № Баҳоси келишилган нархда

ISBN:

“.....”.....босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳар,.....кўчаси,.....уй

Қайта ишланган нашр